1960 йил 6 январда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан "Республика колхоз ва совхозларида деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида" ги 9-сонли қарор қабул қилинди[18]. Ушбу қарорда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги, вилоят ва туман партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ва туман ижроия комитетлари зиммасига суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг барча чораларини кўриб бориб, республикадаги асосий экин бўлган пахта майдонларини кўпайтириш, етти йиллик мобайнида барча колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни жорий қилиш ҳамда ўзлаштиришни таъмин этиш вазифаси юклатилди.

Агар, Мирзачўлда 1961 йилда 4 та совхоз ташкил этилган бўлса, 1980 йилда фақат "Главсредазирсовхозстрой" тресги системасида 107 совхоз, шу жумладан 73 та пахтачилик, 18 та шоликорлик, 10 та боғ-узумчилик совхози ва 6 та бошқа ишлаб чиқариш йўналишидаги совхоз қурилди[19].

1961 йил 25 майда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги "Тошкент вилояти колхоз ва совхозларида янги ва қўриқ ерларни 1961 йилдаги экиш учун тайёрлаш ишларининг бориши тўғрисида" 151-сонли буйруқ чиқарди. Буйруқда 1961 йилда Тошкент вилояти колхоз ва совхозларида янги ва қўриқ ерларни экиш учун тайёрлаш бўйича ишлар қониқарсиз олиб борилганлиги таъкидланди. Мазкур йилнинг 20 апрелига қадар бўлган ҳолатга кўра, режа бўйича 18,2 минг га.дан, амалда фақатгина 12,5 минг га ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланган. Бу режа бўйича 68 фоиз ни ташкил қилган[20].

1961 йилда Балиқчи туманидаги "Мингбулоқ" совхозида ялпи пахта териш 3559,5 тоннани ташкил этди. Пахта майдонларида ҳосилдорликнинг пасайиши ҳам айнан шу даврда яққол кўзга ташланди. Ушбу туманга қарашли "Ғалаба" колхозида ҳосилдорликнинг пасайиши га.дан 8,3 центнерни ва Оржоникидзе колхозида эса ҳар бир гектардан 6

[17] АВДА. 619-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 272-варақ.
[18] АВДА. 619-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 22-варақ.
[19] И с к а н д а р о в С. И., Р а ҳ и м б о е в Ф. М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. Тошкент: Ўзбекистон, 1984. 21-бет.
[20] ЎзР МДА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 1595-иш, 242-варақ.

центнерни ташкил қилди[21].

1962 йилнинг март ойида СССР Министрлар Совети давлат назорати комиссияси, ЎзССР Министрлар Совети давлат назорати комиссияси ҳамда унинг Андижон вилояти бўйича гуруҳи билан биргаликда Андижон вилоятидаги колхоз ва совхозларнинг суғориладиган ерларидан фойдаланиш, шунингдек, ўзлаштириш ишларининг қониқарсиз олиб борилаётганлиги ва унинг сабаб ва оқибатлари бўйича текширув ўтказилди. Шу жумладан, олиб борилган текширувда қуйидагилар қайд этилди: "Кейинги 9 йил ичида вилоят колхоз ва совхозларида 24,6 минг гектар Марказий Фарғона қўриқ ерлари қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Бу ерларда 13 нафар кўчириладиган (кўчма колхозлар) ва 2 та совхоз ташкил қилинди. Олдинги хўжаликларда суғориладиган ерлардан фойдаланиш вилоятда тўғри ташкил қилинган ва улардан юқори пахта ҳосили олиниб, вилоят катта маблағ билан таъминланмоқда. Бўз туманининг "Ленинчи", "XVII партия съезди", Охунбобоев номли колхозлари қайтадан ўзлаштирилган ерларнинг 2656 га умумий майдонга пахта экилди ва 1961 йилда гектаридан 19-20 центнергача пахта ҳосили олинди[22].

Тўрақўрғон туманидаги 3580 га майдонга эга бўлган "Гигант" колхозида гектаридан 22,3 центнердан пахта ҳосили олинди ва 100 га шудгорли ердан олинган пул даромади 63,8 минг рублни ташкил этди. Шу билан бирга кейинги йилларда вилоят колхоз ва совхозларида экин майдонларини кенгайтириш ҳамда ўзлаштириш ишлари бўйича жиддий етишмовчиликлар ҳам мавжуд эди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш режаси бўйича қилинадиган ишлар йилдан йилга бажарилмай қолган.

Андижон вилоят колхозлараро советининг 1962 йил 10 мартидаги маълумотига кўра, 5684 га ер комплекс тайёрланди, ундан, 4307 гектар капитал комплекс тайёргарлик ҳисобидан, 1377 га илгари тайёрланган ерларнинг таъмири ҳисобидан амалга оширилди. 1960 ва 1961 йилларда вилоят колхоз, совхозларида 8,8 минг га янги ер ўзлаштирилди ҳамда 1961 йилда қишлоқ хўжалигининг маданий экин майдони 381,1 минг гектарни ташкил қилди[23].

Совет ҳукумати Қарши чўлини ўзлаштиришга ҳам муҳим эътибор қаратди. Жумладан, "Мамлакат Қарши чўлини ўзлаштиришга ғоят катта маблағ ажратди. 1965 йилдан бошлаб 1 млрд рублдан кўпроқ давлат маблағи сарфланди. Қарши чўли катта самара берди: қўриқда ташкил

[21] АВДА. 612-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 53 -варақ.
[22] АВДА. 612-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 44 -варақ.
[23] АВДА. 612-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 50 -варақ.

қилинган 41 та пахта экадиган совхозда 1978 йилнинг ўзида 185,9 минг тонна пахта етиштирилди, шундан 49,5 минг тоннаси ингичка толали пахтадир"[24].

Тўққизинчи беш йиллик (1971-1975 й.й.) даврида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 513,1 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерларда асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил қилинди. 1975 йил республикада 5013,3 минг тонна пахта етиштирилиб, иттифоқ хирмонига топширилган[25].

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил 2 октябрдаги "Қўриқ ва суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва ерларнинг мелиорацияси бўйича келгусидаги ишларни кучайтириш тўғрисида" ги 720-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети 1972 йил 16 ноябрда 516-сонли қарор қабул қилди. Қарорда, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг бевосита доимий ёрдами туфайли республикада янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилганлиги, йирик гидротехник объектлар қурилиши, сув билан таъминлашни кўпайтириш ва амалдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда келгусида пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун шароит яратиш вазифаларини бажариш вазифаси қўйилганди. Бироқ, республикада суғориш тизими техникасини такомиллаштириш бўйича ишлар суст олиб борилди, хўжаликлар суғориладиган ерларни кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмади.

1972 йил 7 декабрда ЎзССР Министрлар Совети "Хоразм вилоятидаги ерларни ўзлаштириш ва экин оборотига киритишни кучайтириш чора-тадбирлари ва ҳолати тўғрисида" ги 538-сонли қарорни қабул қилди[26]. Вилоятда 1966 йилда пахта тайёрлаш 350,9 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1971 йилда эса у 415 минг тоннага ортди. Бу йилларда бир гектар ердаги ҳосилдорлик 35 центнердан 38.5 центнергача кўтарилди. Шу билан бирга колхозларнинг даромади сезиларли ўсди ва пахтачиликнинг рентабеллиги ортди. Шунингдек, вилоятда ўрнатилган режа бўйича ўзлаштириш ва янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш ишлари бажарилмаган. Ўтган беш йилликда суғориладиган ерларнинг ўсиш режаси атиги 87,5 фоизга бажарилган, шу билан бирга қурилган 10,4 минг га дан қишлоқ

---

[24] О ч и л о в Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964). Тошкент: Фан, 1991. 53-бет.
[25] Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статсборник. Ташкент: Узбекистан, 1986.161-бет.
[26] ЎзР МДА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 4160-иш, 1-варақ.

хўжалиги оборотига 9,1 га киритилган. Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1971 йил 29 июндаги 288-сонли ўрнатилган қарори бўйича янги ерларни ўзлаштириш бўйича топшириқлар бажарилмаган. 1971 йилдаги 5200 га ва 1972 йилдаги 4369 га кўриб чиқилган ўзлаштиришдан ўтган йилда 4800 га, жорий йилнинг 9 ойида атиги 2977 га амалда ўзлаштирилди.

1972-1975 йилларнинг ўзидагина ярим миллион гектар чўл ерлари ишга туширилди, 50 та совхоз ташкил қилинди. 50-йиллар ўрталаридан бошланган Мирзачўлни ўзлаштириш жараёни 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб якунланди. Мирзачўл ерларида 42 та совхоз, асосан пахтакор совхозлари ташкил қилинди.

1975 йил 26 мартда Наманган вилоят ижроия комитетининг совети "Вилоят колхоз ва совхозларида фойдаланилаётган ерларни келгусида яхшилаш чора-тадбирлари ва ҳолати тўғрисида" 129-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда тўққизинчи беш йилликнинг ўтган 4 йили давомида Наманган вилояти колхоз ва совхозларида суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича маълум ишлар бажарилганлиги таъкидланди. Вилоятда 15,1 минг гектар ер ўзлаштирилди ва 29,9 минг гектар капитал режалаштирилди ҳамда 73,0 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш ишлари яхшиланди[27].

ЎзССР Министрлар Советининг 1977 йил 18 июлдаги "Сурхон-Шеробод чўллари ерини комплекс суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларнинг бориши тўғрисида" 466-сонли қарорига мувофиқ ЎзССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги шу йилнинг 27 июлида 379-сон буйруғини чиқарди[28]. ЎзССР Министрлар Совети ушбу қарорида қайд этдики, Сурхон-Шеробод чўлларидаги бўз ерларни суғориш ва янги совхозлар қурилиши бўйича "Узглавводстрой", ЎзССР Қишлоқ қурилиш вазирлиги, ЎзССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ижроия комитети сезиларли даражада ишларни ўтказди. Дастлабки қурилишда 356 млн рубль капитал маблағлар ўзлаштирилди ва 333,3 млн рубль маблағ асосий фондга киритилди, 81,2 минг гектар янги ер тайёрланди ва қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди, 511,5 минг кв.метр турар-жой топширилди, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, магазинлар, клублар, ҳаммомлар ва бошқа маданий-маиший объектлари қурилди[29]. Улар ўз навбатида пахтачилик ривожининг ўсиш суръатини тезлаштирди. Шеробод чўлларида 34,4 минг гектар ер ўзлаштирилиб, "Янгиобод", "Комсомолобод", "Советобод", "А.Набиев", "Ленин", "Охунбобоев" давлат хўжаликлари

---

[27] НВДА. 317-фонд, 5-рўйхат, 86-иш, 22 -варақ.
[28] ЎзР МДА. Р.90-фонд, 10-рўйхат, 7774-иш, 33-варақ.
[29] ЎзР МДА. Р.90-фонд, 10-рўйхат, 7774-иш, 34-варақ.

(совхозлар) ташкил этилди[30].

1980 йилда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларда экин майдонларини кенгайтириш туфайли 1965 йилдагига нисбатан пахта етиштириш Бухоро вилоятида 314 минг тоннадан 631 минг тоннага, Сирдарё вилоятида 194 минг тоннадан 584 минг тоннага, Жиззах вилоятида 72 минг тоннадан 354 минг тоннага кўпайди[31].

Хулоса тарзида таъкидлаб ўтиш жоизки, XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан совет ҳукумати аграр сиёсати мазмунидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда пахтачилик янада ривожлантирилди. Асосан ушбу мақсадни амалга ошириш учун кўплаб ҳажмда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ҳудудларда эса пахтачиликка ихтисослашган совхозлар, хўжаликлар ташкил қилинди. Мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга ўз навбатида пахта яккаҳокимлигининг кучайиб боришига ҳам туртки берди. Марказга пахта етказиб бериш ҳам йилдан йилга ортиб борди. Ўзлаштириш ишларига давлат бюджетидан кўплаб капитал маблағлар ажратилди. Бироқ, бу маблағлар жойларда кўпинча ўзлаштирилмай қолиб кетди. Республикада пахта яккаҳокимлигининг янада кучайиши кўплаб салбий жиҳатларни ҳам келтириб чиқарди. Пахта яккаҳокимлиги сиёсати айниқса аҳолини дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласида республиканинг Марказга қарамлигини янада кучайтирди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида пахтачиликка ихтисослашган совхозларнинг ташкил этилиши, пахта экин майдонларининг кенгайиб бориши натижасида ер ўз ҳосилдорлигини аста-секин йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги йилдан-йилга кучайди.

*О. Комилов*

## ОСВОЕНИЕ НОВЫХ ЗЕМЕЛЬ И ДАЛЬНЕЙШЕЕ РАЗВИТИЕ ХЛОПКОВОДСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 50-80 ГГ. XX В.

В статье автор изучил историю освоения целинных и переложных земель в Узбекистане а также организации хлопководческих совхозов в освоенных новых землях периода 1950-1980 годов. Кроме того, освещены вопросы усиления советским правительством процесса насаждения монокультуры хлопка в республике, её последствия дальнейшего развития хлопководства и увеличения поставок хлопка Центру.

---

[30] Холмўминов Ҳ. Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш // Жамият ва бошқарув. 2010. № 3. 135-бет.
[31] Искандаров С. И., Раҳимбоев Ф. М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши... 22-бет.

*O. Komilov*

## RECLAMATION OF NEW LANDS AND DEVELOPMENT OF COTTON GROWING ONCE MORE IN UZBEKISTAN (1950-1980)

In the article the author studied the reclamation of virgin lands in Uzbekistan and the history of state farms organized in the new reclaimed places in the example of the period within 1950-1980. Besides in the research the issues like the development process of cotton monopoly policy and the increase of cotton growing once more as well as the increase of growing cotton for Centre have been explained.

*Ф. Отахонов*

## ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА 1821 ЙИЛИ ТУЗИЛГАН ҲАРБИЙ ИТТИФОҚ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

(“*Шоҳнома-и нусратпаём*” асари маълумотлари таҳлили)

Марказий Осиё тарихига оид манбалар тадқиқига қаратилган илмий изланишларда “Қўқон тарихнавислик мактаби” номи билан маълум наср ва назмда ёзилган тарихнавислик йўналишидаги асарларнинг умумий сони ўттиздан ортиқлиги маълум[1]. Бу манбалардан аксариятининг ўзбек ва рус тилларига таржималари ҳамда матнлари чоп этилган, ҳали нашр этилмаганлари устида изланишлар давом этмоқда. Улар орасида Мирзо Қаландар Мушрифнинг “Шоҳнома-и нусратпаём”[2] асари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозиргача бор маълумотларга асосланиб айтадиган бўлсак, “Шоҳнома-и нусратпаём” Қўқон хонлиги тарихига оид илк насрий асардир. Унинг учта қўлёзмаси етиб келган бўлиб, каталогларда ва айрим тадқиқотларда атрофлича тавсифланган[3]. Улардан бири Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида (Санкт–Петербург) С471 рақамида муаллиф дастхати сифатида эътироф этилган қўлёзмадир. Бошқа икки нусхаси Тожикистон Фанлар академияси Қўлёзмалар фондида сақланади. Улардан бири XIX охирида, иккинчиси 1937 йили кўчирилган (фонд ходимларининг айтишича, 1088 ва 1026 рақам остида

---

[1] В о ҳ и д о в Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Тошкент: Академнашр, 2010. 320 бет.

[2] “Шоҳномаи нусратпаём”дан берилган таржималар Ж.Маҳмудов ва Ф.Отахоновники.

[3] Қаранг: М и к л у х о – М а к л а й Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института народов Азии. Москва, 1975. 322-бет. №456; С т о р и Ч. А. Персидская литература / Пер. с англ. перераб. и дополн. Б р е г е л ь. Ю. Э. Отв. ред. Б о р щ е в с к и й Ю. Э. Москва: Наука, 1972. Ч.2. 1188-бет. №1053; Персидские и Таджикские рукописи. Краткий алфавитный каталог. Москва, 1964. Т.І. 126-128-бетлар. №127,128.

сақланган ушбу кўлёзмаларнинг тақдири ҳозирда номаълум).

Бу мақолада биз асарнинг Санкт–Петербургда сақланаётган нусхаси асосий матнига кирмай қолган бир тарихий воқеа хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ушбу боб 1821 йилнинг май ойида Қўқон ҳукмдори Умархон (1810-1822) саройига Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (1806–1825) номидан расмий мактуб билан келган элчилик ва унинг оқибатлари хусусида сўз боради.

Бу бобнинг асосий матнга кирмай қолгани тўғрисидаги маълумот бир неча тадқиқотларда ҳам тилга олинган[4]. Қўлёзманинг бошидан 16 варағи ($1^{б}$-$16^{б}$) асарнинг асосий матнидан ажралган қисмидир. Ушбу қисм бошида "Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхоннинг Амири соҳибқирон саройига арзнома жўнатгани ва унинг элчилари сарой остонасини ўпишга етишгани баёнида" номли боб келади. Қўлёзманинг $17^{б}$-варағидан эса, анъанага кўра, "Бисмиллоҳ" ибораси билан асарнинг муқаддима қисми бошланган. Мазкур боб ва қўлёзманинг бошқа қисмларининг хаттотлик услуби ва ёзув белгилари уларни бир шахс ёзганини кўрсатади. Лекин иккаласини солиштирганда қоғозида фарқ бор. Демак, муаллиф бу бобни асарни ёзиб бўлгач китобнинг олд қисмига кейин қўшиб қўйган.

Фикримизча, ушбу боб асарнинг қайси қисмида жойлашганидан қатъи назар, унинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини таҳлил қилиш Ўзбекистон тарихининг чалкаш саҳифаларидан бирини янада ойдинлаштиришга хизмат қилади. Шу сабабли мақолада эътиборни асосан ана шу масалага қаратамиз.

"Шоҳнома-и нусратпаём"нинг Тожикистондаги иккита нусхаси билан таниша олмаганимиз туфайли элчилик ҳақидаги боб уларда қай даражада акс этганини айтиш қийин. Т.Бейсембиев тадқиқотларидаги айрим тагшарҳларга қараганда, бу боб уларнинг бирида ёки иккаласида ҳам бўлган[5].

Айтиш жоиз, Фазлийнинг назмда ёзилган "Умарнома"си, гарчи Умархон даврига бағишланган бўлса-да, Хивадан элчилар келмасидан олдинроқ ёзилгани сабаб, унда ушбу маълумот ўрин олмаган[6].

Бухоро ва Хива сарой тарихчилари асарларида эса, бу элчилик ҳақида умуман эслатилмаган. Лекин айни шу элчиликдан сўнг Хива ва Қўқон томонидан Бухоро амирлиги чегара ҳудудларида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар ўша йилдаги асосий воқеа сифатида биринчи ўринга чиқарилган.

---

[4] Вохидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. 149-бет; Terletsky N. Some data about the early works of the Khuqand historiography // Manuscripta Orientalia. Vol. 10, №1. St. Peterburg, march 2004. P. 14; Бейсембиев Т. Кокандская историография. Алматы, 2009. 490-бет;

[5] Бейсембиев Т. Кокандская историография. 490-бет.

[6] Бу ҳақда батафсил қаранг: Terletsky N. Some data... P. 3-19.

Қизиғи, кейинги даврларда, Қўқон тарихнавислиги анъаналари доирасида яратилган деярли барча асарларда улар учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган "Шоҳномаи нусратпаём"даги бу боб учрамайди.

Фақатгина Аваз Муҳаммад Атторнинг "Тарихи жаҳоннамойи"[7] ва кейинчалик унинг асосида ёзган "Туҳфатут таворихи хоний"[8] номли асарида ҳам "Шоҳнома-и нусратпаём"даги ушбу боб такрорланади. Чунки ушбу иккала асарга "Шоҳнома-и нусратпаём" бирламчи манба бўлиб хизмат қилган бўлиб, ундан Умархоннинг ҳукмронлик даври воқеалари тўлиғича "Шоҳнома-и нусратпаём"дан олинган. Аттор "Шоҳномаи нусратпаём"даги матн ва ҳошиядаги тузатишларни эътиборга олган. Қўлёзманинг олд қисмидаги бобни ҳам матн ичига киритган. Лекин даврий жиҳатдан хато жойга, яъни 1813-1814 йил воқеалари ичига жойлаштирган[9].

"Шоҳнома-и нусратпаём" (ҳамда "Тарихи жаҳоннамойи")дан ўрин олган Муҳаммад Раҳимхон мактуби мазмуни будир:

*"...мен ким Хоразм мамлакатининг фармонравоси, ушбу улуғвор ҳукмни ўзимга қабул қилишни лозим деб билдим ҳамда султону соҳибқирон, саховат ва хайр-эҳсон манбаси, тинчлик ва хотиржамликнинг сабабчиси бўлмиш у зотга бўлган итоатни ўзимга вожиб деб билдим. Зеро, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Қуръони мажид ва Фурқони ҳамидда марҳамат қилганидек: "Аллоҳга, унинг пайғамбарларига ва ўзларингиздан бўлган амирларга итоат қилинг" (Нисо 59). Ушбу кундан эътиборан мен амири соҳибқироннинг фармонларига бўйсунаман. Агар мен томонга марҳамат назарлари билан ишора қилиб, саркашлиги билан маълум бўлган Бухоро подшоҳининг аҳволини хароб қилишга амр қилсалар, агар Парвардигор ўз лутфи марҳамати билан мададкор бўлса, умидворманки, уларни таг-туги билан юлиб ташлардим. Ассалом ат-тақсир."*[10]

Элчилар келтирган мактуб ва Умархоннинг унга жавоби Хива хонлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий иттифоқ тузилганини англатар эди. Чунки бу икки томон ўртасидаги элчилар борди-келдиси учта давлат ўртасида юз берган ҳарбий-сиёсий жараёнларга бевосита алоқадордир. "Шоҳнома-и нусратпаём"да элчи-

---

7 Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамойи. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №9455.

8 Аваз Муҳаммад Аттор. Тухфатут таворихи хоний. Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалар институти қўлёзмаси инв. № С 439.

9 Ш.Воҳидовнинг ёзишича, ушбу муаллиф тарихий китобларни йиғишга ишқибоз бўлган ва кейинчалик улардан фойдаланиб асар яратгани ва ҳали тўлиқ тартибга келмаганини қайд қилиб ҳам ўтган. Қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. 211-бет.

10 Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. $2^{б}$ варақ.

ларнинг келиш йиллари кўрсатилмаган, фақатгина шаъбон ойидалиги айтилган. "Тарихи жаҳоннамойи"да 1236 йил шаъбон (мил. 1821 йил май) ойи деб берилган. Бунадай аниқ сана балки "Шоҳнома-и нусратпаём"нинг Тожикистон нусхасида келган ва Аваз Муҳаммад Аттор уни ўша манбадан олгандир.

XIX аср бошида тахт тепасига келган уччала ҳукмдор – Амир Ҳайдар, Муҳаммад Раҳимхон ва Умархон ўртасидаги муносабатлар маҳаллий манбаларда турлича ёритилган. Масалан, Амир Ҳайдар Умархонга тахтга ўтириши муносабати билан табриклаб ҳадялар жўнатиб, дўстлик таклиф қилгани ҳақидаги матн сақланиб қолган[11]. Балки Амир Ҳайдар давлатлараро муносабатлар расмий анъанасига амал қилган ҳолда шундай хат жўнатгандир.

Қўқон ва Бухоро тарихи акс этган "Мунтахабут таворих" асарининг муаллифи Ҳакимхонтўра маълумотларига қараганда, Умархон Бухорога элчи қилиб юборган Саййид Эшонхожа тўра Маҳдуми Аъзамийни (ваф. 1834/35 й.) Амир Ҳайдар жуда илиқ кутиб олган[12]. Бундан ташқари, бошқа манбада Охунд домла Мир Боқий Бухоро олимлари билан беллашиш учун юборилгани ва Бухоро амири қўқонлик олимнинг илмига тан бериб ҳадялар билан кузатиб қўйгани ҳақида тафсилотлар ҳам айтилади[13].

Бироқ икки ҳукмдор ўртадаги дўстона алоқалар узоққа чўзилмаган. Хусусан, Бухоро таркибидаги Ўратепа ҳокими Маҳмудхожанинг (Маҳмудхон Аҳрорий, ваф. 1821й.) Умархон хизматига ўтиб кетиши ўртадаги илиқ муносабатлар бузилишининг бошланиши бўлди[14].

Умархоннинг 1810-1820 йиллар оралиғида амирлик чегарасидаги Жиззахга уч-тўрт маротаба юриши ва Ўратепа учун доимий урушлар ҳамда Туркистонда ҳукмрон бўлиб турган Тўқи тўра Бухоро амиридан ёрдам олиб Қўқон хонлиги ҳудудларини талон-тарож қилиб, карвонларини талаши икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни буткул ёмонлаштирган эди.

Ўрта Осиё минтақасида асосий таъсирга эга ҳукмдор мавқеини эгаллаш борасида ҳам Амир Ҳайдар билан Умархон ўртасида кураш кетган. Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Усмонли давлати билан алоқаларини яхшилаб, Қўқон ва Хива хонликларини турк

---

[11] М у ҳ а м м а д Р и з о Б а л х и й. Мактуботи Амир Ҳайдар. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №292. 5$^{а}$ варақ.

[12] Б а б а д ж а н о в Б. М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. 139-бет.

[13] Т о ж и р. Ғаройибус сипоҳ. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5408. 8$^{а}$-8$^{б}$ варақлар

[14] М у ҳ а м м а д Я ъ қ у б. Гулшанул мулук. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №1507/III. 145$^{б}$ варақ.

Султони билан яқинлашишига тўсқинлик қилиб туради. Шунинг учун дастлаб Умархоннинг Султон Маҳмудга байъат қилиш, туғ, байроқ ва ёрлиқ сўраб юборган элчилари натижасиз қайтган[15].

Қўқон – Хива ўртасидаги муносабатлар масаласида ҳам қатор зиддиятлар бор. Хўш, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Умархонга шундай мактуб юбориши мумкинмиди?

"Шоҳномаи нусратпаём"да келган мактуб мазмунидан Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Умархонга сўзсиз итоат қилишга қарор қилгани тасвирланган. Албатта, бу ерда вазият бир оз бўрттирилган кўринади. Қолаверса, Муҳаммад Раҳимхоннинг бундай таклифи тўғрисида бошқа манбаларда деярли маълумот йўқ[16]. Уччала давлат ҳукмдорлари ўртасидаги тортишувларни ўша давр манбаларида машҳур бўлган шеърий мусобақада кўриш мумкин. Унда, Умархон амир Ҳайдардан юқори туришини кўрсатишга уринган:

*Сазад, ки мири Бухоро мутиъи мо гардад,*
*Умар ба тахти хилофат муқаддам аз Ҳайдар.*
(Бухоро амири бизга қарам бўлишга лойиқ,
Умар Ҳайдардан олдин тахтга даъвогардир.)

Умархоннинг Амир Ҳайдарга ёзган байтига жавоб қилиб Муҳаммад Раҳимхон ҳам байт ёзган:

*Муҳаммад олдида топса жой,*
*Умар тобеъ ўлурму, Ҳайдар мутеъ*[17].

Шунга қарамай, Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон даврида Қўқон – Хива муносабатлари анча яхши бўлгани маълум. 1822 йил баҳорида турк султони Султон Маҳмудхоннинг (1808-1839) Умархон учун юборган ҳадялари ва "хони хонон" ёрлиғини олиб келаётган Мир Қурбон Хоразм орқали келган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон унинг хавфсизлигини таъминлаш учун икки элчини ҳамроҳ қилиб юборган[18].

Муҳаммад Раҳимхоннинг Бухорога қарши курашиш учун Қўқон билан иттифоқ тузишини тушунса бўлади. Чунки, биринчидан Муҳам-

---

[15] Бу ҳақда батафсил қаранг: Abdulkadir Maçit. Başbakanlik Osmanli arşiv belgeleri işiğinda XIX yüzyil Osmanli-Hokand hanliği münasebetleri. / yüksek lisans tezi. Istanbul 2008. S. 82-86; Яна қаранг: Başbakanlik Osmanli Arşivi (BOA). Istanbul. Hatti Hümayun 36551, Hatti Hümayun 36581-A.

[16] Фақатгина "Анжумат таворих" асарида бу келган элчиларни Умархоннинг Туркистон шаҳрини эгаллагани билан табриклаш учун юборилган дея маълумот берилади. Абдулхолиқ қоравулбегини ҳам уларга қўшиб жўнатгани ҳақида ҳам айтилади. Қаранг: Худоёрхонзода. Анжумат таворих. Таржимон: Ш. Воҳидов, С. Элшибоев. Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 129-бет.

[17] Т о ж и р. Ғаройибус сипоҳ. 7а-7б вараклар; Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона / Мерос. Нашрга тайёрловчилар Ҳ. Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: Камалак 1991. 290-бет.

[18] М у ҳ а м м а д Ҳ а к и м х о н т ў р а. Мунтахабут таворих. 440-бет. Мир Қурбон элчилигини Истанбулда сақланаётган ҳужжатлар ҳам тасдиклайди: Basbakanlik Osmanli Arsivi (BOA). Istanbul. HAT 781.36547, HAT 781.36550, HAT 781.36572, HAT 781.36579.

мад Раҳимхонга Умархондан бошқа амалий ёрдам кўрсата оладиган иттифоқчи топиш қийин эди. Қолаверса, Дашти Қипчоқ бўйсундирилгач, Қўқон бевосита Хоразм ҳудуди билан чегарадош давлатга айланиб, келгусида Хива саройида тинч қўшничилик муносабатларини кафолатлаш масалалари ҳам кўндаланг турарди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг хонлик даври акс этган "Фирдавсул иқбол" асарида Марвдаги *така* ва бошқа туркман уруғлари Хоразм ҳудудларига ҳужум қилиб талончилик қилгани, Муҳаммад Раҳимхоннинг бунга чора кўриш учун Амир Ҳайдарга юборган мактублари натижасиз қолгани айтилади. Шу сабабдан қўшин тўплаб 1821 йил бошларида Бухоро ҳудудларига ҳужум қилгани кўрсатилади[19]. Бухоро тарихчилари эса, Хива хонларининг амирлик чегара ҳудудларига юришларини кўпроқ талончилик деб баҳолайдилар. Хусусан, "Тарихи Амир Ҳайдар" асари муаллифлари айни ўша 1236 йилнинг шаъбон (1821 йил май) ойидаги Муҳаммад Раҳимхоннинг Бухорога юришини акаси учун Амир Ҳайдардан ўч олиш нияти билан боғлиқ деб ёзадилар[20].

Умуман олганда, Бухоро амирлигида 1821 йил марказий ҳокимиятга қарши бош кўтарган Самарқанд ҳудудидаги хитой-қипчоқлар ҳамда Муҳаммад Раҳимхон ва Умархоннинг амирлик ҳудудига қаратилган ҳарбий ҳаракатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди.

Умархон Хива хонига жавоб хатини ёзиши Қўқон бу урушга рози эканини билдирарди:

*"... ушбу вақтларда Бухоро подшоҳи кучсизланиб қолганимизни назарда тутиб Жиззах, Хисор, Зомин, Ём, Ўратепани даврнинг номдор қароқчи муфсид ва навбакорларидан Худоёрбек юзнинг фарзанди Оталиқбек, яъни ушбу даргоҳнинг боғийи* (исёнкори) *ва хоинига тортиқ қилган. Ўзи эса Бухоро аркини ватан қилмишдир. Бизнинг ниятимиз шуки, Рамазон рўзаси, Малики Маннон тоатлари ва тасбеҳлари тугагандан сўнг, Изиди таолонинг хоҳиш иродаси билан шаввол ойининг бошларида ўзимизнинг салтанат боргоҳимиз ва шавкатли давлатимиз чодирларини Жиззах ва Зомин ҳудуди атрофларига ёйишдир. Биз истаймизки, сиз жаноби олийлари ҳам айни шу келишилган кун ва вақтли соатларда ўзингизнинг бемисл лашкарларингиз ва суворийларингиз билан Аму сувларидан кечиб ўтиб, Бухоро туманларига кириб борсангиз. Токи саркаш душманимиз кўрсинлар ва шунга яраша муомалада бўлсинлар. Шунда биз уларнинг бу ҳолатдаги кучи қанчага етишини биламиз. Ҳамма ҳолатда ҳам нусрат (яъни, ғалаба) Карим сифатли Зотнинг*

---

[19] М у н и с ва О г а ҳ и й. Фирдавсул иқбол. 449-450-бетлар.

[20] М у л л о И б о д у л л о ҳ, Мулло Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №1836. 83ª варак.

*қўлидадир. Вассалом*"[21].

"Шоҳномаи нусратпаём"даги маълумотларга кўра, Умархон Хива элчиларига Абдулхолиқ қоравулбегини ҳамроҳ қилиб совға-саломлар билан жўнатади. Бу ҳол Бухорога қарши расман Қўқон – Хива ҳарбий иттифоқининг тузилганидан дарак берарди. Кўп ўтмай иттифоқчилар амалий ҳаракатларни ҳам бошлаб юборишган.

Хусусан, ўша йили Рамазон ойининг 27-кунида (1821 йил 28 июн) Умархон саройига Хива қўшини Бухоро туманларига етиб келгани ҳақида хабар келади. Бу вақтда Умархон ҳам урушга алоҳида тайёргарлик кўргани шубҳасиз. Чунки Рамазон ҳайити ўтиши билан у ҳам 12 минг аскар билан юришга отланган. Умархон бошчилигидаги қўшин Қўшкўприк мавзеига етиб келганида, унга Андижонда ҳоким бўлиб турган ўғли Муҳаммад Алихон ўз одамлари билан қўшилган. Йўлда, Конибодомга қарашли Собиртепа тўқайзорига етганларида Муҳаммад Алихоннинг укаси, Тўрақўрғон ҳокими амирзода Султон Маҳмудхон ҳам одамлари билан келиб қўшилган. Бундан ташқари, Жигдалик мавзесида Ҳўжанд ҳокими Шоҳибек додхоҳ минг киши билан, расман Тошкент ва Дашти Қипчоқ ҳокими бўлиб турган яна бир шаҳзода Абдуллахон (амалдаги ҳоким Лашкар қўшбеги[22]) кучлари ҳам асосий қўшин билан бирлашган[23].

Умархоннинг бундай катта қўшин билан чиқиши бу урушга катта эътибор берилганидан далолат беради. Қолаверса, Қўқон қўшинларининг кейинги ҳарбий ҳаракатлари бу борада алоҳида режа асосида олиб борилганини кўрсатади.

Табиийки, бу вақтда Умархон итифоқчиси Муҳаммад Раҳимхон ҳамда амирлик ичкарисидаги унинг юришини қўллаб-қувватлаб турган муҳолифатчилар билан ҳам алоқада бўлиб турган. Хусусан, Хива ҳарбий кучларининг Бухорога қарашли Қоракўл мавзесига етиб келгани, Самарқанд ва Миёнколдаги хитой-қипчоқ етакчиларининг Умархон хизматига шай тургани хабари келади[24].

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон келишувга кўра, 1821 йил ўрталарида Амударё бўйидаги Чоржўй мавзесида Амир Ҳайдар юборган Ражаббек парвоначи, Қурбонбек тўқсабо ва Мир Умар қўшинларини енгиб, Бухоро ҳудудларига киради. Тахминан август ойида у Қоракўл мавзесига етиб келади[25]. Амир Ҳайдар хоразмликлар билан овора бўлиб

---

[21] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. 4[а] варақ.
[22] Бейсембиев Т. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809–1865 гг. // Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти Кипчака в XIII-XVIII вв. Материалы Международного круглого стола. Алматы: Дайк-Пресс, 2004. 299-бет.
[23] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. 7[а]-7[б] варақлар.
[24] Ўша асар. 8[б] варақ.
[25] Мунис ва Огаҳий. Фирдавсул иқбол. 453-бет.

турган бир вақтда Самарқандда хитой-қипчоқлар қўзғолон кўтарадилар[26].

Ҳакимхонтўра хитой-қипчоқлар Амир Ҳайдарнинг Самарқанддаги ноиби Давлат қушбегини асир олиб Умархонга юборгани, Умархон бундан ҳурсанд бўлиб, хитой-қипчоқлар номидан ёрдам сўраб келган Одинақул девонбеги ва Маъмурбий парвоначини муносиб тақдирлаб, Исҳоқ девонбегини уларга бошлиқ қилиб тайинлагани ҳақида ёзади[27]. Демак, Умархон фақатгина Хива хонининг таклифи билан эмас, балки бир томондан хитой-қипчоқларнинг ёрдам сўраганини инобатга олиб ҳам Жиззах устига қўшин тортиб борган ва Самарқанд қамалида ёрдам берган[28].

"Шоҳномаи нусратпаём"да баён қилинган воқеалар давомига қараганда Умархон Зомин қалъасининг қамалига тайёргарлик қилиб турган вақтда Кеш ҳокими Дониёл оталиқ, Ургут ва Моғиён ҳокими Каттабек парвоначи ва Миёнкол ҳокимларидан Одинақул девонбеги ва Маъмур парвоначилар хонга белгиланган жойда турганлари тўғрисида хабар юборадилар[29].

Дониёл оталиқ Бухоро амиридан норози бўлиб, ўзининг душманлик кайфиятини доим билдириб турган. Бухоро амирлигига қарши чиққанларни қўллаб-қувватлаган[30]. Қўқон билан сиёсий яқинлашувининг бир сабаби Умархон билан қариндошлик алоқалари ҳам бўлган[31].

Каттабек парвоначи ҳам амирга қарши чиқиб, Самарқанднинг эгалланиши тарафдори эди. Шу сабабли Амир Ҳайдарнинг Хива қўшини билан урушаётган пайтидан фойдаланиб Ургут қалъасини эгаллаб олган[32]. Мазкур шахслар ёлғиз ўзлари Амир Ҳайдарга қарши тура олмаслигини яхши биларди, шу сабабли Самарқандни олишда ва кейинги ҳаракатларда ёрдам сўраб Умархонга бир неча бор мактуб билан мурожаат қилишган[33]. Кейин улар хитой-қипчоқлар билан бирлашиб, Самарқанд атрофида жойлашган эдилар. Умархон қипчоқ

---

[26] Қўзғолоннинг бошланиши ва воқеалари ҳақида тўлиқроқ қаранг: П. Иванов. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве. Москва. 1937. с. 53-81.

[27] Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахабут таворих. 429-430-бетлар. "Тарихи Амир Ҳайдар" асарида Давлат қушбегини хитой-қипчоқларнинг ўзлари ўлдирганлари тўғрисида айтилади. 83[а] варақ.

[28] "Тарихи Туркистон" асарининг муаллифи Мирзо Олим Маҳдум Умархон фақатгина хитой-қипчоқларнинг илтимосларига биноан урушга келганини таъкидлайди. Қаранг: Мирзо Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. 86-бет.

[29] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. 9[а] варақ.

[30] Иванов П. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве. с.14.

[31] Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахабут таворих. 62-бет.

[32] Муъин. Зикри теъдоди подшоҳони ўзбек. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №4468/3. 164[а] варақ.

[33] Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахабут таворих. 449-бет.

сардори Одинакул девонбегини Зомин қалъасини қамал қилишда ёрдам беришини истаб Самарқанддан чақиртириб олди. Шундан кейин Одинақул беш минг кишилик қўшин билан келиб Қўқон қўшинига қўшилди. Бирлашган қўшин билан Зомин қалъаси эгалланганидан кейин Умархон Самарқанд қамали учун Ҳушвақт қўшбеги, Ҳасан додхоҳ, Аслонбек додхоҳ, Ёдгорбек тўқсоба ва Одинақул девонбегилар ихтиёрига ўн икки минг кишилик қўшин бериб, Самарқандга бориб Дониёлбек ва Каттабек парвоначи қўшинлари белгиланган жойга келгунича пойлаб туришларига буйруқ берган. Ҳушвақт қушбеги Самарқанд яқинидаги Ипор даштига, Дониёл оталиқ аскарлари эса Оби Кўҳак (Зарафшон) суви бўйига, Каттабек парвоначи жангчилари буйруққа биноан Ургут ва Моғиён ҳудудларига жойлашган. Белгиланган қўшин тўпланганидан кейин Самарқанд қамали бошланган[34].

Демак, Умархоннинг шахсан ўзи Самарқанд қамали учун бормаган. Балки шунинг учун Бухоро ва Хива манбаларининг муаллифлари хитой-қипчоқлар, Шаҳрисабз ва Ургут ҳокимлари ва хусусан Хива хонлигининг Умархон билан ўзаро (эҳтимол маҳфий) ёзишмаларидан хабарлари бўлмаган. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлигининг Самарқанд ва Бухоро ҳудудлари учун урушларда иштирокини ёзмагандирлар. "Тарихи Амир Ҳайдар" асарида айтилишича, хатто Муҳаммад Раҳимхон Қўқон хонига эмас, балки хитой-қипчоқ сардорларига ҳамкорликни таклиф қилиб мактублар юборган[35].

Самарқанд қамалига келадиган бўлсак, Амир Ҳайдар беш минг кишилик аскар билан Самарқанд қўрғони ичида қийин аҳволда қолган эди. Шаҳарнинг уламо ва номдор кишилари тинчлик сўраб Умархон номига арзнома ёзадилар. Машҳур "кўк тош" (санги кабуд)ни сулҳ эвазига берадилар. Умархон арзларини қабул қилиб, қўшинга ортга қайтишга буйруқ бериб Ўратепа орқали Қўқонга қайтиб кетади[36].

"Шоҳномаи нусратпаём"даги биз ўрганиб таҳлил қилган боб мана шу ерда тугайди. Бу воқеаларни асосан Мирзо Қаландар Мушриф берган маълумотлар асосида ёритиб, бошқа манбалар ва қилинган тадқиқотлар билан қиёсий ўрганиб чиқдик. Қўқон манбалари Умархоннинг бу юришларини тасдиқлайди. Лекин Хива билан элчилик муносабатлари орқали тузилган ҳарбий иттифоқ ва шунинг натижасида Қўқон хонлиги қўшини ҳаракатга келгани ҳақида маълумотлар

---

[34] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. $10^а$-$14^б$.
[35] Мулло Ибодуллоҳ, Мулло Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар. $85^а$-$86^б$ варақлар.
[36] Мирзо Қаландар Мушриф. Шоҳномаи нусратпаём. $15^а$-$16^б$.

учрамайди. Ушбу бобда Хоразм қўшинининг Қоракўлгача келгани тўғрисида маълумот берилади холос. Муаллиф Муҳаммад Раҳимхоннинг кейинги фаолиятига катта эътибор бермаган. Лекин Умархон билан доимий алоқада бўлиб турган бўлиши керак. Муҳаммад Раҳимхон ва Амир Ҳайдарнинг ҳарбий ҳаракатлари Хива ва Бухоро манбаларида яхши ёритилган.

Мирзо Қаландар Мушрифнинг нега ушбу бобни асосий асар ичида келтирмагани ҳақида аниқ хулоса чиқариш қийин. Тўғри, ҳар қандай асарга ҳам хонлик билан боғлиқ барча воқеалар киритилиши, бир ҳисобда, шарт эмас. Лекин хонлик тарихида айнан бу воқеаларнинг аҳамияти катта эди. Нима бўлганда ҳам ушбу бобда келтирилган маълумотлар уч давлат тарихини ўрганишда алоҳида ўрин тутиши шубҳасиздир.

*Ф. Отахонов*

## ВОЕННЫЙ СОЮЗ МЕЖДУ КОКАНДСКИМ И ХИВИНСКИМ ХАНСТВАМИ ЗАКЛЮЧЕННЫЙ 1821 ГОДУ И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ
(анализ сведений произведения "*Шоҳнома-и нусратпаём*")

В статье речь идет о главе, которая не вошла в состав автографа произведения «Шахнаме-и нусратпаям» Мирза Каландара Мушрифа, хранящегося в Санкт Петербурге. В главе раскрывается сущность военного союза хивинского хана Мухаммад Рахимхана с кокандским ханом Умарханом против Бухарского эмирата

*F. Otahonov*

## ON THE MILITARY ALLIANCE IN 1821 BETWEEN KOKAND AND KHIVA KHANATES AND ITS AFTERMATH

In this article we are talking about the head, which was not included in the manuscript "Shahnama-i nusratpayam" Mirza Qalandar Mushrif stored in St. Petersburg. The chapter reveals the essence of a military alliance Khiva Khan Muhammad Rahimkhan with Umarkhan against the Emirate of Bukhara.

*Тарих ҳужжатлар тили билан*

*Ў. Султонов*

# ТОШКЕНТ ВАҚФ ХЎЖАЛИГИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ
## (Кўкалдош мадрасаси вақф маъмурияти ижара ҳужжатлари таҳлили)

Вақф мулки дейилганда асосан мадраса, масжид, мозор, қорихона каби мусулмон муассасалари фойдасига ажратилган кўчмас мулк (ва пул маблағи) тушунилган. Вақфнинг икки шакли бўлиб, бирида вақф қилинган мулк вақф қилувчи яъни, воқифнинг қўлидан чиқиб кетган. Иккинчи кўриниши эса воқифга вақф қилинаётган мулкдан келадиган даромаднинг бир қисмини ўзи ёки авлодларига қолдириш имконини берган. Умуман олганда, маҳаллий ва хориж тарихшунослигида вақф масаласи анча яхши ёритилган бўлиб, ҳозирда ҳам тарихий аспектда қатор мусулмон мамлакатларнинг бугунги иқтисодий тизимининг ажралмас тармоғи сифатида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда[1].

Агар бу мавзуда олиб борилган изланишларни таҳлил қилсак, энг кам ёритилгани бу ижара масаласидир. Ижара – арабча "ажр" сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан *мукофот, савоб* ёки *эваз* маъноларини англатган. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларда кўпроқ мол-мулкни *(idjārat al-a'yān)* ёки хизматни *(idjārat al-a'māl)* белгиланган муддатга, келишилган маблағ ҳисобига ёллаш тушунилган[2]. Марказий Осиё вақф муносабатлари тадқиқида ҳам ижара масаласида айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган[3]. Бироқ, А.Шайхованинг вақф ерлари ижараси ва Б.Қозоқовнинг дипломатикага оид нашрини назарда тутмаганда

---

[1] Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар ҳақида батафсил қаранг: Hoexter M. Waqf Studies in the Twentieth Century: The State of the Art // Journal of the Economic and Social History of the Orient // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 1998. Vol.41. №4. P. 473-495; Islahi, Abdul Azim. Waqf: A Bibliography. Saudi Arabia/Scientific Publishing Centre King Abdulaziz University Jeddah, 1424 / 2003. 38 p.

[2] Т у а n E. Idjar, Idjara // The Encyclopaedia of Islam. Vol.III. Leiden-London: Brill, 1986. P. 1017; Я к у б о в с к и й А. Ю. Об исполненных арендах в Ираке в VIII в. // Советское востоковедение. Вып.4. М.-Л.: 1947. 171-184-бет.

[3] И в а н о в П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв., М.-Л.: 1954; М у к м и н о в а Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. По материалам «Вакфнаме». Ташкент, 1961; Ч е х о в и ч О. Д. Бухарские документы XIV века. Ташкент, 1965; Ч е х о в и ч О. Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Москва, 1974; Ч е х о в и ч О. Д. Бухарский вакф XIII в. Москва, 1979; Н а б и е в Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана). Ташкент, 1973; Н а б и е в Р. Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. Ташкент, 2010.

ижара мавзусига бағишланган махсус тадқиқот йўқ ҳисоби[4]. Мавзунинг ана шу жиҳатини эътиборга олган ҳолда ушбу мақолада Тошкент вақф хўжалигида савдо объектлари ижарасини Кўкалдош мадрасаси ижара ҳужжатлари асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

*Мадраса вақф маъмуриятининг ижара ҳужжатлари.* Қози маҳкамалари томонидан берилган "васиқа-и ижора" ёки "хатт-и ижора" мол-мулкни ижарага бериш ва олишни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат саналган[5]. Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлиги ҳудудига тегишли хусусий ва вақф мулкларига тегишли деҳқончилик ерлари, пул маблағлари билан боғлиқ ижара ҳужжатлари архив ҳамда қўлёзмалар фондларида кўплаб учрайди, айримларининг тавсифлари нашр ҳам этилган[6]. Лекин, Тошкент вакф хўжалигига алоқадор ижара ҳужжатлар хусусида бу фикрни айтолмаймиз. Тошкент худудига тегишли ижара ҳужжатларининг камлигини ўша вақтда ўтказилган статистик қайдномалар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, биргина 1887 йилги текширишлар давомида Сирдарё вилоятидан йиғилган вақфга тегишли 586 та ҳужжатдан атиги 6 таси ижара ҳужжати бўлиб, уларнинг 1 таси Тошкент шаҳрига, 5 таси уездига тўғри келган[7].

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 17, 36, 164 фондларидан ўрин олган ҳужжатлар орасида ҳозиргача 20 га яқин ижара ҳужжатлари аниқланди[8]. Улар орасида энг салмоқлиси яъни, 5 таси Кўкалдош мадрасаси вақф маъмуриятига тегишли бўлиб, барчаси савдо-хунармандчилик тармоғига оид. Форс тилида битилган ижара ҳужжатларининг қисқача тавсифи қуйидагича[9]:

1. Раҳматулла оқсақол в. Юсуфбой в. Маллабой вакиллигида 69 нафар чармфурушнинг Чармфурушон растасидаги 63 та дўкон ўрнини (*рақабат ул-арз*) 12 тилла эвазига 1 йилга ижарага олгани ҳақида.

---

[4] Ш а й х о в а А. Документы об аренде вакуфных земель в Хивинском ханстве XIX – начала XX века // ОНУ. Ташкент, 1986. №1. 48-51-бетлар; К а з а к о в Б. А. Документальные памятники Средней Азии. Ташкент, 1987. 29-30-бетлар.

[5] К а з а к о в Б. А. Документальные памятники Средней Азии. 25, 29-30-бетлар.

[6] Каталог хивинских казийских документов XIX - начало XX вв.: Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикава, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. Ташкент-Киото, 2001. №№81, 193, 240, 243 ва бошқ.; Каримов Э.Э. Регесты казийских документов и ханских ярлыков хивинского ханства XVII – начало XX в. Ташкент, 2007. №34. 73-бет.

[7] Б л а г о в е щ е н с к и й В. П. К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области / Сборник материалов для статистики в Сыр-Дарьинской области. Ташкент, 1891. 23-бет.

[8] Тошкентдаги хусусий мулк ижараси билан боғлиқ айрим ҳужжатлар тавсифи ҳақида қаранг: Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар. Тузувчилар: Ғ.Каримов, Ш.Зиёдов, П.Сартори. Тошкент, 2009. 101-112-бетлар

[9] Мадрасага тегишли 32601-йиғма жилдда 11 та: 4 та вақфнома, 1 та иноятнома, 1 та хатти иқрор, 5 та ижара ҳужжати мавжуд. Мақолада ҳужжатларга мазкур йиғма жилддаги тартиби бўйича мурожаат қиламиз.

37,5x52 см.; 21,5x41,3 см. 14 қатор. 1276 йил муҳаррам/1859 йил июл-август[10].

2. Карим оқсоқол табакфуруш в. Салим кулолнинг Кўкалдош мадрасаси вақф еридаги 8 та дўкон ўрнини 1 йилга 36 тангага ижарага олгани ҳақида. 19,5x29,5 см.; 13x27,9 см. 10 қатор, 1276 йил муҳаррам/1859 йил июл-август[11].

3. Мулла Муҳаммад Каримбой халифа в. Раҳимбой ва Исломхўжа в. Иброҳимхўжанинг Кўкалдош мадрасаси ва Маҳкама масжиди орасидаги 16 та дўкон ўрнини 72 кумуш танга эвазига 1 йилга ижарага олгани ҳақида. 24x38 см.; 18,5x29,5 см. 10 қатор, 1276 йил рабиъ ус-соний/1859 йил октябр-ноябр[12].

4. Мадрасанинг эски вақфномаси йўқолгани сабабли Чорсу бозорида жойлашган 13 та ҳудуддаги 250 га яқин дўкон ўринларининг Кўкалдош мадрасасининг вақфи эканлиги ҳамда уларнинг 22 нафар ижарадорга берилгани ҳақида. 61,7x53,3 см.; 45x39,5 см. 25 қатор/+11 қатор ҳошияда, 1304 йил ражаб/1887 йил март-апрел[13].

5. Мулла Абдусамадбой в. Холназар сўфининг 15 нафар ижарачи номидан Чармфурушон растасидаги дўконлар ўрнини ҳар бирини 1 йилга 5 танга эвазига ижарага олгани ҳақида. 35-22 см.; 30x18 см., 22 қатор, 1306 йил 22 рабиъ ул-аввал/ 1889 йил 24 январ[14].

Ушбу ҳужжатлар мадраса маъмурияти ҳамда якка тартибдаги ёки бир гуруҳ ижарадорлар ўртасида тузилган. Масалан, 1859 йилда тузилган шартномаларнинг бирида Чорсу бозоридаги 69 нафар чармфуруш Раҳматулла оқсоқол вакиллигида Кўкалдош мадрасаси ва Маҳкама масжиди ўртасида жойлашган Чармфурушон растасидаги дўкон ўринларини 12 тилла эвазига 1 йилга ижарага олган. Мадрасасининг бу тартибда кафшфурушлар, товоқфурушлар ва сахтиёнфурушларга ижара берилган дўкон ўринлари ҳақида Тошкент қозихонасига тегишли бошқа ҳужжатларда ҳам эслатилган. Бундай ижара шартномалари Кўкалдош мадрасасидан ташқари, Чорсу бозоридаги вақф ерларига эгалик қилган Эшонқули додхоҳ мадрасаси ва баззозлар, Маҳкама масжиди ва мисгарлар ўртасида ҳам тузилган[15].

Ижара ҳужжатларининг яна бир шаклида вақф маъмуриятининг бир нафар ижарадор билан тузган келишуви акс этган (масалан, Карим оқсоқол товоқфуруш билан тузилган битим). Ҳужжатлар орасида Муҳаммад Карим халифа ва Исломхўжа билан 16 та дўкон ўрни учун

---

[10] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 1-ҳужжат.
[11] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 10-ҳужжат.
[12] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 11-ҳужжат.
[13] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 6-ҳужжат.
[14] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 9-ҳужжат.
[15] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32663-иш. 60, 63 вараклар.

тузилган ижара шартномаси ҳам мавжуд. Бундай ижара шартномаларида иқтисодий шериклар ёки бир вақтнинг ўзида якка тартибдаги икки ижарадорнинг келишуви қайд қилинганми буни аниқ айтиш қийин. Чунки, ҳужжатда уларнинг ҳамкорлиги эслатилмаган. Лекин, тўловнинг бошқа шартномалар каби ҳар бир ижарадор ёки дўконга нисбатан эмас, иккала ижарадор учун ҳам умумий – 1 йилга 72 кумуш танга белгиланганига қараганда ижара ҳаққи шерикликда тўланган. Бу ерда даромад ва ҳаражатлар умумий бўлмаса-да, савдодаги шериклик, имтиёзли қўшничилик каби умумий манфаат уларни бирлаштириб турган деб тахмин қилиш мумкин.

*Ижара объекти.* Эроннинг Язд шаҳри бозори ва ундаги вақф муносабатларини тадқиқ этган М.Боннине хулосаларига кўра, бозорлардаги вақф мулклари бозор инфраструктурасининг шаклланиши, ундаги савдо ва ижара муносабатларига бевосита дахлдор бўлиб, бу анъанавий ўрта аср мусулмон шаҳарлари учун бирдек хос бўлган[16]. Тошкентдаги Чорсу бозори минтақадаги йирик бозорлардан бири эди. 1865-1867 йилларда Чорсу бозорида 25 та савдо растаси қайд қилинган бўлиб, уларнинг узунлиги 15-20 *м* дан 60-70 *м* гача етган[17]. Айрим ҳолларда савдо расталари замини бутунлигича бирор бир вақф муассасасига қараган. Масалан, Мисгарлик растаси Маҳкама масжидининг, Шамфурушлик растаси Бекларбеги, Баззозлик растаси Эшонқули додхоҳ, Чармфурушлик растаси эса Кўкалдош мадрасаси вақф ерида жойлашган эди. А.Н.Добросмисловнинг ёзишича XX аср бошида Чорсу бозорида 3000 тагача савдо-хунармандчилик дўконлари бўлган[18].

Кўкалдош мадрасаси ижара ҳужжатлари айнан Тошкентдаги савдо расталари ва дўконлар ижараси ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради. Уларнинг иккиси ҳам савдо-ҳунармандчилик соҳасига оид бўлса-да, ижара шартномалари, томонларнинг мажбурият ва имкониятлари бир-биридан кескин фарқ қилган. Масалан, вақф дўкон – бу фаолият юритиб турган дўкон бўлиб, у жойлашган ер тўлалигича вақф объекти сифатида ижарага берилади. Дўкон ўрни ижарасида эса вақф маъмурияти томонидан фақатгина дўконнинг ўрни ёки эндиликда дўкон қурилиши режалаштирилган жой "рақабат ул-арз" ижарага берилади. Айрим ижара шартномаларида ижарага берилаётган ерда иморат/дўкон қуриш шарти аниқ қайд қилинган. Бу ҳолатда дўкон биноси – "сукуниёт" вақф маъмуриятига эмас уни қурган ижарадорга тегишли бўлган.

---

[16] B o n n i n e M. E. Islam and commerce: Waqf and the Bazaar of Yazd, Iran // Erdkunde. 1987. Band 41. P. 185-186.
[17] З и я е в А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. Ташкент, 2008. 63-бет.
[18] Д о б р о с м ы с л о в А. Н. Ташкент прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент, 1912. 143-144-бетлар.

Ўрганилаётган даврнинг машҳур фиқҳий қўлланмаларидан бири "Виқоя" асарида кўрсатилганидек, ижарадор ерга қурган иморатни муддат тугаганда уни кўчириб олиб кетиши ёки ижарага берувчи ҳақ тўлаб мулк қилиб олиши мумкин эди[19]. Кўкалдош мадрасаси, шунингдек, Маҳкама масжиди ва Эшонқули додхоҳ мадрасалари ижара шартномаларида бозор ҳудудидаги ер ижарага берилгани сабабли бу ерда асосан савдо объектлари қурилиши назарда тутилган. Бозордаги вақф ерларини дўкон қуриш шарти билан ижарага берилиши натижасида, хусусий ускуналар юзага келган. Кейинчалик, ижарадорлар бундай дўконлар ускунасини сотиш, субарендага (иккинчи ижара) бериш ёки вақф қилиш ҳуқукига эга бўлган. Ҳажга кетган тошкентлик Миршариф ҳожининг Шомдан юборган мактуби асосида 1864 йил майда (1280 йил зулҳижжа) тузилган вақфномага қараганда, у Кўкалдош мадрасаси вақф ерида жойлашган ўз мулки бўлган дўкон ускунасини мадраса талабалари фойдасига вақф қилган[20]. Шунингдек, 1875 йил ноябрдаги (1292 йил шаввол) бир вақфномада Ниёзберган бойбачча Рўвғани зиғирфурушон растасидаги ўз мулки бўлган 1 та дўкон ускунасини мадраса фойдасига вақф қилган[21]. Бу ускуналар вақфга айлангач мадрасанинг тўлиқ вақфи мулки сифатида ижарага берилган.

Н.А.Маев ва П.И.Пашинонинг ёзишича, бозордаги дўконларнинг уч томони ва томи ёпилган бўлиб, олд томондан дўконни тасарруф қилиб турган савдогарнинг савдоси, ҳунармандларнинг кундалик иши кўриниб турган[22]. Тошкент қозихона ҳужжатлари таҳлилига қараганда, бундай ёғоч дўконларнинг энг кичиги 3x3 газ аршин[23], энг йириги 7x10 газ аршин, энг кўп тарқалгани эса 4x4 и 5x5 газ аршин бўлган. Агар Чорсу бозоридаги дўкон ўринларини ўртача 4x4 газ аршин деб олсак, 1 дўкон ўрни тахминан 3,5x3,5 *кв м* га тўғри келган[24].

Мадрасанинг биргина 1887 йилги ҳужжатида қайд қилинишича, Чорсу бозорининг Кафшфурушлик, Михчагарон, Мавизфурушлик, Қассоблик расталари ҳамда мадрасага туташ ҳудудларда жами 295 та дўкон ўрни ва 2 та дўкон қайд қилинган. Шунингдек, мадрасанинг Бўрёфурушлик, Чаҳакфурушон, Эшикфурушон, Рўвғани зиғирфурушон, Қовунбозори каби бошқа расталарда ҳам ижарага берилган вақф

[19] Ш а й х М у ҳ а м м а д С о д и к М у ҳ а м м а д Ю с у ф. Кифоя / Мухтасар ул-виқоя шарҳи. Тошкент, 2008. 183, 191-бет.

[20] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 2-ҳужжат.

[21] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 4-ҳужжат.

[22] М а е в Н. А. Азиатский Ташкент / Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. СПб., 1876. 289-бет; П а ш и н о П. И. Туркестанкий край в 1866 году. СПб., 1868. 149-бет.

[23] 1866 йилда 1 газ аршин 88,9 *см*га тенг бўлган. Пашино П.И. Туркестанкий край в 1866 году. 154-бет.

[24] ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 32657-иш, док №1; 32663-иш, 56, 83 варақлар; ЎзР МДА. 323-фонд, 1а-рўйхат, 1423-иш ва бошк.

мулклари бўлган. Лекин, мадрасанинг ижарага берилган дўкон ўринлари сони ўзгариб турган, масалан 1881 йилда 218 та, 1884 йилда 230 та, 1887 йилда 295 та, 1894 йилда 261 тани ташкил эган. Бундан ташқари, тўлиқ вақф дўконлар жуда кам, тахминан 5-10 та атрофида бўлган. Айрим дўконлар эса бир вақтнинг ўзида турли вақф муассасаларига қараган ёки хусусий мулк мақомида бўлган. Хусусан, бозордаги 2047, 2046 ва 2045 рақамли дўконлар ускунаси Кўкалдош мадрасасига, замини (рақабат ул-арз) Бекларбеги мадрасасига тегишли бўлган. Баъзи дўконлар мақоми анчайин мураккаблашган, масалан 868-дўкон ускунасининг ½ қисми ва тагжой ҳаққи тўлиқ Кўкалдош мадрасаси вақфи, ускунанинг ½ қисми эса хусусий мулк бўлган[25].

*Ижара муддати.* Шариатга кўра, вақф мулкининг хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида ижара муддатлари белгиланган. Масалан уй ва бинолар учун 1 йил, экин майдонлари учун 3 йил кўрсатилган[26]. Тошкентдаги ижара шартномалари тузилиши ва муддатига келсак, улар қўшни регионлардаги хатт-и ижара ҳужжатларидан бироз фарқ қилади. Масалан, Хива хонлиги вақф хўжалигига тегишли XIX асрга оид вақф мулкини "байи жойиз" (тугалланмаган ва гаровли олди-сотди) асосида кўп муддатга ижарага бериш тартибини олайлик. 1890 йилга тегишли икки ҳужжатнинг бири вақф ерини 10 йилга, яна бири 80 йил муддатга тузилган бўлиб, уларнинг шартлари асосий келишувга зид келмаган ҳолда ҳар йил бошининг дастлабки уч кунида янгилаб турилиши белгилаб қўйилган[27]. Бу каби гаровли ҳамда узоқ муддатли, жумладан 90 йиллик ижара муддатини Усмонийлар империясидаги вақф хўжаликлар фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин[28]. А.Л.Куннинг шахсий архивида сақланаётган худди шу даврга тегишли Самарқанд вақф хўжаликларига тегишли ижара ҳужжатлари таркиби ва шартлари ҳам биз сўз юритаётган ҳужжатлардан анча фарқ қилади[29].

Тошкент минтақасига тегишли ижара шартномаларида эса бу шаклдаги ҳолатларни кўрмаймиз. Мадрасага тегишли ижара ҳужжатларида томонларнинг қозихонада ҳозир бўлган санаси шартноманинг бошланган вақти, белгиланган муддат тугаганда якунига етган деб ҳисобланган. Шартнома якунига етгани ҳақида эса махсус ҳужжат тузилмаган. Мадраса вақф маъмуриятининг барча ижара шартномалари муддати 1 йил

---

[25] ЎзР МДА. 36-фонд, 1 рўйхат, 3708-иш, 43-варақ.

[26] K r c s m á r i k J. Das Wakfrecht vom Standpunkte des Şari'atrechtes nach der hanafitischen Schule // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. Band 45. Leipzig 1891. S. 565.

[27] Каталог хивинских казийских документов XIX - начало XX вв. С. 161. №497; С. 172. №526.

[28] Ç i z a k ç a M. Cash Waqfs of Bursa, 1555-1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 38. №3. 1995. P. 321; Çizakça M. Awqaf in History and its implications for Modern Islamic Economies // Islamic Economic Studies. Vol. 6. №1. 1998. P. 58.

[29] К у н А. Л. Шахсий архиви / Шаркшунослар архиви. Шарқ қўлёзмалари институти, Санкт-Петербург. 33-фонд, 1-руйхат, 160-иш, 1-2, 4-14, 16-вараклар.

деб кўрсатилган бўлса-да, амалда бу келишув бир неча йиллар давом этган. Бу ерда икки томон ўртасида биринчи ёзма шартномадан сўнг маълум бир мезон асосида бир неча йиллик битим амалда бўлган. Хусусан, 1887 йилги шартномада ижарадорларнинг ушбу ерни мадрасанинг вақфи деб билган ҳолда қадимдан шу кунгача ижара сифатида тасарруф этиб келаётгани таъкидланган. 1889 йилги битим ҳам ижара объектидан аввалдан фойдаланиб турган шахслар билан тузилган. Шу ўринда савол туғилади. Ана шу мезон ёки ижара шартномасининг биринчи йилдан кейин ҳам давом этишига сабаб нима эди?

Ўз вақтида В.П.Наливкин муддатсиз бериладиган ижарада ижарадорнинг вақф ерга ускуна қуриш ёки экин экиш мумкинлигини қайд қиларкан, уларнинг ёзма ҳужжатсиз тузилишига эътибор қаратган[30]. Бошқа бир ерда эса Кўкалдош мадрасасининг бозоридаги яроқсиз дўконларни шаҳарликлар муддатсиз ижарага олиш шарти билан ўз ҳисобидан таъмирлаб ишга туширганлиги ва узоқ вақт фойдаланиб келганини қайд қилади[31]. Бу масалага оид янада ойдинроқ маълумотни 1894 йилда бозордаги дўконларни ўрганган Н.С.Ликошин қайдларида кўрамиз. Унга кўра, дўкон ускунаси таъмирга муҳтож бўлганда у бузиб ташланган. Заминга эгалик қилувчи вақф маъмурияти томонидан янги ускуна қуриш ҳуқуқи аввалги шахсга ёки умуман янги бир кишига берилган. Ана шу вақтда эски ускуна учун тузилган шартнома якунланиб, янги битим тузилиши мумкин бўлган[32].

Албатта, шартномаларининг тузилиши бевосита дўкон ускуналарининг харобага айланиши билан боғлиқ деган фикрни айтишдан йироқмиз. Бироқ, вақф маъмуриятлари ва ижарадор ўртасидаги бир йиллик битимнинг бир неча йил давом этишида кўп вазиятда ускунанинг ҳолати ҳам сабаб бўлганини эътироф этиш зарур. Чунки, хонлик даврида ҳамда 1865 йилдан кейин ҳам хукумат тарафидан бозорни тартибга келтириш, кўчалар ва эски иншоотларни таъмирлаш ишлари олиб борилганда эски ускуналарни бутунлай бузиб ташлаш ҳолатлари кўп учрайди. Ана энди 1859 йилда бирин-кетин тузилган Кўкалдош мадрасасининг учта ижара шартномасининг барчаси Маллахоннинг Чорсу бозорида олиб борган таъмирлаш ишларидан сўнг юзага келганини тушуниш мумкин. Ҳатто, айни шу йилда тузилган Эшонқули додхоҳ мадрасаси ва Маҳкама масжиди ижара шартномаларида ҳам ижарага олинган ерда (Баззозлик ва Мисгарлик расталарида) янги ускуналар қуриш кўзда тутилган. Қолаверса, хароба ускуналар ўрнига янгисини бунёд эт-

[30] Наливкин В. П. Положение вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганском области. Н.Маргелан, 1904. Т.3. 18-19-бетлар.
[31] Наливкин В. П. Положении вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. С. 24-25
[32] ЎзР МДА. 36-фонд, 1 рўйхат, 3708-иш, 40-орқа варақ.

ган ҳар қандай шахснинг вақф маъмурияти билан янгидан ижара шартномасини тузиши табиий.

Дўкон ўринларини бундай узоқ йиллик ижара бериш жараёнида ижарадорларнинг ускунага эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш имкониятлари ортиб борди. Масалан, 1889 йилда Мулла Абдусамадбой Холназар ўғли вакиллигида тузилган битимда ижарага олинган Чармфурушон растасидаги ускунлар ва уларнинг ҳақ ал-қарори аввалдан ижарадорларнинг хусусий мулки эканлиги қайд этилган[33].

Хўш, "ҳақ ал-қарор"га яъни вақф еридаги ускунага эгалик ҳуқуқини олган ижарадор қандай имкониятларга эга эди? Бундай ижарадор ўзи қурган ускунани (вақф ерини эмас) сотиш, мерос қилиб қолдириш ёки маҳрга бериш ҳуқуқига эга эди. Натижада дўкон ўрнига ҳамда дўкон ускунасига эгалик қилувчи вақф муассасалари ёки ускунани сотиб олган янги мулкдорлар ўртасидаги муносабатлар мураккаблашди. Бу қайсидир маънода турк олими М.Чизакча таърифлаган вақф қилинган пулларни узоқ муддатга ижарага олиш жараёнида юзага келган зиддиятлар билан ҳамоҳанг эди[34]. Айниқса, айрим ижарадорлар 1865 йилдан сўнг ҳужжатлар йўқолгани баҳонасида ёки ўлкада кучга кирган айрим янги қонунларни сабаб қилиб кўрсатиб очиқдан-очиқ ижара ҳаққини тўлашдан бош тортган. Баъзи вақф хўжаликларида ҳақ ал-қарорга эга бўлган ижарадорлар ҳатто вақф маъмуриятининг ерни бўшатиш ҳақидаги талабига қарамай зўрлик билан фойдаланишда давом этган.

*Ижара ҳаққи.* Дўкон ўринларидан олинадиган ижара ҳаққи Кўкалдош мадрасаси умуман Тошкент қозихонасига тегишли ҳужжатларда "тагжой ҳаққи" ёки "дўкон жой ҳаққи" тарзида қайд қилинган. Ижара ҳаққи одатда ижарага берувчи томонидан белгиланган. Шариатда ижара ҳаққининг кам ҳам кўп ҳам бўлмаслиги қайд қилинган бўлса-да, ҳар қандай мутаваллининг ижарадан кўп фойда кўришга интилиши табиий. Айниқса, ижарага олиш истагида бўлганлар кўп бўлганда. Назарий жиҳатдан ижара ҳаққи (*udjra, adjr)* ўзаро келишувда белгиланган бўлса - *adjr al-musammah*, агар қозихонада (яъни келишилаётган вақтдаги ҳолатдан келиб чиқиб) белгиланган бўлса *adjr al-mithl* деб номланган[35]. Агар Кўкалдош мадрасаси ижара ҳужжатларини шу мезон бўйича таҳлил қилсак, "ажр ал-мисл" қайд қилинган 1859 йилда тузилган учта битимда ижара ҳаққи қозихонада белгиланган деб тушунишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ажр ал-мисл ижарага берилган экин ерлар учун ҳам пул шаклида ҳам маҳсулот шаклида ҳам белгиланган. Масалан, Мўйи Муборак мадрасасининг Эски Тошкентдаги вақф ерлари ижараси

---

[33] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32601-иш, 9-ҳужжат.
[34] Çizakça M. Cash Waqfs of Bursa, 1555-1823. P. 321.
[35] Tyan E. Idjar, Idjara. P. 1017.

масаласида 1876 йилда муфти ва аъламлар берган фатвода ҳар бир танобга ажр ал-мисл сифатида бедазор учун 5 танга, ғўза учун 7,5 танга белгиланган бўлса, арпа, тариқ, мош, жўхори, шоли экинлари учун ҳосилнинг 1/10 қисми белгиланган[36]. Тошкентдаги савдо-ҳунармандчилик объектлари ижарасида эса ҳозиргача ажр ал-мислни маҳсулот шаклида белгилаш ҳолати кузатилмади[37].

Ўрганилаётган даврда қозихоналарининг энг оммабоп фиқҳий қўлланмаларидан бўлган "Виқоя" асарида ижара ҳаққи белгиланган муддат ўтиши ёки кўзланган экин ҳосил етилиши билан тўланиши белгиланган[38]. Савдо объектларининг нақд пулга асосланган ижара шартномаларида тўловнинг ойлик ёки бир йилга белгиланиши бутун минтақа бўйлаб амалда бўлган. Бу ҳолат Кўкалдош мадрасаси ижара шартномалари учун ҳам хос. Аммо, ижара ҳаққи объектнинг жойлашган ўрни, майдони, мақоми ва ишлаб чиқариш соҳасидан келиб чиқиб белгиланган. А.К.Гейнс қайдларига қараганда, 1866 йилда карвонсаройлардаги дўконлар 3,5-5 тиллагача, бозордаги дўконлар эса йилига 2 рублдан 50 рублгача ижара пули тўлаган[39].

1889 йилги ижара битимида эса ўтаётган ҳар йил учун ҳар бир ижарадорнинг 5 танга тўлаши белгиланган. Тўлов вақф маъмурияти талабига кўра 4 қисмга бўлиниб, ҳар 3 ойда 1 танга 1 мирийдан топширишга келишилган. Ҳар бир ижарадорнинг 5 тангадан тўлашини назарда тутсак, тилга олинган 15 нафар ижарачининг сонига нисбатан олганда умумий қиймат 1 йилда 75 тангага тенг бўлган. Бу ўша давр пул қийматига кўра 1 тилла 19 тангага тенг деб олсак салкам 4 (3.95) тиллага тўғри келган. Эътиборни тортадиган ижара тўловининг камлигини (4 тилла) шартномада эслатилганидек, дўкон иморати (*ускуна*) ижарадорларнинг хусусий мулки бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, Кўкалдош мадрасаси 1884 йилда 7 та дўкон ва 230 та дўкон ўрнидан жами 570 рубл, 1893-1894 йилги ўқув мавсумида эса 8 та дўкон ва 261 та дўкон ўрнидан олинган ижара ҳаққи ойига 400 рублни ташкил этган[40]. Н.С.Ликошиннинг 1894

---

[36] ЎзР МДА. 36-фонд, 1 рўйхат, 1415-иш, 18-варақ.

[37] Бу борада Марказий Давлат архиви ҳамда Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган Тошкент вақф хўжаликларининг ижара масаласига дахлдор юзга яқин ҳужжатлар кўриб чиқилди. ЎзР МДА. 17-фонд, 1 руйхат, 32573; 32600; 32601, 32663 ишлар; 36-фонд, 1-рўйхат, 1415 иш; [Ривоятлар мажмуаси] ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №9530; Мажмуайи маҳзароти форсий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №6102 ва бошқ.

[38] Ш а й х М у ҳ а м м а д С о д и к М у ҳ а м м а д Ю с у ф. Кифоя/Мухтасар ул-виқоя шарҳи. 183-бет.

[39] Г е й н с А. К. Управление Ташкентом при кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. Т.2. СПб, 1898. 517, 521-бетлар.

[40] Тошкентда 1 тилла 20 кумуш тангага (ҳужжатларда 19 танга), 1 кумуш танга 64 чака пулга тенг бўлган. Шунингдек, 1 тилла 3 рубл 80 тийин баъзан 4 рублга тенг бўлган. Қаранг: Пашино П.И. Туркестанкий край в 1866 году. С. 155.

йилги кузатувларига қараганда, мадраса вақф маъмурияти ўзига қарашли ердаги ҳар бир дўкон ўрнидан ойига 10 тийин (копеек) тагжой ҳаққи олиб турган[41].

*Ижарага берувчи (mu'djir) ва ижарага олувчи (musta'djir).* Вақф хўжаликларига тегишли барча маъмурий ишлар, шу жумладан ижара билан боғлиқ ҳаракатлар мутаваллилар томонидан олиб борилган. Тошкентда ҳам мутавалли бу борада катта ваколатларга эга бўлган. Мутаваллининг зиммасига хўжалик ишларини юритиш вазифаси юклатилган бўлиб, кўп ҳолларда вақф қилувчининг ўзи ёки унинг авлодлари қўлида бўлган. Ислом ҳуқуқида бирор бир мулкни, айниқса вақф мулкини ижарага олувчи учун маълум бир мезонлар ишлаб чиқилган (балоғат, ақл, ихтиёрийлик, ўша мулкни тасарруф қила олишлик ва ҳ.к.)[42]. Шариатга асосан мутавалли вақф мулкидан мақсадли ва унумли фойдаланиши, уни ўзлаштириб олиши мумкин бўлган ҳукмдор, давлат амалдорлари ва белгиланган бошқа шахсларга ижарага беришига рухсат этилмаган. Лекин бу қоидага ҳар доим ҳам амал қилинмаган. Айниқса, XIX аср иккинчи ярмида колониал маҳкаманинг ўлкашунос-маъмурлари мутаваллиларнинг ижарага бериш борасидаги ноқонуний (ёки ношаръий) хатти-ҳаракатларига урғу берганлар. Масалан, В.Л.Вяткин, XIX аср иккинчи ярмига келиб, Туркистондаги аксарият мутаваллилар вақф мулкларни қариндошлари ва фарзандларига бериб фойда олиши, ижара ҳаққини атайлаб камайтириши, муддат ва тўлови масаласида доимо мавжуд қоидани бузиб келганини таъкидлайди[43].

Албатта Тошкент вақф хўжалиги ҳам бу каби салбий ҳолатлардан холи бўлмаган. Бироқ, масаланинг эътиборимизни тортган жиҳати бу эмас, балки ижарадорларнинг ижтимоий таркиби билан боғлиқ. Хўш Кўкалдош мадрасасининг Чорсу бозоридаги ижарадорлари кимлар эди?

Мадраса ижарадорларини ҳужжатларда чармфурушлар, кафшфурушлар, товоқфурушлар, сахтиёнфурушлар ёки бошқа касб эгаларидан иборат ҳунармандлар қиёфасида кўрамиз. Бироқ номлари келтирилган шахсларнинг исми шарифи, касбини кўрсатувчи лақаби ва келиб чиқишига қараб таҳлил қиладиган бўлсак уларнинг ижтимоий қатламлари ҳақидаги тасаввурларимиз ўзгаради. Масалан, 1859 йилда чармфурушлар билан тузилган шартномада тилга олинган 69 нафар ижарадорнинг 34 таси "кўнчи" деб тилга олинган. Ижарадорларнинг

---

41 ЎзР МДА. 36-фонд, 1 рўйхат, 3708-иш, 43-варақ.

42 K r c s m á r i k J. Das Wakfrecht vom Standpunkte des Şari'atrechtes nach der hanafitischen Schule. S. 566.

43 В я т к и н В. Л. О Вакуфах Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. 10. Самарканд, 1912. 102-бет.

қолган қисмини эса шаҳардаги ўзига тўқ аҳоли қатлами ташкил этади. Чармфурушларнинг 1887 йилдаги шартномасида эса кўнчи ёки чармфуруш касбини кўрсатувчи шахслар умуман учрамайди.

Ижара ҳужжати қўлимизда бўлмаса-да, бошқа ижарадорлар таркибида ҳам шундай ҳолат бўлиши табиий. Чунки, Маҳкама масжиди ва Эшонқули додхоҳ мадрасасининг юқорида эслатилган мисгарлар ва баззозлар билан тузилган шартномалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Маҳкама масжидининг "мустажирини мисгарон" номи билан тилга олинган 52 та шахснинг 26 таси "уста", қолгани турли тоифа вакиллари эди[44]. "Мустажирини баззозон" яъни "ижарадор баззозлар" деб тилга олинган Эшонқули додхоҳ мадрасасидан бозордаги Читфурушлик растасига туташ ерни дўкон ускунасини қуриш шарти билан ижарага олган шаҳарликлар орасида уларнинг умуман шу касбга алоқадорлигини кўрсатувчи (масалан: читфуруш ёки баззоз) шасхлар исмини кўрмаймиз[45].

Ўрта Осиёда ижара муносабатлари тарихига назар ташласак, XV-XVI асрларда ижарадорлар орасида ҳунармандлардан ташқари юқори табақа вакиллари ҳам бўлганини кўрамиз. Бундай ҳолатда субаренда яъни ижарага олинган объектни қайта ижарага бериш мавжуд бўлган[46]. Кўкалдош мадрасаси ижара ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар таҳлилига қараганда, бу даврда бозор хунармандчилик расталаридаги дўконларга эгалик қилувчи кишиларнинг барчасини ҳам шу касб эгалари деб тушунмаслигимиз керак. Чунки, кўплаб дўконлар ўзига тўқ аҳоли ҳамда савдогарлар қўлида бўлиб, уларни дўконсиз ҳунармандларга субарендага бериш давом этган. Масалан, "Мажмуайи маҳзарот" тўпламидан ўрин олган бир ривоятда Бекларбеги мадрасаси вақф еридаги дўкон ўринларини ижарага олган Мулла Муҳаммад Солиҳ охунднинг уларни бошқа бир гуруҳ кишиларга ижарага бергани ҳақида сўз кетади[47]. Демак, XIX асрда ҳам бозордаги вақф ерларни ускуна қуриш шарти билан ижарага олган шахсларнинг бир қисмини ҳунармандлар, бир қисмини қайта ижарага бериш билан даромад кўрувчи савдогарлар ташкил этган. Зеро, бир неча ўнлаб дўкон ўринларни ижара олган Муҳаммад Карим халифа, Шарифхўжа аълам ёки бошқа бадавлат шаҳарликлар дўконларини қайта ижарага берибгина фойда кўриши мумкин эди.

---

[44] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32663-иш, 63 варақ.
[45] ЎзР МДА. 17-фонд, 1 рўйхат, 32663-иш, 60 варақ.
[46] Мукминова Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. С. 50; Мукиминова Р.Г. Социальная дифференциация население городов Узбекистана в XV-XVI вв. 71-бет.
[47] Мажмуайи маҳзароти форсий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №6102. 344-варақ.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, вақф хўжаликларида ижара муносабатларини мавзуга дахлдор ҳужжатлар асосида тадқиқ этиш ижара муносабатларини янада чукурроқ ёритиш имконини беради. Бу ўз навбатида савдо-ҳунармандчилик соҳасига тегишли ижара ҳужжатлари ҳамда унда оқсоқоллар фаолияти масаласини нафақат Тошкент балки, хонликлар даври миқёсида, қиёсий ўрганишни талаб этади. Зеро, Қўқон ва Хива хонликлари ва Бухоро амирлиги ҳудудидаги вақф хўжаликларига тегишли ижара ҳужжатлари ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш ва уларни қиёсий тадқиқ этиш келгусида хонликлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг бизга номаълум жиҳатларига ойдинлик киритиши шубҳасиздир.

*У. Султонов*

## АРЕНДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ВАКФНОМ ХОЗЯЙСТВЕ ТАШКЕНТА
## (анализ арендных документов вакфной администрации медресе Кукелдаш)

Статья посвящена изучению вакфного хозяйства Ташкента и арендным отношениям в ней. Рассматриваемые вопросы, в том числе арендные документы, арендный срок, платёжы, а также социальной слой арендаторов на основе исторических документов исследовано медресе Кукелдаш относящиеся к периоду правления Кокандского ханства и Туркестанского генерал губернаторства.

*U. Sultonov*

## RENTING RELATIONS IN WAQF ECONOMY OF TASHKENT
## (the analysis of renting documents of waqf administration of Kukaldash madrasa)

The article is devoted to studying the waqf economy (householding) of Tashkent and renting relations in it. Including rent documents, the terms of renting, payments and social stratum of tenants are investigated on the basis of historical documents of Kukaldash madrasa belonging to the period of the rule of Kokand khanate and Turkistan general governorship.

*Ёш тадқиқотчи минбари*

*М. Асқаров*

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1925 – 1926 йиллар)

Совет тарих фанида Ўзбекистонда, 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти жараёнлари тамоман ижобий баҳоланиб келингани маълум. Мустақилликка эришгандан кейин Ватанимиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида буюк ўзгаришлар юз бериб, тарихимизнинг 1925-1929 йиллар воқеаларини янгича мушоҳада этиш, баҳолаш, танқидий ўрганиш, холисона ёритиш сари қадам ташланди. Бу масалаларни ўрганишга қизиқиш ва эҳтиёжлар ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон компартиясининг II съездида (1925 йил ноябрь) тасдиқланди. Съезд қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ер ислоҳоти шундай аҳволни таъминлаши лозим эдики, унда «хусусий мулкчилик муносабатлари давлатнинг социалистик иқтисодиёт таъсирига бўйсундирилиши керак» эди. Съезд дарҳол «Ўзбекистон ССР ҳудуди доирасидаги ер ва сувни национализация қилишга киришиш, ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар гуруҳини тугатиш»га даъват этди. Майда деҳқон хўжаликларининг ҳақиқатда доимий ёлланма ишчилар ва чорикорлар жалб қилмасдан ишлов берадиган майдонлари уларга бириктириб қўйиладиган ер нормаси деб эълон қилинди[1].

Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни национализация қилиниши тўғрисида", "Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида"ги декретлар қабул қилинди. Унда Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш учун давлат ер фондига ўтказилган ерлар, Ер халқ комиссарлиги тасарруфидаги давлат ер мулкларини ташкил этувчи ерлар ҳисобидан, маданий-маърифий вақф ерлари ҳисобидан, номаълум сабабларга кўра бедарак кетган ва эгалари вафот этган хўжаликлар ҳисобидан ер фондлари ташкил қилиниши белгилаб қўйилди[2].

Аввалроқ ТАССР ва БХСР нинг "Ер ва сувни национализация

[1] Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. Изд. АН. УзССР Тошкентор, 1962. 238-242-бетлар.
[2] ЎзР МДА. 86-фонд. 1- рўйхат, 2396-иш, 17-18 вараклар.

қилиш тўғрисида" қабул қилган қарорларини ривожлантирган бу декретда "бутун ер, ўрмон, сув, Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ер ости бойликлари Ўз ССР нинг давлат мулки ҳисобланади" деб таъкидланган эди. Иккинчи Декретга кўра Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 50 десятинадан ортиқ ери бор "помешчик типи"даги хўжаликлар ва Фарғона вилоятидаги 40 десятинадан ортиқ ери бор хўжаликлар ерлари, от-хўкизлари тўла мусодара қилиниши кўзда тутилган эди. "Қулоқ" хўжаликлар ерлари эса 7 десятинагача қисқартирилиши лозим эди[3].

Ислоҳот барча ижтимоий қатламларнинг диққатини тортди. қишлоқдаги "қуйи" қатламлар ернинг тенглаштирилиши ғоясини қўллаб-қувватладилар. Чунки кам ерли ва ерсиз деҳқонлар ер олиб, тузукроқ ҳаёт кечиришдан умидвор эдилар. Уларнинг ислоҳотга қизиқиши иқтисодий асослар билан боғлиқ эди. "Юқори" қатлам – яъни раҳбарлар эса ислоҳотни ўтказиш билан социализмга сакраб ўтишни кўзлар эди холос.

Ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилди, сабаби улар ислоҳотни ишончсизлик ва эхтиёткорлик билан кутиб олдилар. Чунки улар ислоҳот натижасида ўзларининг чек ерларидан ажралиб қолишдан чўчир эдилар. Шу сабабдан большевиклар ўртаҳол деҳқонларга устамонлик билан муносабатда бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, партия уларни ўз томонига оғдиришга интилди.

15 декабрда ЎзССР МИҚ йирик хўжаликлардан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва жиҳозларини ер тақсимланадиган деҳқон хўжаликларига мажбурий сотиш ҳақидаги қарорни ҳам тасдиқлади.

Марказий ер-сув комиссияси кўрсатмаси бўйича 1925 йил 5 декабрда Фарғона области бўйича 15 кишидан иборат ер-сув комиссияси ташкил қилинди. Комиссия котиби этиб А.Ниёзов сайланди. Бу комиссия 4 та уезд ер-сув комиссиясини – Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон комиссияларини ташкил этди. Фарғона област партия комитетининг 1925 йил 13-17 декабрь кунларидаги пленумларида вилоятда амалга ошириладиган ислоҳотга алоқадор ишлар масаласи муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Ҳар иккита волост учун биттадан район ер-сув комиссияси ташкил этилди. Фарғона области бўйича 33 та район ер-сув комиссиялари тузилди. Район комиссиялари тегишли районлар бўйича мусодара қилинадиган ер ва давлат нархида сотиб олинган ишчи иш

[3] Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.). Сборник документов. Ташкент: Изд. АН. УзССР, Тошкент. 1962. 244-246-бетлар.

ҳайвонларнинг ҳамда асбоб-ускуналарни камбағал деҳқонларга белгиланган меъёрлар бўйича тақсимлаш иши билан шуғулланишлари лозим эди.

1926 йил 3 январда Фарғона област партия комитетининг ташвиқот бўлими ислоҳотни ўтказиш бўйича ташвиқот ишларини авж олдириш тадбирларини ишлаб чиқди. Фарғона водийсида ислоҳот бошланиши билан жойларда 1080 та йиғилиш ўтказилди, улардан 300 таси Андижон уездида, 280 таси Марғилон уездида, 260 таси Қўқон уездида, 240 таси эса Наманган уездида ўтказилган эди[4]. Жойларда ислоҳотга ташвиқ этувчи плакатлар, варақалар тайёрланиб тарқатилди, вилоят газеталарининг барча саҳифалари ислоҳотга доир материалларни чоп эта бошлади. "Фарғона" самолёти водий бўйлаб 100 минг нусха ислоҳотга даъват этувчи варақалар ва 11 минг нусха брошюраларни тарқатди. Қишлоқларда қизил чойхоналар очилди, агитмашиналар ва агитаравалар ҳар бир қишлоқларда ислоҳот бўйича ташвиқот ишларини олиб борди.

Бу кенг кўламли ташвиқот ишларидан кейин Фарғона област ижроия комитети 1925 йилнинг 12 декабрида ер-сув ислоҳоти ҳақидаги декретни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди. Ер-сув комиссиялари қишлоқларга келиб амалий ишга киришдилар. Район комиссиялари қишлоқнинг катта-кичиклигига қараб 13-17 кишидан ташкил қилинган эди. Комиссия таркибида маҳаллий партия ташкилоти вакиллари ва "қўшчи" иттифоқи аъзолари ҳам бор эди. Фарғона области учун битта хўжалик учун белгиланган ердан фойдаланиш нормаси 7 десятина бўлиб, бу миқдордан ортиқча ерлар ҳам комиссия томонидан тортиб олинди.

Ер, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуролларининг мусодара қилиниши ва эгаларидан тортиб олиниши жуда катта норозиликларга сабаб бўлди. Еридан, мол-мулкидан жудо бўлган ўзига тўқ хўжаликлар ислоҳотга қарши чиқдилар. Улар ўз навбатида ислоҳотга қарши турли ташвиқотларни авж олдирдилар, ер ислоҳоти фаолларига суиқасдлар уюштирилди. Жумладан. Марғилон уездида ер-сув комиссияси аъзоси Маматқул хожи Абдулқулиев бойлар томонидан ўлдирилди. Яккатут районида йирик бой Ўринбой Холматов ўз ерларини хеч кимга бермаслигини, агар давлат мажбуран ерини тортиб олиб ерсизларга тақсимлаб берган тақдирда ўзига қарашли 40-60 кишини тўплаб, ери тақсимланган чорикорларни қаттиқ жазолашини маълум қилган[5].

---

[4] К у н а к о в а Л. З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) Ош, 1962. 138-бетлар.

[5] Фарғона вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 112-йиғма жилд, 45-варақ.

Бу каби чиқишлар советлар томонидан ер-сув ислоҳотига қарши душманлик, аксилинқилобий чиқиш деб баҳоланди ва уларга қарши қаттиқ жазо чоралари қўлланди.

1925 йил 17 декабрда Фарғона област газетасида област ижроия комитетининг IV – сессиясида қабул қилинган қарорлар эълон қилинди. Унда Фарғона областида ер-сув ислоҳоти муваффақиятли бораётганлиги таъкидланиб, 40 десятинадан ортиқ ери бор «помешчик ва қулоқ» хўжаликлари деярли тугатиб бўлингани айтилди.

Ислоҳот давомида ерларини комиссиядан яшириб қолган ёки миқдорини камайтириб айтган хўжаликлар аниқланиб суд жавобгарлигига тортилган. 1926 йил 2 январда Фарғона област партия комитети бундай хўжаликлар устидан очиқ судлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган. Очиқ судларда камбағал деҳқонлар, чорикорлар, “қўшчи” иттифоқи аъзолари қатнашганлар, улар бойлар яширган ерларни, қишлоқ хўжалик асбоблари, от-улов ва ҳоказоларни аниқлашда фаол қатнашдилар. Масалан, Марғилон уезди, Чимён волостида “қўшчи” иттифоқининг аъзоси бўлган 130 батрак бойлар томонидан яширилган минг танобдан ортиқ ер, юзлаб от-улов ва асбоб-ускуналарни аниқлаганлар[6].

Фарғона водийсида ер-сув ислоҳоти расман 1925 йилнинг 9 декабрида бошланди. Дастлаб ислоҳотни якунлаш муддати 1926 йил 15 апрелга белгиланган. Кейинроқ иш авж олгач, ислоҳотни якунлаш муддати 20 мартга, 1 мартга, 20 февралга ва 5 февралга ўзгартирилган. Ислоҳот расман 1926 йил 1 февралда ниҳоясига етказилди. 1926 йилнинг 31 январь куни “Правда” ва “Камбағал деҳқон” газетаси сонларида Фарғона водийсида ер-сув ислоҳоти муваффақиятли якунланганлиги маълум қилинди.

Ислоҳот давомида аввало “помешчик типи”даги хўжаликлар тугатилди, бу ишлар учун 34 нафар вилоят ходимлари сафарбар қилинган. Кейин эса 4 ва 5 разрядли савдогар хўжаликлари тугатилди, сўнгра белгиланган нормадан ортиқча ерлари бор “қулоқ” хўжаликларининг ортиқча ерлари тортиб олинди.

Фарғона водийси бўйича ислоҳот натижасида 770486 таноб[7] ер фонди ташкил қилинди. Бу ер фондининг 127000 танобини (барча ерларнинг 16 фоизи) “помешчик” хўжаликларидан мусодара қилинган ерлар, 195980 танобини (25 фоиз) “қулоқ” хўжаликларни нормадан ортиқча ерларини қирқиб олиш ҳисобига тўпланган ерлар, 207899

---

[6] Ўша манба. 145-146-бетлар.

[7] Таноб-ер ўлчов бирлиги бўлиб, турли районларда турли ҳажмни акс эттирган. Фарғона областида бу даврда 1 таноб 0,16 десятинага тенг бўлган.

танобини (27 фоиз) савдогарлардан ва шаҳар тадбиркорларидан мусодара қилинган ерлар, 239607 минг танобини (31,5 фоиз) давлат ерлари ва вақф ерлари ташкил қилди[8].

Юқоридаги ер фондидан Фарғона водийси бўйича 36920 хўжалик ер олди, улардан 24916 таси чорикорлар, 12004 таси қароллар, батраклар ва бошқа ерсиз деҳқонлар эди.

Янги ташкил қилинган хўжаликлар уездлар бўйича қуйидагича кўринишда эди:

| | |
|---|---|
| Қўқон уезди бўйича | – 5085 хўжалик |
| Андижон уезди бўйича | – 9008 хўжалик |
| Наманган уезди бўйича | – 10229 хўжалик |
| Марғилон уезди бўйича | – 11770 хўжалик |
| Конибодом райони бўйича | – 828 хўжалик |
| **Жами:** | **– 36920 хўжалик** |

Фарғона области бўйича ташкил қилинган хўжаликлар олган ерлар миқдори қуйидагича:

| | |
|---|---|
| 1-6 танобгача ер олган хўжаликлар | – 5493 та (14 %) |
| 6-12 танобгача ер олган хўжаликлар | – 14099 та (39 %) |
| 12-18 танобгача ер олган хўжаликлар | – 10361 та (28 %) |
| 18 танобдан ортиқ ер олган хўжаликлар | – 6968 та (19 %) |

Уездлар бўйича бўлинган ўртача ер нормаси Андижонда 15,5 танобни, Марғилонда 12,5 танобни, Наманганда 12 танобни, Қўқонда 11 танобни ташкил қилган.

Фарғона области бўйича ташкил этилган 770486 таноб ер фондининг фақат 369486 таноби ерсиз деҳқонларга тарқатилди, қолган 401000 таноби эса давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Ер-сув ислоҳотигача 1 танобдан 18 танобгача ерга эга бўлган хўжаликлар 86.47 фоизни ташкил қилиб, улар барча ерларнинг 43 фоизига эга эдилар. Ислоҳотдан кейин улар эгалик қилаётган ерлар 68 фоизга етди. 18 танобдан 36 танобгача ери бўлган ўртаҳол деҳқонлар ислоҳотгача 9,61 фоизни ташкил этиб, улар 20 фоиз ерга эгалик қилардилар. Ислоҳотдан кейин ҳам бундай ўртаҳол хўжаликларда 20 фоиз ер сақланиб қолди, лекин улардан нормадан ортиқча ерлар олиб қўйилиши эвазига бу каби хўжаликлар 3,92 фоизга қисқарди[9].

Ислоҳот натижасида кўпгина ер жамғармаси ташкил этилганига қарамай бу ерлар барча ерсиз ва кам ерли деҳқонларни тўлиқ ер билан

---

[8] Об итогах проведения и начале закрепления земельной реформы в Ферганской области. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг) Сборник документов. 255-258-бетлар.

[9] Об итогах проведения и начале закрепления земельной реформы в Ферганской области. 258-бет.

таъминлаш учун етмас эди. Чунки, Фарғона водийсида ахоли зич бўлиб, деҳқончилик учун қулай ерлар жуда тақчил эди. Шу сабабли ҳам собиқ совет ҳукумати янги ерларни ўзлаштириш ғоясини илгари сурди. Ўзкомпартия Марказий комитети бу ишларни амалга ошириш мақсадида бир қанча партия ходимларини ва мутахассисларни Фарғона вилоятига юборди.

1925 йилнинг 30 июлида Фарғона област партия комитети пленумида ер-сув ислоҳотига тайёргарлик масаласи бўйича янги ерларни ўзлаштириш масаласини ҳам муҳокама қилиб вилоятда 35000 десятина янги ерларни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу ерларнинг 8000 десятинасини Марғилон уездида, 12000 десятинасини Андижон уездида, 9500 десятинасини Наманган уездида ва 5500 десятинасини Қўқон уездида ўзлаштириш мўлжалланган[10].

Ҳақиқатан ҳам, Фарғона областининг айрим районларида ўзлаштириб деҳқончилик қилиш мумкин бўлган чўл ва дашт ерлари бор эди. Бу мақсадда Ёзёвон чўлидан 6223 гектар, Шаҳрихон районидан 9578 гектар, Балиқчи районидан 5116 гектар, Қорақалпоқ районидан 3103 гектар, Орол районидан (Сирдарё ўзанидаги орол) 1828 гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланди.

Ўзлаштириладиган ерларни текислаш, ирригация ва мелиорация ишларини олиб бориш учун соҳанинг кўпгина мутахассислари жалб қилинди.

Дастлабки режада жами 25848 гектар янги ерларни ўзлаштириш мўлжалланган бўлиб, ер-сув ислоҳоти давомида 11726 гектар ер ўзлаштирилди ёки дастлабки мўлжалнинг 46 фоизи ўзлаштирилди[11]. Янги ерларни ўзлаштириш ер-сув ислоҳоти якунланганидан кейин ҳам давом этди.

Қайта тақсимлаш ер фондига жами 23656,6 десятина янги ўзлаштирилган ер ҳам қўшилди. Давлат бу ерларни ўзлаштириш учун 1230772 сўм маблағ сарфлади. Бу ерлар қайта тақсимлаш ер фондининг салмоқли қисмини ташкил қилди[12].

Фарғона области бўйича ерсиз ва кам ерли деҳқонларга қайта тақсимлаш учун турли манбалардан ташкил этилган ер фонди 136936 десятинани ташкил қилди. Бу ерларнинг 85950 десятинаси деҳқончилик қилиш учун қулай ерлар, 50980 десятинаси эса деҳқончилик учун ноқулай бўлиб, бу ерларда жиддий мелиоратив ишларни амалга ошириш лозим эди. Шу сабабли ҳам ташкил этилган ер фондида

---

[10] Фарғона вилоят давлат архиви. 127-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд, 73-варақ.

[11] К у н а к о в а Л. З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг) Ош, 1962. 148-149-бетлар.

[12] Ўша манба. 150-бет.

деҳқончилик учун қулай бўлган ерлар барча ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш учун етмас эди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Фарғона области учун битта хужаликка тақсимланадиган ер нормасини 3 десятина қилиб белгилади.

Хуллас, ер-сув ислоҳоти натижасида Фарғона водийси бўйича ташкил этилган ер фондини қайта тақсимлаш оқибатида 31845 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди, шунингдек, янги ўзлаштирилган ерларда 10814 деҳқон хўжалиги ташкил топди. Улардан 4974 таси Шаҳрихон районида, 3396 таси Балиқчи районида, 1337 таси Ёзёвонда, 569 таси қорақалпоқ даштида, 538 таси Орол ҳудудида ташкил этилди. Бутун Фарғона водийси бўйича жами 42659 нафар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер берилди.

Ислоҳот даврида «Қулоқ», «қулоқ қилиш» деган атамалар кенг ишлатилди. «қулоқ»ларга нисбатан ўринсиз нафрат туйғуси ҳам шу даврдан юзага келди. Ислоҳот давомида бир қатор хатоликлар ва зўравонликларга йўл қўйилди. Ислоҳотни ўтказиш жараёнида Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида жами 15198 та хўжалик тамоман тугатилди ва нормадан ортиқча ерлар мусодара қилинди. Улардан 594 таси «помешчик» типидаги хўжаликлар, 1001 таси йирик савдогарлар, 13603 таси «қулоқ» хўжаликлари деб аталди. Тугатилган 594 «помешчик» хўжалигидан 365 таси Фарғона вилояти бўйича ташкил этди. Уларнинг айримлари қишлоқларда, айримлари эса шаҳарларда истиқомат қилардилар. Тугатилган 365 «помешчик» хўжалигидан 24646 десятина ер мусодара қилиб олинди. «қулоқ» хўжалиги деб топилган 4412 хўжаликдан эса нормадан ортиқча деб хисобланган 28814 десятина ер тортиб олинди.

Фарғона вилояти бўйича ислоҳот давомида тугатилган хўжаликлардан 2334 бош иш ҳайвони тортиб олиниб, иш ҳайвони йўқ хўжаликларга тарқатиш фондига киритилди. Бу иш ҳайвонларининг 1480 таси буқа, 801 таси от, 34 таси эшак ва 19 таси туя эди. Шунингдек, 1692 бош иш ҳайвони тўқ хўжаликлардан мажбуран сотиб олинди.

Ер-сув ислоҳоти ўзининг бутун моҳияти билан бадавлат хўжаликларни тугатиш, ўзига тўқ хўжаликларни чеклаб қўйиш ва қишлоқда синфий курашни авж олдиришга қаратилган эди. Бу йўл қишлоқ аҳолисининг кўпроқ даражада бозорга қараб иш юритадиган "қулоқ" хўжаликларини ўринсиз равишда чеклаб қўйиш, шунингдек, ислоҳотни ўтказиш пайтида ўйламай-нетмай ва ҳаддан ошиб чоралар кўриш билан ифодаланди. Ислоҳот давомида қишлоқнинг бадавлат қатламлари ўзига тўқ хўжаликлар кескин қисқариб, улар барча деҳқон

хўжаликларининг 1,4 фоизини ташкил этди[13]. Булар ҳам асосан 5-7 десятина ерга эга бўлган, лекин етарли даражада ишчи кучи, иш ҳайвони ва меҳнат қуролларига эга бўлмаган деҳқонлар эди.

Фарғона водийсидаги ер-сув ислоҳоти натижасида қишлоқдаги ижтимоий қатламлар таркибида қуйидагича ўзгаришлар юз берди: Ислоҳотга қадар водий бўйича 9555 та ерсиз деҳқон хўжаликлари бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин ерсиз деҳқонлар деярли қолмади. 0,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 13193 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин бундай хўжаликлар 975 тани, 0,5 десятинадан 1 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 5145 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 3622 тани, 1 десятинадан 1,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 2081 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 5108 тани, 1,5 десятинадан 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 997 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 6646 тани, 2 десятинадан 3 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 699 та бўлган бўлса ислоҳотдан кейин 9481 тани ташкил этди[14].

Хуллас, аграр ислоҳот ер-сувни национализация қилишни асосан тугаллаб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига олиш учун моддий шарт-шароитлар яратди.

Фарғона вилоятида 40 десятинадан ортиқ суғориладиган ери бор хўжаликлар ҳам 40 десятинадан кам 7 десятинадан ортиқ ери бор ўзига тўқ хўжаликлар ҳам тадбиркор хўжаликлар бўлиб, улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган эди. Уларнинг мажбуран тугатилиши иқтисодий жиҳатдан нотўғри бўлганлигини водийда иқтисодий инқирозлар юзага келишида яққол намоён бўлди.

Ер-сув ислоҳотининг якунларидан бири шу бўлдики, Фарғона водийсида ерсизликка барҳам берилди, лекин ислоҳот ерга муҳтожлик ва кам ерлилик муаммосини тўла ҳал қилмади. Чунки, мусодара қилиш ва бошқа йўллар билан ташкил қилинган ер жамғармасининг фақат 10 фоизигина ерга муҳтож деҳқонларга тақсимлаб берилди, қолган ерлар эса колхоз ва совхозлар ихтиёрига берилди. Ислоҳот давомида кўплаб ноҳақликларга йўл қўйилди. Аксари ҳолларда ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам тугатиб юборилди. Кўпинча ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хўжаликнинг тугатиб юборилишига асос бўлар эди.

Ўтказилган ер-сув ислоҳотлари натижасида пахта яккаҳокимлиги қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинди. Натижада қишлоқда яшовчи хўжаликларнинг шахсий томорқалари 10дан – 6-4 сотихгача тушиб қолди. Хўжаликларда

[13] Г о л о в а н о в А. А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Тошкент: Фан, 1992. 104-бет.

[14] К у н а к о в а Л. З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.). Ош, 1962. 152-бет.

оилалар сонинг ўсиши, томорқадан фойдаланиш имконини чеклади, чорва ҳайвонларини боқишга йўл қўймади.

Умуман, ер-сув ислоҳоти бойлар синфининг тугатилишига, синфсиз жамият қуришга қаратилган советларнинг яна бир нотўғри сиёсати эди.

*М. Аскаров*

ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ РЕФОРМЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ (1925-1925гг.)

В статье делается вывод о том, что ограничение земельных владений «кулацких» и ликвидация так называемых «помещичьих» хозяйств были не правильны и привели к отрицательным последствиям, торможению развития сельского хозяйства долины. На основе архивных документов и научной литературы освещены этапы проведения земельно-водной реформы Ферганской долины и её последствия.

*M. Asqarov*

LAND-WATER REFORMS IN FERGHANA VALLEY AND ITS CONSEQUENCES (1925-1926)

The author has illustrated negative consequenses of liquidation of the Kulaks in this article and the farms called "Pomeshchiks". He has concluded that it impacted badly on the development of agriculture. There were stressed in the steps of holding land and water reforms by archieve matereials and scientific books.

*Н. Абдуллажанова*

## РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Шарқ уйғониш даврининг буюк намоёндаси Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиши берунийшунослик деб ном олган алоҳида фан соҳасининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу фан шарқшунослик фани билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг негизидан ўсиб чиққан.

973-1048 йилларда яшаб ижод қилган Хоразм заминининг фарзанди Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад ўзидан 150 дан ортиқ номдаги китоблардан иборат илмий мерос қолдирган. Бу мероснинг ўрганилиши эса, асосан, XIX асрдан бошланган.

XX асрнинг 80-йилларига оид мавжуд адабиётларда ўрта аср Европасида Беруний асарларининг кенг тарқалмаганлиги тўғрисида фикрлар бор эди. Бунга сабаб қилиб Беруний асарларининг ёзилиш услубининг ўзига хослиги ва илмий тилда ёзилганлиги учун тушунилиши қийин эканлиги кўрсатилган[1]. Аммо кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аллома асарлари шарқ олимлари орасида жуда машҳур бўлиб, Европада кенг тарқалмаган. Маълумотларга кўра, Англия қироли Генрих IIнинг саройида табиблик қилган П.Альфонс Берунийнинг "Сайдана" ва "Минералогия" асарларини лотин тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилган ва ундан узоқ йиллар унумли фойдаланилган. Кейичалик у "ал-Қонун ал Масъудий" китобининг катта қисмини ҳам таржима қилган. Асар Франциянинг Монпелье шаҳрида қайта-қайта кўчирилган[2]. Демак, ўрта асрларда Европада Абу Райҳон Беруний табиб, маъданшунос, астроном сифатида маълум бўлган.

Беруний асарлари дастлаб XIX аср ўрталарида француз шарқшунослари Йозеф Файнауд, М.С.Рено, италиялик Б.Бонкомпани, немис олими Александр фон Гумбольдтларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Европада кенг тарқалди[3]. Мазкур асрнинг 70-йилларида немис шарқшуноси Эдуард Захау (1845-1930) Абу Райҳон Берунийнинг ижодига мансуб "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Ҳиндистон" асарларини ўрганди ва уларни немис ва инглиз тилларига ўгириб, арабча матни билан бирга нашр эттирди[4]. Россия шарқшунослигининг етакчиларидан бири В.Р.Розен ушбу нашрдаги Берунийнинг "Ҳиндистон" асарига

---

[1] Л у н и н Б. В. Жизнь и труды Абу Райхана Беруни в дореволюционной и советской науке // Общественные науки в Узбекистане. 1973. №7-8. 115-бет.

[2] Ш т р о м м а й е р Г. Ғарб дунёси билмаган даҳо // Жаҳон адабиёти. 2007. №3. 132-бет.

[3] Ўша мақола 133-бет.

[4] S a c h a u E. Zur Geschichte und Chronologie von Kwarizm, Sitzungsberichte der Weiner Asad. D. Wiss., Philos-Hist. Klasse, Bd. 73. 1873.; S a c h a u E. Algebraiches über schach bei Biruni, Leitschrift d-Deut. Morgenländ, Gesellchaft, Bd 29, 1876.; The chronology of ancient nations, translated and edited by E.Sachau. London, 1879.; Al. Biruni's India. Edited in the Arabic original by E.Sachau. London. 1887. Al. Biruni's India, Volume I, II, London, 1888. Ўша даврда Э.Захаунинг Берунийнинг "Хронология"си асосида нашр этилган рисоласи машҳур ва оммалашган эди. 1888 йилда Э.Захау Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган. У 1876 йилда Петербургда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг III халқаро конгрессида иштирок этган. 1876 йил 28 августда конгресснинг Ўрта Осиё секциясида дастлабки сўз Захауга берилган ва у машҳур Ал Беруний ҳақида тўлиқ маълумот берган ҳамда яқиндагина нашрдан чиққан алломанинг хронологияга оид асарининг арабча матнини барчанинг эътиборига ҳавола этган. 1923 йилда "Хронология"нинг немисча таржимаси арабча матни билан иккинчи марта нашрдан чиққан: Chronologie orientalischer völker von Alberuni; hrsg. Von Dr. S.E Sachau. Leipzig. 1923.

тақриз ёзди[5]. Бу билан Россияда Беруний мероси билан кенг қамровли танишиш жараёни бошланган. В.Р.Розеннинг мазкур тақризи нафақат Э.Захаунинг ишига берилган баҳо, балки Беруний ва унинг илмий меросига берилган ажойиб тавсифнома ҳамдир. Тақриз муаллифининг сўзларига кўра, ""Ҳиндистон" ўз аҳамиятига кўра ягона бебаҳо ёдгорлик ва қадимги ва ўрта аср Шарқ ва Ғарб илмий адабиётида унга тенг келадигани йўқ. Асардан диний, ирқий, миллий ёки тоифавий фикрлашдан холи беғараз танқид, руҳи уфуриб турибди"[6]. В.Р.Розеннинг фикрича, илмга самимий чанқоқлик, келтирилаётган далилларга беғараз баҳо бериш, ўз билимларини улашиш истаги Беруний сиймосига хосдир[7]. Муаллиф Берунийни математика фанлари мутахассиси бўлсада, бу нарса унинг соҳасига кирмайдиган нарса ва ҳодисаларни кўриш ва тушуниш имкониятидан маҳрум қилмаган деб ҳисоблайди[8]. В.Р.Розеннинг кейинги хулосалари ҳам қимматлидир: "Замонавий Европада Беруний "мусулмон дунёси" ва маданиятига чуқур қизиқиш уйғонишига сабаб бўлган. Бундан ташқари ўрта аср Европасида ҳинд цивилизациясини ўрганиш борасида (бу цивилизация европаликларга мусулмонларники бегона бўлган каби мусулмонлар учун ҳам бегона эди) Беруний каби бегона эътиқод, бегона маданият, бегона ирққа беғараз муносабатни ҳеч кимда кўрмаймиз"[9]. В.Р.Розен ўз тақризида Э.Захаунинг нашри Беруний асарларини ўрганишда муҳим ўрин тутишини ҳам баён қилган.

Аслида Россия шарқшунослигида Абу Райҳон Беруний номи XVIII асрдан маълум. 1873 йилда Тобольскда чоп этилган "Библиотека ученая, экономическая, нравоучительная и увеселительная" оммабоп журналининг 2-сонида тарихий мақола бўлимининг "Янги тарихнинг машҳур кишиларининг ибратли ишлари ва сўзлари" рукнида "Абуриган, астроном музульманской в одинадцатом столетии" номли мақола учрайди[10]. Россияда Абуриган трансформациясида Беруний исмини маълум қилиш учун журнал ноширн П.П.Сумароков сақланиб қолган халқ ривоятидан фойдаланган[11].

---

[5] R o z e n V. R. Alberuni's India. An account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy customs, Laws and astrology of India about A.D.1030. edited in the Arabic original by Dr.Edward Sachau. London. 1887/ Записки восточного отделения императорского русского археологического общества. Том III. СПб. 1889. 146-162-бет.
[6] Ўша манба. 147-бет.
[7] Ўша манба. 148-бет.
[8] Ўша манба. 151-бет.
[9] Rozen V.R. Alberuni's India... 152-бет.
[10] Абуриган, астроном музульманской в оддинадцатом столетии // Библиотека ученая, экономическая, нарвоучительная и увеселительная. Часть вторая. Тобольск. 1793. 142-143-бет.
[11] Мақола ҳақида батафсил қаранг: Н и к. С м и р н о в – С о к о л ь с к и й. Моя библиотека. Библиографическое описание. Том I. М.: Книга, 1969. 443-бет.; К л и м о в и ч Л. Русский журнал XVIII века о Беруни// Звезда Востока. Ташкент, 1952. №3. 108-111-бет.

Россия шарқшунослигида Абу Райҳон Беруний ҳақидаги кейинги маълумотлар 1836 йилда нашр этилган "Энциклопедический лексикон"нинг 6-жилдида учрайди[12]. Энциклопедик луғат сифатида нашр этилган ушбу китобда аллома "Бируни Абуль Рейхан" тарзида берилган. Унда Беруний Хоразмдан чиққан араб географи деб таърифланган, у ўз асарларида славянлар, "варянглар" (вараяглар – қадимги Скандинавия аҳолисининг умумий номи – Н.А.) ҳақида маълумотлар қолдирган, деб айтилган[13].

1860 йилда Америка шарқшунослари жамиятининг журналида машҳур шарқшунос Н.ВХаниковнинг тадқиқоти чоп этилган. Унда Берунийнинг "Металлар ва қимматбаҳо тошлар орасидаги вазнлар муносабатлари" номли рисоласидан келтирилган парчалар эълон қилинган[14]. Мазкур парчалар Абдурахмон ал-Ҳазинийнинг "Донолик тарозиси" асаридан ўрин олган эди.

Россиянинг Ўрта Осиёни истило қилиши Шарқни ўрганиш тенденциясининг кучайиши ва сифат жиҳатдан ўсишига олиб келди. Бунда Тошкент шаҳри маълум маънода илмий марказ вазифасини бажарди. Бу жараёнда Россия илмий жамиятларининг ушбу минтақани ўрганиш кўлами ҳам кенгайиб борган. Йирик шарқшунослардан В.В. Бартольд, С.Ф. Ольденбург, Н. Осторумов, А.А. Семенов, И.Д. Ягелло, В.П. Наливкин, В.Л. Вяткин, В.С. Андреев, И.Ю. Крачковскийларнинг фаолияти бу ерда ҳам шарқшуносликка замин яралиши ва ривожланишига кўмак берди[15]. Бу ҳолат берунийшунослик ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1873 йилда императорнинг Рус географик жамиятининг Хива хонлигини ўрганиш бўйича йўриқномасида рус олимларининг Беруний асарларига бўлган қизиқишларини кўриш мумкин. Мазкур дастурнинг "Қўлёзмалар ва тангаларни тўплаш" деб номланган тўртинчи бўлимида қуйидаги маълумотлар бор: "Машҳур аль-Бируни-Абурейхоннинг бирор бир асари топилганда катта бахт бўлган бўлур эди. Россияда аль-Бирунийнинг бирорта асари йўқ". Дастурда Берунийнинг 22 номдаги асарлари рўйхати келтирилган[16]. Ўрта Осиёнинг, хусусан, Хоразм тари-

---

12 Энциклопедический лексикон. Издатель А.А.Плюшар. Том VI. СПб. 1836. 37-бет. http//:www.knigafund.ru/books/50091.

13 Энциклопедический лексикон 37-бет.

14 Х а н ы к о в Н.В. Извлечения из сочинения Абдурахмана ал-Хазини «Весы мудрости» (XII в.). содержит отрывки из трактата Беруни «Об отношениях по объем между металлами и драгоценными камнями / Journal of the American Oriental society. 1860. VI.

15 Бу ҳақда батафсил қаранг: Л у н и н Б.В. Из истории первого востоковедческого учебного заведения в Средней Азии. Очерки по истории русского востоковедения. ИВЛ. Выпуск 5. М., 1963. 302-340-бет.

16 Вопросы, предлагаемые императорским Русским географическом обществом при исследовании Хивинского ханства и сопредельных с ним степей в географическом, этнографическом и культурно-историческом отношениях. СПб., 1873.

хини ўрганиш борасидаги кейинги тадқиқотлар Берунийнинг маълумотларига таянган ҳолда яратила бошланган. Шарқшунослардан яна бири Н.Н.Пантусов 1880 йилда З.М.Бобурнинг "Қайдлар"ини таржима қилган. Ана шу таржима сўнггида у "Фарғона ҳақида хабар берувчи Шарқ ва Европа ёзувчиларининг муҳим географик асарлари рўйхати" да Берунийни ҳам келтирган[17].

Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши XX асрга ўтиб кенгая борди. Унинг асарларида келтирилган маълумотларга таянган Ўрта Осиё тарихига оид бўлган янги тадқиқотлар юзага келди. Масалан, К.А.Иностранцев 1911 йилда Хива воҳасининг араблар бостириб келгунга қадар бўлган даврига оид маданияти ҳақидаги мақоласида Берунийнинг Хоразм ҳақидаги далилларига таянган ва иқтибослар келтирган[18]. Худди шундай тадқиқотни шарқшунос А.Н.Самойловичнинг "Айрим туркий қабилаларда ўн икки йиллик мучал циклидаги ўзгаришлар ҳақида" деб номланган мақоласида ҳам кўриш мумкин[19]. Унинг мақоласида ҳам Беруний маълумотларидан фойдаланилган. Айнан шу муаллиф ўзининг "Ғарбий Туркистон" асарида Ғазнавийлар давлати тўғрисида сўз юритиб, Берунийнинг фаолияти ҳақида маълумотлар келтирган. Жумладан, Берунийнинг "Хоразм тарихи" асари, Хоразмни ғазнавийлар томонидан истило қилиниши даврида Берунийнинг хоразмшоҳлар саройидаги фаолияти кабилар[20].

1911 йилда нашр этилган "Араб адабиёти очерклар ва намуналарда" деб номланган китобда ҳам Беруний номи бир неча бор тилга олинган[21]. Унда ўша даврда мавжуд анъанага кўра араб адабиёти деб ном олган адабиёт (аслида бутун мусулмон адабиёти – Н.А.) ва илм-фан ривожи баён қилинган. Китоб муаллифи "XI аср математик ва астроном олимлари" деб номланган бўлимда астроном Фазарий билан бошланган рўйхатни буюк Аль-Бируний (973-1048) астрономиянинг классик даврини якунлади, деб қайд этган[22]. Шунингдек, аллома тарихчи, географ ва хронолог сифатида тилга олинган[23]. Китобнинг яна бир бўлимида Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга юришлари Аль-Бирунийга, ажойиб

---

[17] Л у н и н Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент: Фан, 1965. 216-217-бет.

[18] И н о с т р а н ц е в К. А. О домусульманской культуре Хивинского оазиса // Журнал Министерства народного просвещения. СПб., 1911. Февраль. №8. 284-318-бет.

[19] С а м о й л о в и ч А.Н. Об изменениях в двенадцатилетнем животном цикле у некоторых турецких племен / Известия Таврической ученой архивной комиссии. Выпуск 49. - Симферополь., 1912. 133-138-бет.

[20] С а м о й л о в и ч А. Западный Туркестан. СПб.: Столичная скоропечатная, 1903. 77-78-бетлар; 144-бет.

[21] К р ы м с к и й А. Арабская литература в очерках и образцах. М.:Типолитография Ю.Венер, 1911.

[22] К р ы м с к и й А. Арабская литература в очерках и образцах... 57-бет.

[23] Ўша манба. 62-бет.

табиатшунос ва астроном ва тарихчига, ҳинд фани ва маданияти билан яхшироқ танишиш ва араб фанига кўплаб янгиликлар олиб киришга имкон берди[24], деган фикр бор.

Юқорида қайд этилганидек, Россия шарқшунослари дастлаб Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Ҳиндистон" асари билан таниш бўлганлар. 1912 йилда Россия шарқшунослик марказларидан бири ҳисобланувчи Император Фанлар академияси бўлими – Осиё музейига Леонид Богданов томонидан аниқланган (кейинчалик Ленинград қўлёзмаси деб ном олган) XIII асрда кўчирилган "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарининг қўлёзмаси келиб тушган (қўлёзма 619 рақамли рўйхат билан сақланган). Мазкур қўлёзма, эътироф жоиз бўлса, Россия шарқшунослигида Берунийнинг илк ва тўлиқ мазмундаги асаридир. Унинг матни Э.Захау нашридан анча тўла бўлиб, нашрнинг айрим қисмларини тўлдирарди. Жумладан, қўлёзмада суғдликлар ва хоразмликларнинг байрамлари ва йил ҳисоблари, монийлик дини, зиёрийларнинг шажараси ҳақидаги маълумотлар бор эди. Осиё музейининг ўша пайтдаги директори эроншунос академик К.Г.Залеман 1912 йилда мазкур қўлёзмага бағишланган немис тилида ёзилган мақоласини эълон қилди[25]. Унда Э.Захау нашри билан солиштирув асносида янги материалларнинг арабча матни ва нашрга айрим тузатишлар берилган.

Осиё музейидаги Ленинград қўлёзмаси устида машҳур шарқшунос И.Ю.Крачковский ҳам иш олиб борган. У ўз хотираларида К.Г.Залеманнинг унга мурожаати туфайли XVIII асрда яратилган "Хронология"нинг ажойиб нусхаси билан танишиш имконига эга бўлганлигини ёзган. Ҳатто олим қўлёзмадаги Э.Захау нашрини тўлдирувчи қисмларини кўчириб олиб кейинроқ уларни чоп этмоқчи ҳам бўлган[26]. Ушбу кўчирмалар узоқ вақт И.Ю.Крачковскийнинг иш столида турган, 1941-1943 йиллардагина у асар устида ишлашга муваффақ бўлган. Олимнинг сўзларига кўра, аслида XIX аср ўрталарида Сулаймония масжидида юқорида тилга олинган қўлёзмадан ташқари "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"нинг яна бир қўлёзмаси бўлган. Аммо араб эммигрант адабиётшуноси Риакиллоҳ Хассуннинг 1868 йилда берган маълумотига кўра, у 60-йиллардаёқ йўқолиб қолган[27].

---

[24] Крымский А. 80-бет.

[25] Saleman CG.H. Zur HandschriftenKunde. I. Al-Biruni's Al-Atar al-Bagiyah/ Известия Императорской Академии наук. Шестая серия. Том VI. №14. СПб. 1912. 861-870-бетлар. Шунинглек, Melanges asiatiques, tires du Bulletin de I. Academie des sciences de St.-Peterbourg. T.XV. 1912. 509-518-бетлар.

[26] Крачковский И. Ю. Над арабскими рукописями. Листки воспоминаний о книгах и людях. Избранные сочинении. Том 1. М.-Л.: 1955. 63-бет.

[27] Крачковский И. Ю. "Благодатный огонь" по рассказу Беруни и других мусульманских писателей X-XIII в. // Христианский Восток, III. (1914), 1915. 225-242-бетлар

Беруний асарининг мазкур қўлёзмасида Э.Захау нашрини тўлдирувчи яна бир маълумот бор. Шарқшунос И.Ю.Крачковский 1914 йил 24 апрелда Императорнинг Рус археологик жамияти йиғилишида маъруза қилган. Ушбу маъруза 1915 йилда "Христианский Восток" журналида айрим тузатишлар билан босилиб чиққан[28]. Мақола "Мукаддас санали олов" ал-Бируни ва X-XIII асрларнинг бошқа мусулмон ёзувчилари ҳикоялари асосида" деб номланган. Унда муаллиф "Хронология"ни Император Фанлар Академияси Осиё музейида сақланувчи қўлёзмалар орасида етакчи ўринда бўлиши лозимлигини қайд этиб, Беруний христианларнинг Пасха байрами арафасида Қуддусда ўтказилган эҳтиросли шанба маросими ва маросим пайтида ижро этиладиган урф-одат ва маросимлар, уларнинг иштирокчилари ҳақида ёзиб қолдирган маълумотларини бошқа манбалар билан солиштирган. Мақоланинг хулоса қисмида эса мазкур маълумотлар бошқа манбалардаги маълумотлардан нафақат қадимийлиги, балки ички қимматига кўра ҳам муҳимроқ эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, И.Ю.Крачковский фикрича, ёритилаётган маросимни баён қилишда Берунийнинг ўзга динга нисбатан бағрикенглиги ўрта асрлар христианлик дунёсида мусулмонларга нисбатан учраши қийиндир[29].

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва ижоди қисқача тарзда 1915 йили яна бир бор Рус энциклопедиясидан ўрин олган[30]. Унинг учинчи жилдидан жой олган аллома ҳақидаги мақола муаллифи ҳам И.Ю.Крачковскийдир. Машҳур шарқшуноснинг тадқиқотларини кузатар эканмиз, уларда Берунийнинг ҳаёти, ижоди, у қолдирган мероснинг фан ривожидаги аҳамияти ҳақида кўплаб маълумотларни учратамиз. У Берунийнинг "Хронология", "Геодезия", "Китоб ат-Тафҳим", "Маъсуд қонуни", "Сайдана", "Минералогия", "Ҳиндистон" каби асарлари ҳақида яхши маълумотга эга бўлган. Ҳақли равишда берунийшунос деб аташ мумкин бўлган И.Ю.Крачковскийнинг яна бир тадқиқоти 1940 йилда эълон қилинган Берунийга бағишланган мақоласидир. "Араб географик адабиёти" деб номланган тадқиқотнинг каттагина бўлими "Аль Бируни ва Шарқнинг XI аср географлари" деб аталган[31]. И.Ю.Крачковский Берунийнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этар экан, ўзигача мавжуд бўлган барча манба ва адабиётларни чуқур таҳлил қилган, улардан унумли фойдаланган.

Ал Берунийнинг нисбаси форсчада Берунийдир, араб тилида чўзиқ "е"нинг йўқлиги Бируний айтилишига сабабдир, деб изоҳлайди,

---

[28] К р а ч к о в с к и й И. Ю. "Благодатный огонь" по рассказу Беруни...
[29] К р а ч к о в с к и й И. Ю. "Благодатный огонь" по рассказу Беруни... 242-бет.
[30] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Бируни. Русская энциклопедия. Том 3. СПб.: Сеятель, 1915.
[31] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Аль-Бируни и географы XI века на Востоке. Избранные сочинения. Том 4. М., 1957. 244-262-бет.

И.Ю.Крачковский. Берун – "шаҳар ташқарисидан бўлган киши", Абу-р-Райҳон эса райҳонга эга киши демакдир. Олим Берунийнинг генеалогиясини изоҳлашда унинг шеърларига ҳам мурожаат қилган[32]. Унинг фикрича, араб адабиётида Ал-Бируни география соҳасида ном чиқарган бўлса-да, у ёзган асарларнинг номларидан кўриниб турибдики, Бируни нафақат географ, балки ўз даврининг барча фанларини эгаллаган, аввало, математика-физика, сўнгра табиий-тарихий фанлар соҳаларини мукаммал билган кенг дунёқарашли энциклопедист ҳамдир[33]. Шу ўринда қайд этиш лозимки, И.Ю.Крачковский Берунийни араб тилида ижод қилган хоразмлик деб таъкидлайди. У фақат ўз даврида фан тили ҳисобланган араб тилида ижод қилган.

И.Ю.Крачковскийнинг танланган асарларидан ўрин олган "Аль Бируни ва Шарқнинг XI аср географлари" номли мақоласида Берунийнинг "Таҳдид ниҳайат ал-амакин ли тасҳих масофат ал-масакин" (фанда қисқартирилган ҳолда "Геодезия") ва "Ал-асар ал-боқия"нинг 1220 йилги қўлёзмаси варақларининг суратлари берилган[34]. Муаллиф "Хронология", "Ҳиндистон", "Маъсуд қонуни", "Минералогия", "Геодезия", "Фармакогнозия" асарларидаги маълумотлар (асосан географик – Н.А.)ни таҳлил қилган. Шунингдек, мақолада Беруний асарларидан фойдаланган ўрта аср араб географлари ҳақида ҳам сўз юритилган (Ёқут, Абул Фид, ал Мақризий). Бу эса Берунийнинг бизгача етиб келмаган асарлари ҳақида маълумот олишга имкон беради. Масалан, Ёқут ўз асарида Берунийнинг 1031 йилда ёзиб қолдирган "Тақосим ал-ақолим" ("Иқлимлар тақсимоти") асаридан фойдаланган, аммо у бизгача етиб келмаган[35]. И.Ю.Крачковскийнинг эътирофига кўра, Берунийнинг географияга бағишланган алоҳида асарлари сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг йирик асарларида келтирилган маълумотларнинг ўзиёқ унинг географик қарашларини ўрганишга имкон беради[36]. И.Ю.Крачковский Берунийнинг буюклигини шундай исботлайди: унинг қизиққан соҳаларини санашдан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаш осонроқ[37].

И.Ю.Крачковскийнинг бошқа тадқиқотларида ҳам Беруний меросини қиёслаш, унинг асарларига таяниш ва фойдаланиш анъанасини кузатиш мумкин. Масалан, у Ибн Мисковайхнинг Осиё музейида сақланувчи қўлёзмасини Берунийнинг "Хронология"си билан бир ўринга қўйиш мумкинлигини таъкидлайди[38], рус арабшунослиги тарихини тав-

---

[32] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Аль-Бируни и географы XI века на Востоке... 245-бет.
[33] Ўша манба. 247-бет.
[34] Ўша манба. 246-бет, 253-бет.
[35] Ўша манба. 251-бет.
[36] Ўша манба. 251-бет.
[37] К р а ч к о в с к и й И.Ю. Ўша манбаа 247-бет.
[38] К р а ч к о в с к и й И.Ю. Избранные сочинения. Том 6. М-Л.: Издательство АН СССР, 1960. 382-бет.

сифлашда унинг номи ва асарларини келтиради[39], XV аср муаллифи Абул Фазлни ("Айнул Акбарий" асари) Беруний билан солиштириб, Берунийни мустақил мулоҳаза, санскрит тили ва юнон фалсафасини яхши билганлиги билан фарқланишини баён қилади[40] ва ҳ.к.

1945 йилда И.Ю.Крачковский Беруний ижоди билан боғлиқ яна бир мақоласини эълон қилган. Мақола Берунийнинг Гомер ва юнон тилидан хабардорлиги масаласига бағишланган[41]. Муаллиф ўрта аср арабнавис муаллифларининг Гомер достонларини шунчаки эшитганлари ва ундан ҳеч бир аҳамиятсиз эслатмалар келтиришлари ҳамда ундан иқтибослар келтирмасликлари ҳақидаги мутахассисларнинг фикрига қўшилади. И.Ю.Крачковский шундай ёзади: "Тўла ишонч билан қайд этиш мумкинки, ал Бируни "Ҳиндистон" асарида Гомер достонларидан иқтибос келтирганда, мазкур иқтибослар асарни юнонча матнидан аниқликлар билан олинган"[42]. У Беруний Гомер асарларини тўлиқ билганми ёки парчаларидан хабардорми, бу ҳали аниқ эмас, аммо унинг юнон тилидан бохабарлигига шубҳа йўқ деб ҳисоблаган. Машҳур шарқшуноснинг тадқиқотларини 1950 йилда Беруний вафотининг 900 йиллигига бағишланган тўпламдан ўрин олган "Беруний ва унинг Шарқ географияси тарихидаги роли" деб номланган мақола якунлайди[43]. Ушбу мақола аввалги тадқиқотларнинг мантиқий якунидир.

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар ва унинг асарларига асосланган ҳолда яратилган тадқиқотлар яна бир шарқшунос олим В.В.Бартольдга тегишли. Россия шарқшунослигида Ўрта Осиёнинг тарихи бўйича йирик тадқиқотларни амалга оширган академик ўзининг дастлабки тадқиқотларидан бирида Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида келтирилган хоразмликлар йил ҳисоби ҳақидаги маълумотларга таяниб Амударёнинг қуйи оқими ва Орол денгизи ҳудуди тарихига оид янги илмий натижаларни эълон қилган[44]. Ислом оламининг тарихшунослигига бағишлан-

---

[39] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Очерки по истории русской арабистики. Избранные сочинения. Том 5. М-Л.: Издательство АН СССР, 1958. 184-бетлар.

[40] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Избранные сочинения. Том 4. М-Л.: Издательство АН СССР, 1957. 529-530-бетлар.

[41] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Гомер и ал-Бируни/ Известия АН СССР. Отделения литературы и языка. IV. Выпуск 5. М., 1945. с. 200-205. Избранные сочинения. Том 1. М-Л.: Издательство АН СССР, 1955. 580-587-бетлар.

[42] Ўша манба. 585-бет.

[43] К р а ч к о в с к и й И. Ю. Бируни и его роль в истории восточной географии / Бируни. Сборник статей. АН СССР. Отделение истории и философии. М.Л.: 1950. 55-73-бетлар.

[44] Б а р т о л ь д В.В. Сведения об Аральском море и низовьяхъ Амударьи с древнейших времен до XVII века. Известия Туркестанского отдела императорского русского географического общества. Том IV. Научные результаты Аральской экспедиции снаряженной Туркестанского отдела императорского русского географического общества. Выпуск II. –Т.: Типография штаба Туркестанского Военного округа. 1902. 46-бет.

ган "Тарих. Мусулмон дунёси." номли китобида эса В.В. Бартольд Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Ҳиндистон" асарига доир фикрлар берган. Китобда Абу Райҳон Беруний эронлик деб тилга олинган[45]. Ваҳоланки, анча аввал эълон қилинган Плюшарнинг энциклопедик лексиконида ҳам, Рус энциклопедиясида ҳам Берунийнинг хоразмлик эканлиги қайд этилган эди. Шунингдек, ўша даврларда И.Ю. Крачковский томонидан эълон қилинган Берунийнинг хоразмлик эканлиги ҳақидаги тадқиқотлари нима учундир В.В. Бартольднинг назаридан четда қолган, унинг кейинги ишларида ҳам ушбу хато такрорланганлигини кўрамиз.

Академик В.В.Бартольд Беруний шахсига таъриф берар экан, "Ёдгорликлар"ида у кенг билим ва беғараз муносабат билан маълумотларни баён қилганлигини қайд этган, ҳиндлар эътиқоди фавқулодда умуминсоний руҳият ва умуминсоний диний масалалар нуқтаи-назаридан кўриб чиқилганига тан берган[46]. Беруний ўз асарларида иқтибос келтирган муаллифларнинг асарлари ўша пайтда ҳали маълум бўлмаганлиги боис В.В.Бартольд, XI асрда қандай қилиб шундай кенг дунёқарашга ва илмий тадқиқот талаблари борасида шунчалик чуқур тушунчага эга мусулмон олими вояга етганини тушунтириш қийин[47], деб ёзган. Китобда, шунингдек, Шахристоний исмли муаллиф Берунийдан бир аср кейин яшаганлиги ва ўз асарида Берунийнинг асарларидан фойдаланганлиги ҳақида маълумот келтирилган[48]. В.В.Бартольднинг яна бир мақоласида Берунийнинг "Хронология" асарига исломгача бўлган даврда хоразмшоҳларнинг хронологик тартибланган келиб чиқишига доир ягона манба[49], дея таъриф берган.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар тарихи бўйича етук мутахассиси бўлган В.В.Бартольд тадқиқотларида Берунийнинг ҳаёти ва ижодига доир яна кўплаб маълумотларни учратиш мумкин: "Мутахассислигига кўра математик ва астроном бўлган эса-да, тарихий асарлар ҳам ёзган. Унинг (Берунийнинг) "Хоразм тарихи" номли асари бизгача етиб келмаган"[50]. Шунингдек, Берунийнинг Урганчда, Маъмун саройида яшаган йилларига оид маълумотлар ҳам бор[51].

В.В.Бартольд "Мусулмон маданияти" китобида эса Абу Райҳон Берунийнинг таржимаи ҳолини қисқача баён қилган. Китобда аллома

---

[45] Б а р т о л ь д В. В. История. Мусульманский мир. Выпуск 22. Петербург.: Наука и школа, 1922. 59-бетлар.
[46] Ўша манба.
[47] Б а р т о л ь д В. В. История. Мусульманский мир... 59-бет.
[48] Ўша манба. 60-бет.
[49] Б а р т о л ь д В. В. Статьи из энциклопедии ислама. Хорезмшах. Избранные сочинения. Том 2. Часть 2. М.: Наука, 1964. 535-бет.
[50] Б а р т о л ь д В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Б а р т о л ь д В. В. Избранные сочинения. Том 1. М.: Издательство восточной литературы, 1963. 66-бет.
[51] Ўша манба. 337-бет.

диний қарашларига кўра шиа мазҳабига мансуб, деб ёзилган[52]. Беруний асарларининг халқ орасида ва XIX асргача Европада кенг тарқалмаганлигининг сабабини эса муаллиф уларни тушуниш қийинлиги билан изоҳлайди ва буни алломанинг ўзи ҳам (фақат олимлар учун мўлжалланган) баён қилганлигини асос қилиб келтиради. Аммо мазкур китобда Берунийнинг бир асарининг Испаниядаги таржимаси ҳақидаги маълумот қимматлидир: "XII асрда испаниялик яҳудий Иброҳим ибн Эзрой Берунийнинг астрономик жадваллар ҳақидаги китобини яҳудий тилига ўгирган[53].

В.В.Бартольднинг берунийшуносликка қўшган яна бир хизмати бор. Гап шундаки, у 1926 йили Истамбулга илмий сафари чоғида Султон Фотиҳнинг кутубхона фондида №3386 рақам билан сақланаётган Берунийнинг ҳали Россия шарқшунослиги учун номаълум бўлган яна бир асарини топган ҳамда Амударё делтаси тарихига оид маълумотлари бўлган қисмларининг араб тилидаги матнини кўчириб олган. Аммо ушбу матн ва унга доир тадқиқотлар турли сабаблар туфайли амалга ошмай қолган. В.В.Бартольд вафотидан (1930 йил) ўн йил ўтгачгина бошқа бир шарқшунос С.Л.Волин унинг архивидан топишга муяссар бўлган. Араб тилида "Таҳдид ниҳайат ал-амакин ли тасҳиҳ масафат ал-масакин", ўзбек тилида эса "Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш" деб номланган асар "Геодезия" деб аталади[54]. Машҳур берунийшунос П.Г. Булгаковнинг фикрига кўра, юқоридаги кўчирма Беруний "Геодезиясини ўрганишда янги илмий босқични бошлаб берган[55].

Россия шарқшунослигида Берунийнинг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотларни кузатар эканмиз, уларда алломанинг туғилган жойи, халққа мансублигига доир маълумотлар турлича эканлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, 1836 йилги "Энциклопедик лексикон"да Беруний хоразмдан чиққан араб географи, И.Ю.Крачковский тадқиқотларида араб тилида ижод қилган хоразмлик, В.В.Бартольд асарларида эса эронлик деб қайд этилган. Фикримизча, улар орасида И.Ю.Крачковский берган таъриф тўғри бўлиб, кейинги даврда амалга оширилган тадқиқотлар мазкур таъриф тўғри эканлигини кўрсатди.

---

[52] Б а р т о л ь д В. В. Культура мусульманства. Избранные сочинения. Том 4. Москва.: Наука, 1966. 181-183-бетлар.
[53] Ўша манба. 181-183-бетлар.
[54] Мазкур асар ҳақидаги илк маълумотлар XIX асрнинг 80-йилларига тааллуқлидир. У ҳақда Истамбул кутубхоналарида тўпланган қўлёзмалар рўйхати – дафтарда бор-йўғи бир сатр маълумот бор. 1913 йилда О.Решер Ламли масжидидаги қўлёзмалар тўпламига бағишланган китобида асар ҳақидаги энг умумий маълумотлар берилган. Хорижлик берунийшунос Э.Видеманга "Геодезия" илк марта мазкур асардан иқтибос келтирган ал Мақризий асаридан маълум бўлган.
[55] Б у л г а к о в П. Г. Жизнь и труды Беруни. Тошкент: Фан, 1972. 162-бет.

Умуман олганда, Россия шарқшунослигида Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва ижодига баҳо беришда илк уринишлар ва тўғри ёндашувни кўриш мумкин. Шу қаторда аллома ҳақида маҳаллий манбаларнинг пайдо бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Вақт ўтиши билан Беруний даҳосини янада ёрқинроқ очиб берувчи янги манбалар, янги материаллар қўлга киритила борди. XX аср Берунийнинг фаолият тарихшунослигида 1917 йилга қадар бўлган Россия шарқшунослиги буюк алломани ўрганишда бошланғич, аммо салмоқли босқич бўлиб қолди.

*Н. Абдуллажанова*

## ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ В ИССЛЕДОВАНИЯХ РОССИЙСКИХ ВОСТОКОВЕДОВ

В статье предпринята попытка историографического анализа о жизни и деятельности Абу Райхана Беруни в российском востоковедении (XVIII – первая половина XX века). В частности, в ней анализируются исследования известных российских востоковедов В.В.Бартольда и И.Ю.Крачковского. По мнению автора, знакомство российского востоковедения с наследием ал-Беруний происходило первоначально через его труды «Хронология» и «Индия», опубликованные немецким исследователем Э.Захау.

*N. Abdullajanova*

## THE LIFE AND CREATIVITY OF ABU RAYKHAN AL-BIRUNI IN THE RESEARCHES OF RUSSIAN ORIENTAL STUDIERS

This article is devoted to the historiographical analysis of researches of Russian oriental studiers ($18^{th}$ – the first half of $20^{th}$ century) about life and activity of Abu Raykhan al-Biruni. In particular it analyzed the works of well-known Russian oriental studiers such as V. Bartold and I. Krachkovski. According to the author's opinion, Russian oriental studies had been familiar with Beruni's heritage due to the latter's prominent works "The Chronology" and "India" which were published in $19^{th}$ century by the German scholar E.Sachau.

*Тарихий статистика ва ахборот*

*Е. Пустовая*

# ЦЕНОВАЯ ДИНАМИКА КАК ПОКАЗАТЕЛЬ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ В СЕРЕДИНЕ XIX ВЕКА (1865–1888гг.)

В середине XIX народы Средней Азии переживали непростой переходный период. Завоевание Царской России коренным образом изменило жизнь местных народов. Происходившие события меняли не только политическое и общественное устройство, но и вся экономка подвергалась необратимым изменениям. Военные действия, меняющиеся направления уровня, качества и количества внешней торговли - все это оказывало непосредственное влияние на внутреннюю торговлю, финансовую систему и уровень цен на различные товары.

В данное время не существует однозначного определения категории «уровень жизни населения», в связи, с чем дискуссионным является и вопрос о перечне показателей, необходимых для адекватной ее статистической характеристики. Весьма распространенным является метод, в соответствии с которым, уровень жизни определяется, прежде всего, как совокупность товаров и услуг, которыми располагает отдельный человек, семья или социальная группа населения. При этом, одним из наиболее важных параметров уровня жизни, как правило, считается такой показатель как доход, определяющий возможность приобретать товары и услуги и потребительская корзина (ассортимент товаров, характеризующий уровень и структуру месячного потребления человека или семьи). Сюда относятся такие продукты как: хлеб и макаронные изделия, картофель, овощи и бахчевые, фрукты свежие, сахар, мясопродукты, рыбопродукты, молоко, яйца, масло растительное, маргарин и другие жиры, соль, чай, специи.

Мы рассмотрим цены на такие необходимые товары, как пшеница, сахар, мясо, чай.

Цены на хлеб были следующими:

| Дата | Место | Цены |
|---|---|---|
| 1864 | Катта-Курган | Пшеница – 2 р. 80 к., ячмень – 2 р. 20 к. за батман[1] |
| 12.1864-10.1865 | Форт №1 | Пшеница – 1р., рожь – 50 к., ячмень - 50 к.[2] |
| 1865 | Катта-Курган | Пшеница – 2 р. 80 к., ячмень-2 р. 40 к. за батман[3] |
| 1866 | Джанкенд, Каракум | Пшеница 75 к. – 85 к. за пуд, ячмень 45-50 к.[4] |
| 1866 | Катта-Курган | Пшеница 3р. 20 к., ячмень 2 р. 20 к. за батман[5] |
| 1868 | Форт №1 | Пшеница 75 к.-80 к. за пуд[6] |
| 1867 | Катта-Курган | Пшеница 3р. 20 к., за батман[7] |
| 1868 | Катта-Курган | Пшеница 4 р., за батман[8] |
| 1869 | Катта-Курган | Пшеница 3 р. 20 к., за батман[9] |
| 1870 | Катта-Курган | Пшеница – 14 р. 40 к., за батман[10] |
| 1871 | Катта-Курган | Пшеница 8 р., за батман[11] |
| 1-16.05. 1871 | Самаркандский отдел | Пшеница высший сорт – 10 р. 80 к., низший – 9 р. 20 к., за батман[12] |
| Зима 1872 | Ургут | Пшеница высш. сорт 9 р.-9 р. 60 к., низший 7 р. 20 к. – 7 р. 60 к., ячмень – 5 р. 60 к.[13] |
| Зима 1872 | Пенджикент | Пшеница высший сорт 9 р.-9 р. 20 к., низший – 6 р. 40 к.[14] |
| Февраль 1873 | Джизак | Пшеница 3 р.-7 р. за батман[15] |
| 1874 | Туркестанская область | Пшеница – 12 р. за четверть[16] |

[1] Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. № 18.
[2] Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки П.И. Пашино. СПб. 1868 // Туркестанский сборник. т. 14. СПб. 1869. С. 28
[3] Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. № 18.
[4] Туркестанский край в 1866 году… // Туркестанский сборник. т. 14. СПб. 1869. С. 26
[5] Туркестанские ведомости. 8 мая 1872. № 18.
[6] Очерк внутренней торговли Киргизской степи. Сборник сведений по Министерству финансов. 1867. №8 и №9 // Туркестанский сборник. т. 5. С. 323
[7] Там же.
[8] Там же.
[9] Там же.
[10] Там же.
[11] Там же.
[12] Туркестанские ведомости. 1871. 14 июня. № 20.
[13] Сведения о ценах на разные товары на Ургутском и Пенджикентском базарах // Туркестанские ведомости. 1872. 6 марта. № 10.
[14] Сведения о ценах….// Туркестанские ведомости. 1872. 6 марта. № 10.
[15] Заметки о хребте Нурын-Тау // Туркестанские ведомости. 1873. 27 февраля. № 9.
[16] Биржевые ведомости. 1874. №274 // Туркестанский сборник… СПб. т. 73. С. 50.

| | | |
|---|---|---|
| 14.09.1874 | Аулие-Ата | Пшеница 2р. 40к.-2р. 60к. за батман[17] |
| Осень 1874 | Чимбай (Амударья) | Пшеница – 60 к. за пуд[18] |
| 1876 | Ташкент | Ячмень 2 р. 60 к. – 2 р. 70 к., пшеница 3 р. 20 к.-3р. 40 к. за батман (11 пудов)[19] |
| 1876 | Чимкент | пшеница 2 р. 80к.- 3р. за батман (10 пудов)[20] |
| 1876 | Аулие-Ата | пшеница 2р. 40к.-2р. 60к. за батман (12 пудов)[21] |
| 1876 | Туркестан | за пуд, пшеница 38-40 к.[22] |
| Зима 1876 | Куляб, Кобадиан | Пшеница-5 тенег (1 р.), за 1 батман[23] |
| 1877 | Чиракчинское бекство | пшеница 5 р. 20 к. – 5 р. 80 к. за батман в 10 пудов[24] |
| 1877 | Гузарское бекство | пшеница 5 р - 5р. 20 к. за батман в 10 пудов[25] |
| 1877 | Ширабадское бекство | Пшеница 2 р.- 2р. 30 к.[26] |
| 1877 | Туркестан | пшеница 44 к.-45 к. за пуд[27] |
| 1877 | Аулие-Ата | пшеница 3р. 20 к.-3р. 80к. за батман (12 пудов)[28] |
| 1877 | Чимкент | пшеница 3р. 40 к. – 4р. 20 к. за батман (10 пудов)[29] |
| 1877 | Ташкент | Ячмень 3р. 40 к. – 3р. 80 к., пшеница 4р. 50 к.-5 р. за батман (11 пудов)[30] |
| Декабрь 1877 | Зарафшанский округ | за пуд, пшеница озимая – 50 к., пшеница яровая – 55 к.[31] |
| 30.12.1877 | Бухара | Пшеница – 70 к. за пуд[32] |
| 1878 | Ширабад | Пшеница – 6р. 20 к.- 6р. 40к. – 7р. 20к., за батман[33] |

[17] Торговые заметки // Туркестанские ведомости. 1874. 24 сентября. № 38.
[18] Амударьинский край // Туркестанские ведомости. 1875. 21 января. № 4.
[19] Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. № 35.
[20] Там же.
[21] Там же.
[22] Там же.
[23] Очерки Гиссарского края. От Куляба до Кобадиана // Туркестанские ведомости. 16 марта 1876. №11.
[24] Туркестанские ведомости. 1879. 2 января. № 1.
[25] Там же.
[26] Там же.
[27] Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. № 35.
[28] Там же.
[29] Там же.
[30] Там же.
[31] Из Самарканда // Туркестанские ведомости. 1878. 7 марта. № 10.
[32] Там же.
[33] Туркестанские ведомости. 1879. 2 января. № 1.

| | | |
|---|---|---|
| · 1878 | Келиф | Пшеница-4р. 20к. за батман[34] |
| 1878 | Туркестан | пшеница 70к. - 95к.[35] |
| 1878 | Чимкент | пшеница 5 р. 50 к. – 8 р. за батман (10 пудов)[36] |
| 1878 | Аулие Ата | пшеница 4р. 50 к.- 6р. 60 к. за батман (12 пудов)[37] |
| Январь 1878 | Самарканд | пшеница озимая – 1р. 12к., пшеница яровая – 1р. 20к.[38] |
| Февраль 1878 | Джизак | В начале месяца пшеница 4р. 20к.–10р. за батман, в конце: пшеница–1р.[39] |
| Март 1878 | Самарканд | Мука пшеницы озимой – 10 р. 46 к. за 8 пудов, яровой – 9 р., пшеница озимая – 8 р., яровая – 9р. 20 к.[40] |
| Март 1878 | Чилек | пшеница озимая – 7 р. 20 к., яровая – 8 р. 80 к., за 8 пудов[41] |
| Осень-зима 1878 | Наманганский уезд | Пшеница 2 р. 40 к.[42] |
| 1879 | Аулие Ата | пшеница 6 р. – 7 р. за батман (12 пудов)[43] |
| 1879 | Чимкент | пшеница 6 р.- 8 р. за батман (10 пудов)[44] |
| 1879 | Наманган | Пшеница 3р. – 4 р.[45] |
| 1879 | Джизакский район | Пшеница 5р. 80 к. – 6р. 90 к. за батман за батман[46] |
| 1879 | Зерафшанский округ | пшеница 6р. за батман[47] |
| 1879 | Туркестан | пшеница 90 к.-1р. 20 к.[48] |
| 1880 | Туркестан | пшеница 1р. 50 к. – 2 р.[49] |
| 1880 | Чимкент | пшеница 12 р.-15 р. за батман в 10 пудов[50] |
| 1880 | Аулие Ата | пшеница 12 р.-15 р. за батман в 12 пудов[51] |
| 15.06.1880 | Самарканд | Пшеница 8р. 50к. – 9р. за 8 пудов[52] |

34 Там же.
35 Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. № 35.
36 Там же.
37 Там же.
38 Из Самарканда // Туркестанские ведомости. 1878. 7 марта. № 10.
39 Там же.
40 Из Самарканда // Туркестанские ведомости. 1878. 4 апреля. № 14.
41 Там же.
42 Очерки земледелия в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. 22 июля. №29.
43 Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. №35.
44 Там же.
45 Очерки земледелия в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. 22 июля. №29.
46 Заметки по Джизакскому району // Туркестанские ведомости. 1880. 20 мая. №20.
47 Заметки по Зарафшанскому округу // Туркестанские ведомости. 1880. 13 мая. №19.
48 Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. №35.
49 Там же.
50 Там же.
51 Там же.

| | | |
|---|---|---|
| Июль 1880 | Наманган | Пшеница 3р. 80 к. – 6 р.[53] |
| Август 1880 | Казалинск | за пуд, пшеница – 2р. 50 к.[54] |
| 30.09.1880 | Самарканд | Пшеница 5 р. за батман (8 пудов)[55] |
| 1882 | Самаркандский удел | Пшеница 4р. 61к. – 5р. 17к. за батман в 8 пудов[56] |
| Апрель 1883 | Казалинск | Пшеница за 1 пуд – 30к. (осенью цена доходит – 1р. 20 к.)[57] |
| 30.09.1884 | Фергана | Пшеница 86 к. за пуд[58] |

Из таблицы видно, что пшеница в середине 60 х годов в среднем стоила 75 к. - 85 к. за пуд, ячмень 45-50 к.[59], в 70 гг. цена пшеницы возросла до 70к. - 95 к.[60] и 80 гг. она так и колебалась в пределах 80 к. за пуд.

Конечно, в разных регионах цены были различными, например в Ташкенте в 1876 году пшеница стоила 3 р. 20 к.-3р. 40 к. за батман (11 пудов)[61], в Чимкент - 2 р. 80 к.- 3р. за батман (10 пудов)[62], а в Аулие-Ата - 2р. 40к. - 2р. 60к. за батман (12 пудов)[63]. Но общая картина везде одинакова, во время Российского завоевания цены на пшеницу выросли везде.

Для Ташкента эти колебания выглядели в следующих пределах:

| № | Годы | Средняя цена за батман |
|---|---|---|
| 1 | 1866 | 7,5 |
| 2 | 1868 | 5,5 |
| 3 | 1869 | 5,5 |
| 4 | 1870 | 4 |
| 5 | 1871 | 12 |
| 6 | 1872 | 12 |
| 7 | 1873 | 5,5 |
| 8 | 1875 | 3,5 |
| 9 | 1877 | 4,1 |
| 10 | 1878 | 6 |
| 11 | 1879 | 8,5 |
| 12 | 1880 | 17,5 |

52 Туркестанские ведомости. 1880. 30 сентября. №39.
53 Очерки земледелия в Наманганском уезде //Туркестанские ведомости. 1880. 22 июля. №29.
54 Из Казалинска // Туркестанские ведомости. 1880. 5 августа. №31.
55 Туркестанские ведомости. 1880. 30 сентября. №39.
56 Туркестанские ведомости. 1883. 1 ноября. №43.
57 Из Казалинска // Туркестанские ведомости. 1883. 26 апреля. №16.
58 На пути // Туркестанские ведомости. 1884. 2 октября. №39.
59 Туркестанский край в 1866 году… // Туркестанский сборник. СПб. 1869. т. 14. С. 26.
60 Экономические заметки // Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. №35.
61 Там же.
62 Там же.
63 Там же.

Цены на сахар также подвергались значительным колебаниям

| Дата | Место | Цены |
|---|---|---|
| 1866 | Форт № 1 | Сахар 16 р. за пуд[64] |
| 1866 | Форт № 1 | Сахар – 13 р. за пуд[65] |
| 1868 | Верный | 16 р. – 24 р. за пуд.[66] Сахар |
| 21.04.1871 | Ташкент | Сахар – 10 р. – 11 р. 50 к.[67] |
| 1-16.05. 1871 | Самаркандский отдел | Сахар – 11 р. за пуд.[68] |
| 1-16.05. 1871 | Катта-Курган | Сахар – 12 р. за пуд.[69] |
| 10.08.1871 | Коканд | Сахар – 12 р. 35 к. (3,25 тилли) за пуд.[70] |
| 20.08.1871 | Бухара | Сахар – 10 р. 80 к. (54 теньги) – большая головка,- 11 р. 20 к. (56 теньги) – мелкоголовый.[71] |
| 30.08.1871 | Ташкент | Сахар – 12 р. – 12 р. 50 к.[72] |
| 16.08. – 1.10.1871 | Катта-Курган | Сахар – 14 р. за пуд[73] |
| 12 – 19.12. 1871 | Ташкент | Сахар – 12 р., за пуд[74] |
| 3.02.1872 | Коканд | Сахар – 11 р. за пуд.[75] |
| 3.02.1872 | Ташкент | Сахар – 13 р. 50 к.- 14 р., за пуд.[76] |
| 3.02.1872 | Бухара | Сахар – 10 – 11 р., за пуд.[77] |
| 2.09.1872 | Ташкент | Сахар – 15 р. – 16 р. за пуд.[78] |
| 14.01.1873 | Ташкент | Сахар – 12 р. – 12 р. 50 к. пуд [79] |
| 2.10.1873 | Ташкент | Сахар – 10 р. 50 к. на деньги, пуд, |
| 3.07.1874 | Ташкент | Сахар – 12 р. за пуд.[80] |

64 Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки П.И.Пашино. СПб. 1868 // Туркестанский сборник. СПб. 1868. т. 14. С. 28.
65 Очерки внутренней торговли Киргизской степи. Сборник сведений по Министерству финансов. 1867. № 8 и № 9 // Туркестанский сборник . т. 5 . С. 323.
66 От Семипалатинска до укрепления Верного. П.Галицкий. Санкт-Петербургские ведомости. № 151 // Туркестанский сборник. СПб. 1869. т. 7. С. 265.
67 Туркестанские ведомости. 1871. 3 мая. № 14.
68 Туркестанские ведомости. 1871. 14 июня. № 20.
69 Там же.
70 Туркестанские ведомости. 1871. 16 августа. № 29.
71 Туркестанские ведомости. 1871. 28 августа. № 30.
72 Туркестанские ведомости. 1871. 6 сентября. № 31.
73 Туркестанские ведомости. 1872. 21 февраля. № 8.
74 Туркестанские ведомости. 1871. 27 декабря. № 48.
75 Туркестанские ведомости. 1872. 7 февраля. № 6.
76 Там же.
77 Там же.
78 Туркестанские ведомости. 1872. 19 сентября. № 37.
79 Туркестанские ведомости. 1873. 30 января. № 5.
80 Туркестанские ведомости. 1874. 16 июля. № 28.

| | | |
|---|---|---|
| 27.12.1874 | Ташкент | Сахар – 12 р. 20 к. – 12 р. 40 к. пуд р.[81] |
| 1875 | Бухара | сахар 22 фунтовый – 51 теньга за пуд[82] |
| июнь1875 | Ташкент | Сахар – 51,5 – 54 теньги[83] |
| 10.07.1876 | Ташкент | Сахар – 11 р. за пуд[84] |
| декабрь 1876 | Ташкент | Сахар – 9 р. 50 к. за пуд[85] |
| январь 1877 | Ташкент | Сахар – 9 р. 50 к. – 9 р. 60 к.[86] пуд |
| сентябрь 1877 | Ташкент | Сахар – 9 р. 50 к. – 10 р. за пуд[87] |
| февраль 1884 | Ташкент | Сахар – 96 к. за 3 фунта. |

Сахар обычно ввозился из России. В первые годы, после установления российской власти, когда караваны приходили нерегулярно и многие купцы боялись ехать в неизведанный для них край, цены стояли высокие. Все зависило от того, какую цену поставит сам купец, поскольку конкуренции особой не было. "Можно было привозить в Ташкент дешевый, а подчас и бракованный товар и сбывать его здесь за непомерно высокую цену"[88]. Впоследствии, когда караваны стали приходить чаще, цена снизилась. Однако, она продолжала оставаться дорогой по отношению к другим областям, поскольку сахар стали поставлять через Кавказ. Соответственно, он продавался в Бухаре дешевле, чем в Самарканде и Ташкенте[89]. По Ташкенту средняя цена сахара колебалась в следующих пределах.

| № | Дата | Цена за пуд в рублях |
|---|---|---|
| 1 | 1866 | 9,5 |
| 2 | 1871 | 12 |
| 3 | 1872 | 14 |
| 4 | 1873 | 12 |
| 5 | 1874 | 11,5 |
| 6 | 1875 | 10 |
| 7 | 1876 | 10 |
| 8 | 1877 | 9 |

[81] Туркестанские ведомости. 1875. 7 января. № 2.
[82] Стремоухов Н. Поездка в Бухару // Русский вестник. 1875. № 6. С. 665.
[83] Туркестанские ведомости. 1875. 24 июня. № 25.
[84] Туркестанские ведомости. 1876. 13 июля. № 27.
[85] Туркестанские ведомости. 1877. 8 февраля. № 6.
[86] Туркестанские ведомости. 1877. 22 февраля. № 8.
[87] Туркестанские ведомости. 1877. 18 октября. № 41.
[88] Туркестанские ведомости. 1874. 14 мая. № 19.
[89] Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки. СПб. 1876. С. 44.

На мясные продукты были следующие цены:

| Дата | Место | Цена |
|---|---|---|
| 1.12.1864-30.10.1865 | Форт №1 | Сало баранье – 3р. 50к., мясо – 1р. 50 к.[90] |
| 1864-1865 | Катта-Курган | Баранина – 2р. 40к., баранье сало – 4р. за пуд[91] |
| 1866 | Ташкент | Мясо – 2,5 к. за фунт[92] |
| 1866 | | Баранина 2к.-5к. за фунт, цыплята-15к. пара, фазан – 20 к., дикая коза – 5 к. за фунт[93] |
| 1866 | Сырдарья | Осетр 5-10 р.[94] |
| 1866-1868 | Катта-Курган | Баранина 2р. 40к., баранье сало-4р. 40к. за пуд[95] |
| 1868 | Казала | Курица–20 к., осетрина по 2к. и 1,5 к. за фунт, фазаны по 10 к. за шт., свежая икра по 20 к. фунт[96] |
| 1868 | Ташкент | Куры – 15 к. за пару, говядина – 4 к.[97] |
| 1869 | Катта-Курган | Баранина-2р. 80к., баранье сало-4р. 80к. за пуд[98] |
| 1870 | Катта-Курган | Баранина-7р. 20к., баранье сало - 25р. 60к. за пуд[99] |
| 1870 | Ташкент | Фазаны – 15 к. за шт., горная куропатка 15 к. - 20 к. за пару, цыплята – 15 к. пара[100] |
| 1871 | Катта-Курган | Баранина-2р. 80к., баранье сало-7р. 20 к. за пуд[101] |
| 21.04.1871 | Ташкент | Говядина-8 к., баранина 8 к. – 9к. за фунт[102] |
| 25.04.1871 | Ташкент | Баранина – 2р. 60 к. за пуд – 6,5 к. за фунт, лошадиное мясо – 1р. 80 к. – 2р. 40 к. за пуд (т.е. 4,5 к. – 6к. за фунт), курдючное сало высш. сорт – 5р. 60 к., низш. сорт – 5р. 40 к.[103] |

[90] Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки Пашино П.И. СПб. 1868 // Туркестанский сборник. т. 14. 1869. С. 28
[91] Катта-курганский отдел // Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. №18.
[92] Кузнецов В. П. Некоторые заметки о Ташкенте. Натуралист №1-3./Труды ИЦЭО // Туркестанский сборник. т. 5. С. 248.
[93] Туркестанский край в 1866 году… Пашино П.И. // Туркестанский сборник. т. 14. 1869. С. 157.
[94] Там же. С. 157.
[95] Катта-курганский отдел // Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. №18.
[96] Борзны Д., от 14 февраля 1868 г. Петербургская газета. №35-37 // Туркестанский сборник. т.7. СПб. 1869. С. 43.
[97] Д. Борзны, от 4 октября 1868 г. Петербургская газета. №162 // Туркестанский сборник. т. 7. С. 61.
[98] Катта-курганский отдел // Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. №18.
[99] Катта-курганский отдел // Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. №18.
[100] Петербургская газета. 1870. № 91 // Туркестанский сборник… т. 40. 1871. С. 107.
[101] Катта-курганский отдел // Туркестанские ведомости. 1872. 8 мая. №18.
[102] Туркестанские ведомости. 1871. 3 мая. №14.
[103] Туркестанские ведомости. 1871. 17 мая. №16.

| | | |
|---|---|---|
| 1-16.05.1871 | Самаркандский отдел | Говядина – 2р. 40 к., баранина – 3р. 60 к., сало баранье – 8 р. за пуд, курица – 20 к.[104] |
| 1-16.08.1871 | Катта-Курган | Говядина- 2р., баранина - 3р.20к., сало баранье - 9р. за пуд[105] |
| 12.01.1872 | Ташкент | Говядина 2р. 40 к. – 2р. 80 к., баранина – 2р., сало баранье топленное – 5р. 40 к., нетопленое – 4р. пуд, курдючное 13 р. 50 к. – 14р. за 8 пудов[106] |
| Зима 1872 | Ургут | говядина 2р., баранина 2р. – 2р. 80к., курдючное сало – 4р. за пуд[107] |
| Зима 1872 | Пенджикент | Мясо коровье 1 р. 60 к. – 2р., баранина по 2р. 40к., курдючное сало – 4р. 80 к.[108] |
| 1873 | Ходжейли | В дешевое время – 30 тенег, в дорогое время – 6 тилли или 54 теньги за 6 хивинских батманов рыбы[109] |
| 1873 | Бухара | В дешевое время – 60 тенег, в дорогое время 70 – 90 тенег за 6 хивинских батманов рыбы[110] |
| 1873 | Кунград | Осетр 20 к. – 40к. в 1 - 2 пуда[111] |
| 1873 | Ташкент | Фазан 40 – 60 к.[112] |
| 20.08.1873 | Хива | Баранина 6 к. и 10 к. за фунт[113] |
| Лето 1874 | Дельта Амударьи | Осетр – 40 к. за 2 пуда[114] |
| Весна 1877 | Зарафшанский округ | Мясо – 15 к. за 2,5 фунта, сало баранье – 15 к. за 1,5 фунта[115] |
| Весна 1878 | Самарканд | Сало баранье – 8р. 80 к., говядина – 2р. 60 к., баранина – 36р. 40 к., конина – 2р. 80к. за пуд[116] |
| Декабрь 1879 | Ташкент | Мясо 4 к. – 6 к. за фунт[117] |

[104] Туркестанские ведомости. 1871. 14 июня. №20.
[105] Там же.
[106] Туркестанские ведомости. 1872. 17 января. №3
[107] Сведения о ценах на разные товары на Ургутском и Пенджикентском базарах // Туркестанские ведомости. 6 марта 1872. №10.
[108] Сведения о ценах…//Туркестанские ведомости. 1872. 6 марта. №10.
[109] Кун А. От Хивы до Кунграда//Материалы для статистики Туркестанского края. Ред. Маев Н.А. вып. 4. СПб. 1876. С. 218.
[110] Там же. С. 218.
[111] Там же. С. 222.
[112] Туркестанские ведомости. 1873. 1 мая. №17.
[113] Туркестанские ведомости. 1873. 28 августа. № 34.
[114] Туркестанские ведомости. 1874. 13 августа. № 32.
[115] Эксплуатация горного леса в Зарафшанском округе.//Туркестанские ведомости. 1877. 26 апреля. №16.
[116] Туркестанские ведомости. 1878. 4 апреля. № 14.
[117] Туркестанские ведомости. 1879. 18 декабря. №50

| | | |
|---|---|---|
| 10.04.1882 | Ташкент | Говядина 7к.-9к., баранина 10к.-11к. за фунт[118] |
| 1.1-30.2.1884 | Ташкент | Куры – 24 к. за 2 шт.[119] |
| 1887 | Верный | Рыба по 1 р. за пуд[120] |

Здесь мы наблюдаем особенно высокий рост цен, особенно в Ташкенте

| № | Годы | Мясо в коп За фунт |
|---|---|---|
| 1 | 1866 | 2,5 к. |
| 2 | 1868 | 4 к. |
| 3 | 1871 | 6 к. |
| 4 | 1872 | 5,4 к. |
| 5 | 1879 | 4,5 к. |

И конечно ценовые различия по территориям.

Другой товар, который постоянно пользовался спросом – это чай. Популярностью пользовался зеленый чай, хотя и черные чаи, такие как аккуйрюк, кантонский и кяхтинский расходились неплохо. Чай привозили разными путями, через Петропавловск, через Афганистан и Кашгар. И Россия предпринимает различные меры, чтоб ограничить привоз чая из Индии. Поэтому, с 1881 года беспошлинно провозились только кяхтинские чаи, с индийских стали брать 36 копеек с фунта, вместо прежних 15 копеек[121]. Так, если в 1867 году фунт любого черного чая стоил 2 р. 50 к.[122], то в 1882 году индийский чай продавался за 2 р. 20 к. за фунт, кирпичный по 40 - 65 к.[123]. Влияли на торговлю чаем и политические события в Кашгаре. Например, ак-чай стоивший до восстания дунганей – 1 р. 60 к., после него поднялся до 3 р[124].

Сведений о доходах местного населения необычайно мало, мы имеем лишь отрывочные данные по разным территориям.

[118] Туркестанские ведомости. 1882. 20 апреля. № 15.
[119] Туркестанские ведомости. 1884. 24 апреля. № 16.
[120] Рыболовство на Балхаше // Туркестанские ведомости. 1877. 14 апреля. № 15.
[121] Туркестанские ведомости. 1884. 29 мая. № 21.
[122] Туркестанские ведомости. 1882. 7 сентября. № 35.
[123] С у б б о т и н А. П. Чай и чайная торговля в России и других государствах. СПб. 1892. С. 517.
[124] Очерк внутренней торговли Киргизской степи. Сборник сведений по Министерству Финансов. 1867. № 8 -9 // Туркестанский сборник. т. 5. СПб. 1869. С. 300.

| Дата | Место | Профессия | Оплата |
|---|---|---|---|
| 1860 | Кокандское ханство | Нижние чины в армии | На год: 2 мешка муки, 7-10 батманов ячменя, 1 тилля в месяц, выдают: 4 халата, сапоги, рубашка, чалма, тюбетейка, кушак, тёплый халат, шубу, сапоги, тёплую шапку, лошадь, оружие[125] |
| 1863 | Бухара | Войска | 20 теньга в месяц[126] |
| 1866 | Туркестанский край | Рабочим на полях | 2-4 р. в месяц, а также еду: просо и дойную корову[127] |
| 1868 | Ташкент | Конный джигит | 12 р. в месяц[128] |
| 60-е гг. | Ташкент | 1. Судья.<br>2. Члены суда.<br>3. Председатель суда. | 1. 1200р. в год.<br>2. 900р. в год.<br>3. 2400р. в год.[129] |
| 60-е гг. | Туркестанский край | Рабочие на полях | Полная обработка урожая -1/4 часть урожая, со своими орудиями – 1/3 часть, вспашка-60-80 к., борона -30-50 к., посев-20-30к., урока урожая-0,5-1,5 пуда с танапа, молотьба-20-30к., если эти работы производятся орудиями хозяина, то плата в 2 р. меньше[130] |
| 60-е гг. | Бухара | Студенты медресе | 3-5 тилля (45-75р), иногда до 20 тилля[131] |
| 1870 | Ташкент | Наёмный рабочий | 45-50 к.сер. |
| 1871 | Ташкент | Каменщики<br>Рабочие<br>плотники<br>Штукатурщики<br>носильщики | 50-87 к. в день<br>45 к. в день.<br>40к. в день.<br>1р за 3 дня<br>45-50 к. за неделю[132] |
| 1872 | Туркестанский | Гончар | 80 р. в год с одной печи[133] |

[125] ЦГАР Уз. Ф. 715, оп. 1, № 24, л.244.
[126] В а м б е р и А. Город Бухара. Весть № 71//Туркестанский сборник…т.6. С.119.
[127] Туркестанский край в 1866 году. СПб.1868.//Туркестанский сборник. т.14 .С.129.
[128] Д о б р о м ы с л о в А. И. Ташкент в его прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т. 1912. С.99.
[129] Московские ведомости. № 52 // Туркестанские сборник. т.2 С.79.
[130] Ю ж а к о в а Ю. Наши приобретения в Средней Азии. Отечественные записки. № 7-8 // Туркестанский сборник. т.5.С.136.
[131] Казалинский. Бухара. Москва. № 59 // Туркестанский сборник. т.6. С.47.
[132] Туркестанские ведомости. 1871. 4 октября. № 36.
[133] Каталог Туркестанского отдела политехнической выставки составленный членами комиссии М.М. Бродовским, Д.И.Ивановым, И.М. Краузе, А.П. Федченко и О.А. Федченко. М.: 1872 йил С. 38.

| | | | |
|---|---|---|---|
| | край | Художник | рисование узоров: на платке -4 лепешки, на тюбетейке – 5к.[134] |
| 1876 | Коканд | Рабочие на укреплениях | 20 к. в день[135] |
| 1876 | Туркестанский край | Мардикер | 25к.-35 к в день[136] |
| 1879 | Ташкент | Мардикер | 25 к.- 40 к. в день[137] |
| 1879 | Бухара | Мардикёр | Не выше 15 к. в день[138] |
| 1870-е гг. | Мерв | Прачки | 15р. – 30 р. за месяц[139] |
| 1880 | Туркестанский край | Землепашец | 8 - 12 р. за 9 месяцев[140] |
| 1880 | Наманган | Ткач маты | 80 к. в неделю[141] |
| 1880 | Заравшанская долина | Пастух на 1000 баранов от Кундуза до Ургута | 15 р., а также чекмень – 2р. 60к., рубашка со штанами – 1 р. 20к., сапоги – 1 р.60к., табак – 30 к., 10 фунтов муки в день – 2р. 86к.[142] |
| 1881 | Заравшанская долина | Пастухи | Старший – 20р., младший -10 р. в год, а также шапку, сапоги, калоши, 2 рубахи, штаны и халат, кроме жалования: -2 пуда муки и 1 фунт соли в месяц[143] |
| 1883 | Посёлок Николаевский | Наёмный рабочий | 80 р. в год[144] |
| 1884 | Ташкент | Полиция:<br>1. пристав<br>2.старший.<br>3. зав. кварталами<br>4.стражник<br>5. конный джигит.<br>6. пеший джигит. | 1.– 1200 р. в год.<br>2. – 360 р. год<br>3. – 300 р. в год.<br>4. – 300 р. в год.<br>5. – 240 р. в год.<br>6. – 180 р. год.[145] |
| 1886 | Заравшан | Рабочие на полях | Приготовление грядок, высевка семян – 28 к., высадка саженцев – 25 к., очищение от сорняков – 30 к.[146] |

[134] Там же .С59.
[135] ЦГА РУз. Ф. 715, оп.1, № 67, л.186.
[136] М а е в П. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. вып.4. СПб. 1876. С.269
[137] Туркестанские ведомости. 1879. 18 декабря. № 50.
[138] Там же.
[139] Т и х о м и р о в М. Н. Присоединение Мерва к России. М. 1960. С. 166.
[140] Туркестанские ведомости 1880. 15 января. № 3.
[141] Туркестанские ведомости 1880. 12 февраля. № 7.
[142] Туркестанские ведомости 1880. 18 ноября. № 46.
[143] Туркестанские ведомости 1881. 6 января . № 1.
[144] Туркестанские ведомости 1883. 25 октября. № 42.
[145] Туркестанские ведомости. 1883. 25 октября. № 42.
[146] Зеравшанские заметки. Лесной вопрос // Туркестанские ведомости. 1886. 18 февраля.№ 7

| | | | |
|---|---|---|---|
| 80е гг. | Сырдарьинская область | Наемные рабочие | Плата от 0,25 до 0,5 от всего урожая[147] |
| 80е гг. | Ташкент | Учитель | В бедном квартале – 50 р., с ученика. В богатом – 100 р. и более[148] |
| 80е гг. | Туркестанская область | Мираб | 1 р. 70 к.[149] |
| 70-80е гг. | Ургут | 1. Токарь<br>2. Дукчи<br>3. Ткач.<br>4. Красильщик.<br>5. Варитель клея | 1. – 20 р. в год<br>2. – 13,3 р. в год<br>3. – 20 р. в год<br>4. – 15,5 р. в год<br>5. – 15,14 р. в год |
| | Туркестанское генерал – губернаторство | 1. Волостной управитель<br>2. сельский старшина | 1. от 300 до 500 рублей<br>2. не более 200 рублей в год. |
| | Кокандское ханство | 1. Плотники.<br>2. Каменщики<br>3. Мастера по окнам | 1. – 13,33 тилля<br>2. – 28 тилля<br>3. – 11,5 тилля – за одну постройку[150] |

Из этих данных, мы видим, что служащие суда в Ташкенте, полицейские получали примерно 100 рублей в месяц и могли позволить себе купить примерно 200 фунтов мясо по цене 5 коп. за фунт (0,454 кг). При средней цене 80 к. за пуд (16 кг) пшеницы, можно было купить 125 пудов пшеницы, при средней цене за пуд сахара в 11 руб. – получается 9 пудов.

Прачка же получала от 15 до 30 р. в месяц, крестьяне – издольщики примерно 8-12 р. за 9 месяцев[151], ткач маты - 80 к. в неделю[152], т.е. около 3 р. 20 коп. за месяц, мардикер получал от 20 до 40 коп. в день, т.е. 6 до 8 руб. в месяц. Столь большой разрыв в доходах наглядно демонстрирует уровень социальной пропасти между разными слоями населения.

Получается на среднемесячный доход мардикер мог приобрести 16 фунтов мяса, около 8 пудов пшеницы, 1,5 пудов сахара. Это конечно не очень много, если вспомнить, что человеку надо не только хлеб, мясо и сахар, но надо еще приобретать одежду и содержать жилье. К тому же, очевидна разница в возможностях между доходами простых слоев населения и Царской администрации.

---

[147] Гродеков Н. И. Киргизы и Каракиргизы Сырдарьинской области. Т. 1889. С. 118.
[148] Добросмыслов А. И. Ташкент. Ташкент, 1912. С. 219.
[149] Азиатская Россия. СПб. 1914. Т.2. С. 289.
[150] Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. Ташкент, 1973. С. 222.
[151] Туркестанские ведомости 1880. 15 января. № 3.
[152] Туркестанские ведомости 1880. 12 февраля. № 7.

Все эти приведенные данные, еще раз дают возможность расширить наши знания об уровне жизни простого населения Средней Азии в середине XIX века.

*Е. Пустовая*

## XIX АСР ЎРТАЛАРИДАГИ НАРХ ДИНАМИКАСИ ЎРТА ОСИЁ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ КЎРСАТКИЧИ СИФАТИДА (1865-1888 йй.)

Мазкур мақолада «Туркестанские ведомости» газетаси асосида Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги пул билан боғлиқ муносабатлар динамикаси кўрсатилган. Мақолада асосий ахамият биринчи ўринда турадиган махсулотларнинг – буғдой, қанд, гўшт нархларига эътибор қаратилган.

*E. Pustovaya*

## PRICE DYNAMICS AS THE RESULT OF STANDARD OF LIFE OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA IN 2ND PART OF XIX CENTURY (1865-1888yy.)

In given article on the base of considerable number of materials of the newspaper «*Turkestanskie vedomosti*» is shown the price of dynamics standard of living of people of Central Asia. In the centre of attention of an article is the price for necessary goods - wheat, sugar, meat.

*Б. Ирзаев*

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИ

Мусиқа инсоннинг эстетик ва ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади ва унда гўзалликни ҳис этиш туйғуларининг ривожланишига ёрдам беради. Қадимдан Шарқда шеърият, рақс, куй инсон руҳиятига таъсир этувчи буюк восита, деб қаралган. Қадимий миллий мусиқий меросини тиклаш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида миллий давлат сиёсати даражасидаги аҳамиятга молик йўналишга айланди. Ўтган давр мобайнида миллий мусиқа санъати тараққиётида асосан учта тенденцияни кузатиш мумкин. Биринчи йўналиш, бу миллий мусиқий мерос ва уни тиклаш ҳисобланади. Унда ўзбек миллий мусиқий қадриятларининг асоси мақом санъати, бахшилик, фольклорлар, умуман, халқнинг 15 асрдан ортиқ тарихга эга бўлган

қадимий бастакорлик анъаналарида ўз ифодасини топган. Миллий мусиқа санъатининг бу йўналиши ўзининг бетакрор жозибаси, мафтункорлиги билан бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида яшовчи халқларнинг эътиборига сазовор бўлди. Германияда Т.Алиматов, Францияда М.Йўлчиева ва АҚШда А.Исмоилов бошчилигидаги "Мақомчилар ансамбли"нинг чиқишлари бунинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази[1] ва "Олтин мерос" халқаро жамғармасининг ташкил этилиши ўзбек халқининг асрий анъаналари, қадриятларини сақлаб қолиш ва уларни ёшлар онгига янада чуқуррок кириб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди[2]. Мазкур ташкилотлар раҳбарлигида ўтказилаётган "Ҳаваскор мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-танлови", шунингдек, 1999 йил 6 ноябрда "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигининг кенг микёсда нишонланиши[3] ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди. 1999 йилдан Бахши-шоирлар, оқинлар, жиров ва халфаларнинг анъанавий Республика кўрик-танлови ташкил этилиб, бахшичилик санъатини ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони таъсис этилди[4]. 2005 йилдан "Лапар ва ўлан ижрочилари"нинг анъанавий кўрик фестивали[5], 2004 йилдан мунтазам равишда "Ўлан айтгали келдик" Республика анъанавий фольклор кўрик танловлари ўтказиб келинмоқда[6]. 2007 йил Фарғона шаҳрида "Алла" ижрочиларининг Республика анъанавий кўрик танлови ўтказилди ва тадбирдан асосий мақсад шу йўл билан аллани янада кенгроқ тарғиб этиш ҳисобланади[7]. 2005 йилдан Ўзбекистон давлат Консерваториясида "Барҳаёт наволар" туркумидан миллий чолғу ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-фестивали ташкил этилиб, унда карнай-сурнай, чанқовузда, сибизға, лойхуштак ва бўламон созлари чалиш бўйича беллашувлар ўтказилмоқда. Албатта, бу қадриятларда миллат маънавияти, шуури, ғурури, тарихи мужассамлашган.

---

[1] "Маънавият ва маърифат" Республика жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида // "Халк сўзи". 1994 йил 24 апрель.

[2] "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // "Халк сўзи". 1996 йил 10 сентябрь.

[3] "Алпомиш достонининг 1000 йиллиги тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори // Халқ сўзи. 1998 йил 14 январь.

[4] Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Халқ сўзи. 2000йил 15 март.

[5] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 20. Тошкент 2005. 16-17- бетлар.

[6] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 19. Тошкент 2004. 16-бет.

[7] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 24. Тошкент 2007. 26-27-бетлар.

Рақс санъати мусиқий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У миллат ҳаёти ва маданиятида асосий ўрин эгаллайди. Маълумки, рақсда миллат хусусиятлари ва менталитет ўз аксини топади. "Рақс ҳаётнинг талқинигина эмас, ҳаётнинг ўзгинаси ҳамдир"[8] – деган эди, ўзбек рақс санъатининг намояндаси М. Турғунбоева. Ўзбек миллий рақс мактабини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, келажак авлодга етказиб беришда "Ўзбекрақс" бирлашмасининг тузилиши катта воқеа бўлди[9]. Истиқлол йилларида миллий рақс ва унинг сержило анъаналарини сақлаб қолиш максадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулардан, ҳар йили ўтказиладиган М. Турғунбоева номидаги анъанавий рақс танлови, 2003 йил "Чарх-2003" ўзбек фольклор рақс фестивали[10], 2008 йил "Рақс гулшани" анъанавий кўрик танлови каби кўплаб тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин. Танловлар натижасида азалий рақс мактаблари мавжуд бўлган Фарғона, Бухоро ва Хоразм йўналиши билан бирга янги Сурхондарё, Қашқадарё мактабларининг ҳам шаклланаётгани маълум бўлди[11]. Шунингдек, бу соҳани ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг довруғини тиклаш, ўзига хос миллий ўйинлар "Доира рақси", "Катта ўйин", "Тановар", "Лазги" каби қадимий рақсларни тарғиб қилиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. 2001 йил ЮНЕСКО ташкилоти Бойсунни "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий қадриятлар макони" деб тан олди. Дунёнинг 19 та ҳудуди бундай шарафли номга эга бўлганлигини инобатга олсак, бу жаҳон халқлари томонидан Ўзбек халқи маънавий меросига нисбатан юксак эътироф эканлигини англаш мумкин[12]. 2002, 2003, 2004-йиллари ЮНЕСКО шафеълигида "Бойсун баҳори" фестивали ўтказилди[13]. Фонд Форум жамғармасининг лойиҳаларидан бўлган – "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали 2008 йилда Шаҳрисабз яқинида ташкил этилиб, у

---

[8] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 27. Тошкент 2008. 3-4-бетлар.

[9] "Ўзбекистонда миллий ракс ва хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 21.02.1997й. N101 // "Халқ сўзи". 8 январь 1997 йил.

[10] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА №18. Тошкент 2003. 27-бет.

[11] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 27. Тошкент 2008. 3-4-бет.

[12] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҲИСОБОТИ. Тошкент 2010. Муассаса архиви.

[13] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМАси. №19. Тошкент 2004. 8-бет.

2009 йилдан ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказилмоқда. "Асрлар садоси" 2010 йил Ичан-Қалъа (Хива)да[14], 2011 йили Бухоро шаҳрида ўтказилди. 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан асос солиниб, ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" фестивали[15] ҳам ўтган вақт давомида дунё халқлари қўшиқ ва куйлари янграйдиган, юксак саҳнага айланиб улгурди. Фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилиши дунё санъат аҳлида катта қизиқиш уйғотди. Агар 1997 йилда 30 дан ортиқ мамлакат санъат аҳли Самарқандга ташриф буюрган бўлса, 2011 йилда 56 та давлат вакиллари бу тадбирда иштирок этди[16]. И.А.Каримовнинг "Тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъий назар, ер юзидаги юзлаб миллат ва халқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу – мусиқа, бу – оҳанг, бу - тарона" – деган сўзлари қайта-қайта ўз исботини топиб бормоқда[17].

Иккинчи йўналиш, бу замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъати ҳисобланиб, бевосита Бастакорлар уюшмасида иш олиб бораётган ижодкор зиёлилар, композиторлар фаолияти билан боғлиқдир. Ўтган йиллар мобайнида бастакорлар кўпгина саҳна асарларини, опера, балет, мусиқали драмалар, спектакл ва телефильмларга мусиқа, йирик жанрдаги чолғу асарларини яратдилар. Жумладан, Икром Акбаровнинг "Жалолиддин Мангуберди" операси, Тўлқин Қурбоновнинг "Широқ", "Шерзод ва Паризод" балетлари, Анвар Эргашевнинг "Ҳумо" балети, Нуриддин Ғиёсовнинг "Уч оғайни ботирлар" опера – балети, Фарҳод Алимовнинг "Муҳаббатнома" балети, Аваз Мансуровнинг "Ўзга сайёралик робот", "Ҳайвонлар султони" болалар опералари, Қаҳрамон Комиловнинг "Увайсий" телебалети каби йирик мусиқий асарлар яратилди. Шунингдек, истиқлол йилларида қатор йирик жанрдаги чолғу асарлари ҳам дунёга келди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон композиторларининг асарлари бир қатор давлатларда бўлиб ўтган Халқаро фестивал ва концертларда янгради. Хусусан, М.Бафоев – Туркия, АҚШ, Япония, Ҳиндистонда, Д.Сайдаминова – АҚШ, Германия, Нидерландия, Россия, Миср, Испанияда, Ф.Алимов – АҚШ, Хитой, Миср, Испания, Ҳиндистонда, Ф. ва Д.Янов-Яновскийлар асарлари АҚШ, Германия, Франция, Италия,

---

14 Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази АХБОРОТНОМА № 29. Тошкент 2011. 20-бет.

15 "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалини ўтказиш тўғрисида.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. "Халқ сўзи". 12 март 1997 й.

16 Sharq taronalari // www.uza.uz.

17 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Шарқ тароналари"га табрик сўзидан // "Халқ сўзи". 27 август 2009 йил. №169.

Нидерландия, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатларда асарлари муваффақиятли ижро этилди. Бугунги кунда дунёнинг 40дан ортиқ мамлакатларида Ўзбекистон композиторлари яратган асарлар қўйилмоқда. Бу эса ўзбек миллий мусиқасининг жаҳонда танилишида муҳим омил бўлмоқда.

Бир қатор уюшма аъзоларининг мусиқа санъати ривожи ва тарғиботига қўшиб келган улкан ҳиссалари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан – А.Расулов, Д.Илёсовлар, “Буюк хизматлари учун” ордени билан – М.Бурхонов, А.Исмоиловлар, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан – О.Иброҳимов, Ф.Алимов, Б.Лутфуллаев, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан – А.Назаров, М.Бафоев каби Бастакорлар уюшмасининг 38 аъзосининг турли хил давлат орден ва мукофотлари билан тақдирланиши ҳам мусиқа санъатига нисбатан юксак эътибор мисолидир.

Истиқлол даври замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш тарихини ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти Мутаваккил Бурҳонов номи билан бошлаш тўғри бўлади. Унинг барча асарлари оригиналлиги, миллийлиги билан ажралиб туради. Мутаваккил Бурҳонов ҳаёт йўлининг дастлабки босқичи оғир ва қийинчиликлар билан тўла кечди, бироқ ана шу шароитда ҳам композитор тинимсиз ўз устида ишлади ва баракали ижод қилди. Мустақиллик бастакорнинг ижодида янги бир босқични бошлаб берди. У акапелла хори учун “Бухорои Шариф”(Рудакий шеъри) қўшиқлари, Ўзбекистон мусиқаси тарихида биринчи бўлиб, яккахонлар хор ва симфоник оркестр учун беш қисмли “Абадий хотира” номли РЕКВИЕМ яратди. Бу асар қатағон йилларининг бегуноҳ қурбонлари бўлган ўзбек халқининг улуғ фарзандлари А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, У.Носир, Ф.Хўжаев, композиторнинг катта акаси Мисбоҳ, амакилари Масхариддин, Мукаммил ва Муаммир Бурхоновлар хотирасига бағишланди[18].

Истиқлол даврининг яна бир йирик композитори Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаевдир. Композитор томонидан яратилган мусиқий асарлар 400 га яқин бўлиб, 3 та опера, 1та балет, 5 фортепиано концерти, шундан 3таси жаҳон премьераларида қатнашгандир. У бастакорлик ижоди билан бир қаторда, мусиқашунос олим сифатида ҳам фаолият олиб борди[19]. Композиторнинг асарлари, жумладан, «Кимларга хор, кимлар зор» моноопера (М.Мирзо либреттоси, 2004), “Эпитафия” симфоник оркестр учун поэмаси (1998), “Муҳаббат

[18] Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. Тошкент: Янги аср авлоди. 2004 й. 71-бет.
[19] Ўзбекистон Ватаним маним. Тошкент. 1997 й. Опера драматургияси. Тошкент. 2007 й. Фортепиано учун асарлар тўплами. Тошкент. 2008 й.

қўшиғи" симфоник оркестр учун поэмаси (2009), "48 фуга" (2010) каби кўплаб мусиқий ижод намуналари бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда балки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижро этилмоқда. Мустақиллик йилларида композиторларнинг тарихий мавзулар устида асарлар яратиши кўпайди. Хусусан, йирик композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мустафо Бафоевнинг 5 та опера, 6 та симфония, 30 та концерти, 1998 йилда халқаро симфоник ва камер мусиқа фестивалида "Сўғд" фрескалари симфоник поэмаси, 2000 йил фестивалида "Зардуштийлар маросими" оратория-балети, 2000 йилда халқаро "Илҳом ХХ" мусиқа фестивалида фортепиано ва миллий чолғулар учун 8 та мусиқий манзара ("Алпомиш" достони асосида), 2001 йил шу фестивал концертида овоз, камер оркестр, хор, зарбли чолғулар ва фортепиано учун "Зикрал-Ҳақ" номли концертлари қўйилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор, Бахрулло Лутфуллаев 1991 йил "Сарахбори Дугоҳ ва тароналари" асосида хор учун 9 қисмли "Концерт", жўрсиз хор учун "Фироқ"(Навоий сўзи) 9 қисмли туркум яратди. Шунингдек, Ҳабибулла Раҳимов "Рост"(1996й.), хор ва оркестр учун "Баҳоуддин Балогардон"(1993й.), 1999 йил эса Усмон Азим либреттосига "Алпомиш ва Ойбарчин" операларини тақдим этди.

Замонавий ўзбек композиторлик ижодиётининг ютуқларини кенг тарғиб қилиш ва унинг ижро мактабларини анъанавий мусиқа санъати билан муштарак ривожланишини таъминлаш, шунингдек, ижодий ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш мақсадида 1998 йил симфоник фестивали ташкил этилди[20]. Шунингдек, "Куз наволари" Халқаро мусиқа фестивали 2006 йилда Тошкент, Хива ва Урганч шаҳарларида бўлиб ўтди. Уюшма аъзолари ижодининг ҳисоботи тариқасида 2005 йил "Давр садолари I", 2008 йил "Давр садолари II" мусиқа фестивали ўтказилиб, унинг доирасида Ўзбекистон композиторларининг барча жанрларда яратган асарлари опера, оперетта, балет, мусиқали драма, симфония, йирик ва кичик жанрдаги симфоник ва камер чолғу асарлари, вокал мусиқалари янгради. 1998 йилдан буён мунтазам тарзда Назира Аҳмедова номидаги Республика хонандалар танлови, "Ёш бастакорлар", "Ёш мусиқашунослар" Республика танловлари ҳар йили ўтказиб келинмоқда[21]. Кенг жамоатчиликни классик мусиқа намуналари, хусусан, опера санъати ва чолғу мусиқаси билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг бевосита раҳбарлигида телевидение орқали мунтазам кўрсатувлар бериб борилади[22].

---

[20] Халкаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори.29.08.1998й.N 372 // htt:, www. Lex.uz.

[21] Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси ҲИСОБОТИ. Муассаса архиви.

[22] "Жаҳон дурдоналари хазинаси", "Мусиқа дунёси"-Ўзбекистон телевидениясидастурлари.

Миллий мусиқа санъатининг учинчи йўналиши сифатида анча ёш бўлган эстрада санъатини келтириш мумкин. Миллий эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмасининг ташкил этилиши соҳадагиислоҳотлар учун муҳим қадам бўлди[23]. "Ўзбекнаво" сўнгги йилларда Ўзбекистон замонавий эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида муайян ишларни амалга оширди[24]. Кенг жамоатчилик, хусусан ёшлар ўртасида эстрада санъатига қизиқиш кучайиб, янги-янги ижодий гуруҳлар ва хонандалар майдонга чиқди. 2001 йилда "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ташкил этилди ва Кенгаш ҳузурида Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Унинг таркибига Республиканинг кенг мусиқий жамоатчилик вакиллари, таниқли эстрада санъати намояндалари, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилди ва бу кенгаш миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланиб келмоқда[25]. Халқимизнинг мусиқий маданиятини янада ривожлантириш, унинг эҳтиёж ва интилишларини инобатга олиб давлат даражасида бир қатор фестиваллар, кўрик танловлар ўтказилмоқда. Шу мақсадда 1995 йилнинг декабрида "Ўзбекистон – Ватаним маним" мавзуидаги қўшиқлар кўрик танлови эълон қилиниб, ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси "Ўзбекистон – Ватаним маним" қўшиқ байрами куни деб белгиланди[26]. 2009 йил "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови[27], шунингдек, бошқа қатор танловлар ҳам миллий эстрада санъатини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда[28]. Яна бир йирик тадбир, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан иқтидорли ёшларни рағбатлантириб бориш мақсадида "Ниҳол" мукофоти таъсис этилишидир[29]. Миллий эстрада

---

[23] "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 05.04.1996й.N ПФ-1419 // htt:, www. Lex.uz.

[24] Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"1997йил 21 феврал, N 102 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"1999 йил 4 май.N 216 қарори // htt:, www. Lex.uz.

[25] Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори // "Халқ сўзи". 27 июнь 2001й. №125.

[26] "Ўзбекистон-Ватаним маним" қўшиқ байрами ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.27.08.1996й.N ПФ-1550 // htt:, www. Lex.uz.

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрель "Ягонасан, муқаддас Ватан" Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги ПҚ-1091-сон Қарори // htt:, www. Lex.uz.

[28] "Қалбимда Ватан мадҳи", "Ватан ягонадир, ватан биттадир", "Истеъдод", "Марду майдон!"

[29] Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш тўғрисида.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. "Халқ сўзи". 26 август 2000 йил. №166.

йўналишидаги "Ниҳол" мукофоти 2000 йилда – С. Назархон, 2001 йилда – Р.Собиров; 2002 йилда – Р. Ғаниева, 2003 йилда – А. Солиев, 2004 йилда – Г.Мамазоитова каби кўплаб ёш санъаткорларга тақдим этилди[30]. Ўтган давр мобайнида "Ниҳол" мукофоти билан нафақат миллий эстрада, балки ўзбек мусиқий маданиятининг барча йўналишларида ижод қилаётган ёшлар ҳам тақдирландилар. Бугунги кунгача 126 нафар ёш истеъдод эгалари шундай нуфузли мукофотга сазовор бўлди[31]. Ҳозирда миллий эстрада санъатида фольк-поп, фольк-реп йўналишларининг вужудга келаётганлигини ижобий жараён деб баҳолаш мумкин. Бироқ, бу – кучли илмни талаб қилади ва унинг муваффақиятини таъминлаш, уйғунлаштириш учун соҳа вакилларидан фольклорни теран англаш, ҳам эстрада санъатини чуқур илмий билишни талаб қилади. Шу ўринда бугунги кунда ҳам ўзбек миллий эстрадасида анча пухта асарлар яратилган бўлиб, улар кўпгина тингловчиларга эга. Мисол тариқасида, Озодбек Назарбеков, Оғабек Собиров, З.Бойхонова, М.Нурматов каби санъаткорларнинг ижодини келтириш мумкин. Янги-янги изланишлар сифатида С.Назархоннинг "Этно-жаз", М.Намозов, Х.Раҳимова, А.Солиевларнинг бахшиёна оҳангларни миллий эстрадага олиб киришга бўлган ҳаракатлари ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг: "Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлайман"[32] – деган фикрларини келтириш ўринли бўлади.

Умуман олганда ҳар уччала тенденциянинг ҳам илдизи ўзбек миллий мусиқаси ва оҳангларига асослансагина, улар етук асар даражасига эришиши мумкин. Миллий мусиқий мероснинг гултожи бўлган "Шашмақом", умуман мумтоз мақом санъатини ўзбек давлат миллий мусиқа санъатининг асоси деб эълон қилиш, мақомларга олий даража бериш, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёга тарғиб қилиш

---

[30] ЎзР МДА. М-38. Рўйхат 1. Йиғма жилд 26. 27-35-вараклар.
[31] Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ҳисоботи. Муассаса архиви.
[32] К а р и м о в И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 142-бет.

ва профессионал мақом ижрочиларининг танловини ҳар йили миллий қўшиқ байрами сифатида тантанали ўтказишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда Конфуцийнинг "Ҳар қандай миллатнинг таназзулга юз тутиши-айнан шу миллатнинг мусиқаси таназзулга учрашидан бошланади. Ўзининг соф мумтоз мусиқасини асраб қололмаган халқ маънавий тубанликка маҳкумдир" – деган сўзлари юқоридаги фикрларни янада асослайди. Умуман, Ўзбекистоннинг айрим ҳудудлари билан боғлиқ санъат турларини(халфалик, дийралишма, ёввайло, лапар, ялла, созанда, мавриги) ва унутилаёзган оҳангларни, йўқолиб бораётган чолғуларни тиклаш, илмий ўрганиш, ҳужжатлаштириш орқали таълим тизимига киритиб, бу соҳада етук кадрларни тайёрлаш ва Санъатшунослик илмий-текшириш институти қошида махсус "Мусиқа" журналини ташкил этиш миллий мусиқа санъатининг ривожида муҳим омил бўлади.

*Б. Ирзаев*

## НАЦИОНАЛЬНОЕ МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

В статье ярко и широко описаны реформы в сфере Узбекской музыкальной культуры за годы независимости. На фоне развития музыкальной культуры, проведены церемонии на уровне республики и мира, выигрыши узбекского музыкального исскуства, его главные тенденции и проблемы обсуждены по разным источникам.

*B. Irzayev*

## TRADITIONAL MUSIC ART IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

In the article broadly described the reforms in the field of music culture of Uzbekistan in the years of Independence. Ceremonies which have been held on the development of music culture both around this country and world-wide scale, achievements of uzbek music art and its main tendencies and problems are analyzed on the basis of various sources.

*Тарихчи кутубхонасига*

# РЕЦЕНЗИЯ НА МОНОГРАФИЮ М.С. ИСАКОВОЙ «СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ АРХИВНОГО ДЕЛА В УЗБЕКИСТАНЕ» (Ташкент: Университет, 2012. 204 с.)

Известно, что развитие исторической науки непосредственно связано с деятельностью таких специальных учреждений как архивы, библиотеки и музеи, которые выполняют своеобразную функцию «места хранения человеческой памяти». Сегодня архивоведение, несомненно, стало самостоятельной, касающейся всех и каждого, сферой практической и научной деятельности, занимающей принципиально важное место в системе современных научных дисциплин и в общественной жизни. В свете этого, особую актуальность приобретает вышедшая в свет монография М.С. Исаковой, раскрывающая место и роль архивных учреждений в системе национальных государственных учреждений.

Рецензируемая монография М.С. Исаковой, опубликованная в рамках прикладного исследовательского (молодежного) проекта ЁА-4-08 «Фонды Центрального государственного архива Республики Узбекистан» Центра по координации, представляет собой серьезное историческое исследование по проблеме зарождения, становления и развития архивного дела на территории современного Узбекистана, начиная с древнейших времен до наших дней.

Будучи профессиональным историком, автор, основываясь на признанной научной литературе и большом количестве документальных источников, просматривает предпосылки зарождения архивоведения в регионе с появления здесь письменности в первом тысячелетии до н.э. и возникновения разных систем хранения документации в период древнейших, древних и средневековых государств. Достоинством автора является не только привлечение интересного исторического материала при этом, но и умелое сочетание исторического анализа с элементами историографического и источниковедческого методов анализа широкого круга исторических источников по рассматриваемой проблеме.

В книге весьма обстоятельно изложен исторический материал по периоду трех ханств и Туркестанского генерал-губернаторства. Определяя особенности хранения документации в каждом из этих периодов, исследователь очень удачно раскрывает вопрос о формировании делопроизводства, сочетая это с хорошим анализом и интересной информацией о системе государственного управления как в ханствах, так и Туркестанском крае, используя при этом многочисленную литературу и документальные источники, находящиеся на хранении в ЦГА РУз.

Отдельная глава монографии посвящена вопросу о развитии архивного дела в советский период. Автор подробно раскрывает противоречивость и сложность формирования архивных учреждений и развития архивного дела в

СССР, раскрывая эту проблему на фоне сложных политических процессов, проходивших в разные годы в стране в целом и республиках в частности, в том числе в УзССР. Проведенный анализ многочисленных реорганизаций архивов и архивного дела в советский период помогает сегодня выбрать правильное направление архивного строительства в Республике Узбекистан.

В монографии, впервые, комплексно раскрывается развитие архивного дела в современном Узбекистане. Большое внимание М.С. Исакова уделяет вопросу создания правовой основы регулирования архивной сферы республики, показывая эволюцию создания законодательства в архивном деле. Обращает на себя внимание хорошее, профессиональное знание автором этой проблемы и проблемы практической реорганизации архивной сферы. В частности, на фоне положительных результатов в архивном деле республики показываются и те недостатки, которые имеют место сейчас, что дает возможность соответствующим инстанциям подумать об их устранении.

Достаточно полно изложена проблема подготовки архивных кадров в республике. Автор показывает хорошее знание этого вопроса, поскольку связана с этой проблемой профессионально.

Большой интерес представляет раздел: «Развитие международного сотрудничества в области архивного дела Узбекистана» и другие вопросы, затронутые в монографии.

По каждому разделу и главам, сделаны обстоятельные выводы и обобщения. Работа сопровождается большим количеством статистических и других таблиц, содержащих интересный материал по проблеме в целом. По таблицам сделаны грамотные выводы, обобщенные автором в заключении работы. Монография сопровождается обширным списком использованной литературы и источников, а также вызывающим определенный интерес Приложениями.

Подчеркивая практическую значимость работы, необходимо отметить то, что изучение исторического опыта дает ключ к пониманию настоящего, позволяет выявить корневую сущность социально-экономических проблем, а также извлечь полезные уроки для настоящего и будущего. В то же время, соотношение накопленного опыта с современными преобразовательными процессами создает возможность найти решение ряда проблемных задач и способствует разработке обоснованных теоретических рекомендаций по совершенствованию и выработке перспективных направлений дальнейшего развития отечественной архивной сферы. Учитывая это, а также непреложную роль архивного дела не только как базового направления в исторических исследованиях, но и самостоятельного, самоцельного направления в науке, рецензируемая монография представляет несомненный интерес и имеет важную научную ценность, поскольку является первым исследованием по данной проблеме.

*д.и.н., Н.Р.Махкамова*
*к.и.н., доц. Н.В. Мандральская*

## Муаллифлар ҳақида маълумот

**Э.Ртвеладзе** – ЎзР ФА Академиги, ЎзР ФА Санъатшунослик институти, етакчи илмий ходими, т.ф.д., академик

**О.Комилов** – АндДУ, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

**Ф.Отахонов** – ЎзР ФА Шарқшунослик институти стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

**Ў.Султонов** – ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходим-изланувчиси, т.ф.н.

**М.Асқаров** – АндДУ тадқиқотчиси

**Н.Абдуллажонова** – ЎзР ФА Тарих институти стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

**Е.Пустовая** – Низомий номидаги ТДПУ "Ватан тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси

**Б.Ирзаев** – Қатағон қурбонлари музейи катта илмий ходими

**Н.Маҳкамова** – ТАТУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, т.ф.д., доцент

**Н.Мандральская** – ТАТУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

**Журнал муқовасида:** Чироқдоннинг сузувчи қуш шаклидаги дастаси. Сурхондарё, Работ-Малик. XI-XII асрлар

**На обложке журнала:** Ручка подсвечника в виде плавающей птицы. Сурхандарья, Работ-Малик. XI-XII вв.

Теришга берилди 03.10.2012. Босишга рухсат этилди 19.11.2012.
Қоғоз бичими 70х100 1/16. Таймс гарнитура.
Офсет босма. Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёти т.6,45.
Шартли босма т.5,34

325 нусха. 1487- сонли буюртма.
Келишилган нархда
«Sano-standart» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.

10

Индекс 1027

1300с

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2012. №2